



© “Yoshlik” № 9 (250) 2011 y.

O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,
«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati muassisligidagi
yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali
1982 yildan chiqa boshlagan.



Jamoatchilik kengashi raisi:
Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:
Akramjon ADIZOV
Feruz MUHAMMADJONOVA
Abulqosim MAMARASULOVI
Ahmad OTABOYEV
Minhojiddin MIRZO
Shuhrat SIROJIDDINOV
Ahmad USMONOV

Bosh muharrir:
Sobir O‘NAR

Bosh muharrir o‘rinbosari:
Luqmon BO‘RIXON

Mas‘ul kotib:
Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay‘ati:
Bobur ALIMOV
Iqbol MIRZO
Abduqayum YO‘LDOSHEV
Abdusaid KO‘CHIMOV
Sirojiddin SAYYID
Alisher NAZAR
O‘rozboy ABDURAHMONOV

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA
Rassom: Dadaxon BAHODIROV

Ushbu son “Yoshlik” jurnali tahririyatining
kompyuter markazida sahifalandi.

Manzilimiz:
Toshkent. sh.
O‘zbekiston shohko‘chasi, 16-«a» uy.

E-mail: yoshlik-xatlar@rambler.ru

Tel/faks: (8371) 227-0-227,
245-5-793, 245-0-552

MUNDARIJA

MULOQOT

Zuhriddin ISOMIDDINOV. "Yopig'liq qozon" qanday ochiladi? 2

ADIB XONADONIDA

Nurullo Muhammad RAUFXON. Ruhimiz bir bo'lsin. 11

NAZM

Zebo MIRZO. Nur istab ruhimning isyoni tinmas. 8
Shodmonqul SALOM. Ko'ngil toshayotir qirg'oqlarimdan. 34
Maryam BOZOROVA. Vatan uchun fido bo'lmoq saodat. 38
Muhabbat RAHMONBERDI qizi. Ko'nglim erib ketar otashlaringdan. 47
Xurram RAYIM. Sabr qilgan topar xalovat. 62

NASR

Zulfiya QUROLBOY qizi. Vaqt parchalari. Hikoyalar. 16
Nurilla CHORI. Qizg'aldoq. Hikoya. 56

BIRINCHI UCHRASHUV

Dilrabo NORQULOVA. Ozod shamollarda hilpiragan sha'n. 49
Orif TOLIB. Bo'lgan gap. Hikoya. 36
Zilola YO‘LDOSHEVA. Sog'inch. Hikoya. 51
Dilnoza TILLABOYEVA. Suv kelar toshib-toshib. 54
Gulnoza ISOMIDDINOVA. Faqat kulib yuring, onajon. 61

SIYMO

Hamidjon HOMIDIY. Shiddat. 31

QUTLOV

Qozoqboy YO‘LDOSH. Iste'dod va iroda. 41

O‘GIT

Farmon TOSHEV. She'r – Ruhiyatning tasviri. 48

MUTOLAA

Asomiddin ALIMARDONOV. "Alpomish"ni kim yozgan? 55


FIKR

Adhambek ALIMBEKOV. Ko'ngil fasli go'zallik-la xazon bilmas. 60

YELPUG‘UCH

Nargiza ASAD. Domla uchun tuzoq. Hajviya. 63

Bosishga 28. 09. 2011 yilda ruxsat berildi. Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyat hisob tobog'i 8,7. Indeks 822.
ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan № 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan.
Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi» deb izohlanishi shart.
«O'qituvchi» NMIU bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № 184/11. Adadi 3144 dona.
Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Yangishahar ko'chasi, 1-uy.



“ЁПИҒЛИҚ ҚОЗОН” ҚАНДАЙ ОЧИЛАДИ?

Филология фанлари номзоди, адабиётшунос
Зухриддин Исомиддинов билан суҳбат

– Зухриддин ака, суҳбатимиз аввалида шуни эҳтиром билан айтиб кўяй: Сизнинг матбуотдаги ҳар бир чиқишингизни катта қизиқиш билан кутиб олувчи мухлисларингиздан бириман. Айниқса, маънавият, тил ва адабиётшуносликка оид қатор мақолаларингиз катта таассурот қолдирган. Сўнги пайтларда эса маърифий мавзуда ҳам анча-мунча мақолалар эълон қилдингиз. Ростини, сиз билан суҳбат уюштиришга ана шундай мақолаларингиздан бири туртки бўлди. Гап “Шарқ юлдузи” журналининг 2011 йил 1-сонидан чоп этилган “Тарих унутмайди...” сарлавҳали мақолангиз ҳақида. Келинг, гапни ушбу мақола якунидаги мулоҳазалардан бошлаймиз. Сиз савол қўйибсиз: “...ўтмишдаги ҳамма нарса “ёпиғлиқ қозон” бўлиб қолаверса ёхуд ўзимиз билиттифоқ ёпиб кўя қолсак, унда қачон, нимадан ибрат оламиз?”

Дарҳақиқат, “ёпиғлиқ қозон”нинг очилгани яхши. Аммо айтинг-чи, сизнингча, бу “қозон”ларни очишда бирламчи таянч манба нима бўлиши керак?

– Мен ҳамма нарсани бироз таҳлил этиб, кейин қабул қилишни ёқтираман. Ҳатто аксиомаларни ҳам. Назаримда, сўзсиз равишда маъқул топилаверишдан аксиомаларнинг ўзи ҳам зиён кўрадигандек. Мана масалан, “ҳақиқат эгилади, аммо синмайди” деган мақолни олиб қаранг. Ҳикматга бой, албатта. Аммо эгиладиган ҳақиқат... ҳақиқатми? Мен учун тескариси тўғрироқдай: ҳақиқат синади, аммо эгилмайди. Уни синдиришади.

Ёки “андишанинг отини кўрқоқ қўйма” деган мақол. Мен кўрқмайман, андиша қиляпман, холос, дегани бу. Аммо андишани йиғштириб қўйиб айтадиган бўлсак, айнан кўрқоқ одам “серандиша” бўлишини ким билмайди?

Биз андишали одамлармиз.

Адабиётимиз тарихидаги оқ доғларга ҳам, қора

доғларга ҳам тегиб кетишдан жуда эҳтиётланамиз, ҳар бир адибнинг ҳаётига, ижодига оид маълумотларни борича эмас, ўзимизбоп қилиб силлиқлаб, “ёқимтой” равишда тақдим этишга ўрганганмиз (бу бизга ўтмиш адибларни “демократ ижодкорлар” ва “феодал-клерикал адабиёт вакиллари”га ажратиш давридан; бир гуруҳни оқлаш учун уларнинг “диний-мистик” асарлари ҳам борлигини яшириш, иккинчи тоифага кўшиб қўйилган адибларни қоралаш учун эса, уларнинг, айтайлик, маърифатга чорлаган асарлари борлигини яшириш давридан мерос бўлиб қолди). Шунинг учунмикин, давраларда баъзи шоир-ёзувчилар ёки уларнинг асарлари ҳақида дарслик ва монографиялардагидан бошқачароқ фикр-мулоҳазалар ҳам эшитилиб қолади. Биз ҳар бир ўқувчининг шахсий фикри, ўзига хос қарашлари шаклланишига эришишимиз керак. Айниқса, адабиёт борасида. Чунки шахсий фикрга, эстетик қарашларга эга бўлишни адабиёт табиатининг ўзи тақозо этади, шунинг учун яратилади.

Ўтмишни ҳар қайси замон ўзига мослаб талқин этади. Бу бор гап, ундан қочиб бўлмайди. Аммо ана шу “ўзига мослаш” жараёнида лоақал факт ва далилларни яшириб кетмасдан, ўртага ташлаб, холисроқ таҳлил этишга уринсак, шўро адабиётшунослигидан қолган тамойилпарастлик (теденциозлик) ҳам бартараф бўлармиди дейман. Ана шунда “ёпиғлиқ қозоннинг қопқоғи” бироз очилар эди.

– Адабиёт масаласида ҳар бир ўқувчининг ўз шахсий фикрини шакллантириш ва ўтмишни “ўзига мослаштириш” жараёнида тадқиқотчининг холис таҳлили, айтиб ўтганингиздек, ниҳоятда долзарб масала. Лекин биз бу масалага қай даражада эътибор беряпмиз? Бугун янги тарих, янги-ча қарашлар шаклланаётган бир даврда ўтмиш ва келажак олдидаги масъулиятимизни тўғри англай олапмизми? Шундоқ ҳам қаттол замонлар ойбол-

тасида каллақлаб ташланган тарихимизни, буюқ аждодларимизнинг маънавий меросларини тўғри талқин этоляпмизми? Минг афсуски, бу саволларнинг жавоби ҳақида ўйлаганингда кўнглингда бироз оғриқлар пайдо бўлади.

Зухриддин ака, узоққа бормайлик, суҳбатимиз аввалида номини эслатиб ўтганим: “Тарих унутмайди...” мақолангизни олайлик. Ушбу мақолада маълум бир манбаларга асосланиб, Бобораҳим Машрабнинг ўлимига Сўфи Оллоёр ва Оллоёрга ўхшаш жоҳил, мутаассиб диндорлар сабабчи бўлган, деб хулоса чиқарилган. Иқтибос келтираман: *“...Машраб ва унинг муридларини айнан Сўфи Оллоёр куфрда айблаган эди. Машрабни кофир деб эълон қилиш, яъни, уни маҳв этишга ҳукм аслида Қабодиёнда чиқарилган эди”*.

Бу фикрларнинг исботи учун Сўфи Оллоёр билан Машрабнинг Қабодиёнда учрашгани ва улар ўртасида бўлиб ўтган қисқагина мулоқот далил сифатида келтирилган. Таъкидланадики, Сўфи Оллоёр Қабодиёнда мезбон мақомида бўлатуриб, Машрабнинг олдига ўзи бормай муридларини жўнатиши ва ўз хужрасида Машрабни “Эй, девонаи Машраб”, деб кутиб олиши назарингизда Машрабга ҳурматсизлик бўлиб туюлган. Айниқса, Сўфи Оллоёрнинг “Маслакул-муттақин” асарида келтирилган: *“Яна бир тоифалар лавандлик (ишёқ-маслик) бирла ишлар қилурлар, отларин “девона” қўйуб, ўзларини мастлардек қилурлар”*, деган фикрлари айнан Машрабга нисбатан айтилганини ёзасиз. *“Сўфи Оллоёрга замондош, отини “девона” қўйган... одам ким бўлиши мумкин эди? Бундай одам биргина Бобораҳим Машраб эди”*.

Назаримда, у пайтларда ҳар бир шаҳар ва вилоятларда ўнлаб қаландархоналар, юзлаб “девона”лар бор эди. Бугун ҳам, ҳа, айнан бизнинг замонамизда ҳам ўзларини “девона”лар деб атайдиган тоифалар бор. Булар ҳақида ўтган йилларда республика матбуотида нордонгина бир-икки мақола ҳам эълон қилинди.

Зухриддин ака, мен тарихчи эмасман, аммо Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодини мукамал баён қилиб берадиган тарихий манба ҳозирча мавжудлигига шубҳам бор. Бугунги ўқувчи ҳатто Машрабнинг қачон туғилганини ҳам аниқ билмайди. Олимлар бир илмий давра суҳбатида бундан кейин “Машраб 1640 йилда Наманганда туғилган” деймиз, деб ўзаро келишиб олишган, холос. Машрабнинг ўнга яқин “туғилган йили” бор. Неча ёшда вафот этгани ҳам баҳс-мунозарали. Сўфи Оллоёр билан неча марта учрашгани ва бу зотлар ўртасидаги мулоқот хусусида ҳам аниқ далиллар йўқ. Сиз манба сифатида келтираётган Исҳоқ Боғистонийнинг “Тазкираи қаландарон” тарзкирасига эса етук машрабшунос олимларнинг ҳеч бири манба сифатида қарамаганлар. Илмий тадқиқотчи Абдулла Жаббор “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2010 йил, 27 май сонидан айнан шу тазкира ҳақида фикр билдириб: *“Машрабшунос Муҳсин Зокиров “кашф”*

этган тазкирачи Исҳоқ Боғистонийнинг Шоҳ Машраб ҳақидаги хотиралари ва унинг “Тазкираи қаландарон” асари илмий истеъмолга яроқсизлиги исботлаб берилди”, деб ёзади. Шарқшунослик институти илмий ходими Абдусаттор Жуманазар айнан шу газетанинг 2010 йил 22 октябрь сонидан “Матн ва... бутун саволга яримта жавоб” сарлавҳали мақоласида “Тазкираи қаландарон” асаридан манба сифатида фойдаланиб бўлмаслигини, асардаги воқеалар кетма-кетлиги ва матн тузилиши мутлақо талабга жавоб бермаслигини баён қилади.

Мақолада яна бир манба сифатида “Қиссаи Машраб” келтирилган. Не ажабки, бутун умрини машрабшуносликка бағишлаётган олимлар ҳам бу қиссанинг неча хил варианты борлигини аниқ билишмас экан. Бу китобда Машраб вафотидан ўн йиллар кейин битилган айрим ғазаллар ҳам Машрабники бўлиб кетган экан.

Энди, Сўфи Оллоёр масаласига келсак, ўзбек адабиёти тарихида уч тилда баб-баравар ижод қилган зот борми? Агар бўлса бу Сўфи Оллоёр ҳазратларидир. Унинг ўзида фикҳий, ақида ва одоб-ахлоқ масалаларини жамлаган “Маслакул-муттақин” асари қадимдан мадрасаларда дарслик сифатида ўқитиб келинган. Бу ўн икки минг байтдан иборат муҳташам бир асар. Ҳазрат асарларининг деярли барчасини назмий тарзда инкишоф этган. Шунча илмий салоҳиятга эга бўлган зот Машраб ғазалларининг моҳиятини англамаслигига негадир ишониш қийин. Қолаверса, Сўфи Оллоёр ҳам ҳол аҳлидан эди. Машрабнинг жунун ҳолатини ҳис этолмаслиги мумкин эмасдек туюлади менга.

Умуман олганда, тарихий воқеалар, айниқса, тарихий шахслар ҳақида ёзганимизда шахсий хулоса чиқаришга, “менимча” деб гап бошлашга шонилмаслигимиз керакми дейман-да.

Мана бир мисол: Ҳазрат Алишер Навоий “Сабаъи сайёр” достонининг X бобини Ҳусайн Бойқаронинг хотинларидан бири Хадичабегимга бағишлаган. Ҳазрат ёздилар:

*Ҳам Сулаймони аҳдга ҳамдам,
Ҳамдаму ҳамнишину мунис ҳам.*

*Чун Сулаймонга ёр эрур не ажаб,
Анга Билқиси соний ўлса лақаб.*

Бу ўринда Сулаймони аҳд деганда шоҳ Ҳусайн Бойқаро назарда тутилган. Билқиси соний, яъни иккинчи Билқис эса Хадичабегимдир. Сиз яхши биласиз, Билқис Сулаймон пайғамбарнинг суюкли хотини бўлган. Навоий ҳазратлари Хадичабегимни «Билқиси соний» деб атамоқда. Бу кичкина рутба эмас. Бундан ташқари, бу аёлнинг «махди ульё» (олий йўлбошчи), «исматут-дунё» (дунё покизаси) сингари унвонлари ҳам бўлган.

Хўп, энди ўрта асрлар тарихига оид муҳим мемуар асар, тарихий манба ҳисобланмиш “Бо-

бурнома” асарини варақлаймиз. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари Хадичабегим ҳақида шундай сўзларни битади: “Ўзини оқила тутар, лекин беақл ва вайсақи хотин эди”. Бундан ташқари, Хусайн Бойқаро салтанатидаги ҳамма фожеаларнинг бош сабабчиси қилиб Хадичабегимни кўрсатади.

Айтинг-чи, бу гапларнинг қайси бирига ишонамиз? Икки буюк зот бир киши ҳақида мутлақо бир-бирига тескари фикр айтмоқдалар...

– Саволингизнинг ҳажми унинг залворига яраша бўлди, балли. Матбуот майдонидаги мулоқот шундай очиқ-ёруғ, дангал бўлгани дуруст. Тўйхона бўсағасида меҳмон кутаётган одамлардай табассумлар алмашиб, ияк сийпалаб, ўзаро таъзим-тавозе қила берсак... унинг кимга кераги бор?

Эсдан чиқмаслиги учун Хадичабегим ҳақидаги охириги саволингиздан бошлайлик. Ҳа, Навоий уни “Билқиси соний” деб атаган. Бунинг устига, сиз айтгандай, “маҳди улё”, “исматут дунё” деган унвонлари ҳам бўлган (ўша замоннинг орден-медаллари!).

Сиз “бу икки буюк зот бир киши ҳақида мутлақо бир-бирига тескари фикр айтмоқдалар”, деяпсиз. Менимча эса, ҳар иккови битта гапни икки хил шаклда айтишган. Келинг, Навоийнинг ҳам, Бобурнинг ҳам у ҳақдаги фикрларидан бир лаҳза кўз юмиб, тарихга мурожаат қилайлик. Бу аёл ўз макру хийлалари билан Хуросон мамлақатида катта мавқе қозонгани, аммо оқила хотинларга хос бўлмаган турли қилмишлари – рофизий бўлгани (шиа мазҳабига ўтиб, уни тарғиб қилгани), саройдаги фитначи аъёнлар билан тил бириктириб,



подшоҳ ўғилларини бир-бирига гиж-гижлагани, оқибат – Хусайн Бойқаро ўғлига қарши жанг очиб, ака-укалар бир-бирига уруш бошлагани маълум. Айнан шу аёл шоҳнинг бадмастлигидан фойдаланиб, унинг суюкли невараси Мўмин Мирзони қатл қилиш тўғрисидаги фармонга имзо чектирганини эсланг. Хадичабегим Хусайн Бойқаро салтанатига раҳна солгани равшан.

Албатта, Навоий ўша даврда буни очиқ айта олмас эди. Аммо менимча, Навоийнинг мақтовини мадҳ деб тушунмаслик керак: шоир ишора усулини қўллаб, Хусайн Бойқарони Сулаймонга менгзаган. Сулаймоннинг эса бир ожизлиги бор эди – жаҳонда энг улуғ подшоҳ бўлса-да, айрим хотинларининг (70 ё 90 хотини бўлган) сўзини икки қила олган эмас, уларнинг хато даъватларига кўнган. Демак, Навоийнинг бу “мақтов”и – коса тагида нимкоса бор, деганга ўхшайди. Яна тўғрироғи, шоҳкоса. Боз, Хусайн Бойқарони мадҳ этиб ёзган байтларига қараб Навоий Бойқаро ҳақида

шундай юксак фикрда бўлган экан, деб тушуниш ҳам бирёқламалик бўлур эди. Навоий подшоҳни ўшандай бўлишга ундаган. Филжумла, Хадичабегим таърифидаги мисралардан ҳам шундай истакни уқиш мумкин. Яъни, “Билқиси соний” подшоҳга зимдан ёв эмас, балки “ҳамдам, ҳамнишин, мунис” бўлиши кераклиги... Яна бир гап. Сулаймон нима сабабдан йиқилгани ёдингиздадир? У таяниб турган ҳассани қурт емирган экан. Бу ҳассани, бу қуртни ҳам рамзий талқин қилиб кўрайлик...

“Бобурнома” эса реалистик асар. Бобур унда барча гапини ошкор баён этган, шахсларга нафақат реал, ҳатто рационал нуқтаи назардан баҳо берган. Шу маънода, агар бу рамзу ишоратларга эътибор қилмай, саволни яланг тушунсак, унда жавоб ҳам яланг бўлади: Бобурга ишонамиз.

Машраб билан Сўфи Оллоёр ўртасидаги мунозарага келсак, уни мен ўйлаб топмаганман, китобларда битилган. Сиз баъзи олимлар Машраб ҳаётини баён қилувчи бу китобларни у ёки бу иллатига кўра инкор қилишган, деб айтяпсиз. Балки уларнинг эътирозларида ҳам жон бордир.

Аммо шу ўринда америкалик ёзувчи О’Хенрининг бир ҳикояси ёдга келади: кечки пайт кўкка тикилиб ўтирган бир қиз “Вой, ана Вилли Жексон юлдузи!” дейди ҳаяжон билан. Бошқа қўшни аёл “Вой тавба, ахир у фалон туркумнинг альфа юлдузку!” деб қизни масхара қилади. Бир қўшни эркак эса хаёлчан қизнинг ёнини олади: “Ўша сиз айтган мунажжимлар қайси юлдузга қанақа ном қўйишган бўлса, бу – уларнинг иши. Аммо бу хонимнинг бирон

юлдузга ном қўйишга ҳаққи ҳам уларникидан асло кам эмас!”

Машрабни кўрган, у билан бирга юрган замондош одамлар битган китоблар қай бир сабаб билан чиқитга чиқар эмиш-да, “Мабдаи нур” у Машрабникими, бу Машрабникими” деган биргина саволга ўнлаб мақолалар ёзиб ҳам касбдошига маъқуллата олмай, таллашишаётган домлаларнинг сўзи мўътабар бўлар эмиш. Тўғри, “Тазкираи қаландарон” ҳам, “Қиссаи Машраб” ҳам фундаментал тадқиқот эмас, халқ йўлида битилган асарлар, уларда илмий изчиллик эмас, Машрабга муҳаббат руҳи етакчилик қилади. Аммо Машраб билан Сўфи Оллоёр ўртасидаги мунозара баёни ҳар икки китобда бир хил эканига эътибор беринг-а. Шунинг ўзиёқ ўша муноқаша реал равишда кечганини, баҳс мавзуи айнан нималиги, бу икки улуғ инсоннинг дунёқарашидан катта тафовут бўлгани тўғри ёритилганини кўрсатмайдими? Сиз Сўфи Оллоёр ўзбек адабиёти тарихида уч тилда баб-баравар ижод қилган зот-ку,

деб айтяпсиз. Менимча, бунинг айна масалага дахли йўқ. Уч тилда ёзганми, тўрт тилда ёзганми...

Сўфи Оллоёрга ҳам, Машрабга ҳам ҳурматим қанча эканини ўзим биламан, бари дилимда, аммо ҳар жумлада “ҳазрат фалончи” деявермайман. Биласизми, бизда ғалати бир иллат бор: ўтмишдаги бирон олимни, шоир ёки уламони, подшоҳ ё саркардани бир қораласак, қора ер билан битта қиламиз, аммо замон бир айланса, ўша шахсни шунчалар кўкка кўтарамизки, кўёшдан ҳам тепароққа чиқиб кетади. Шунинг нима кераги бор? Ахир, ҳар бир одам – банда, бандаи ожиз. Инсоний улғулик, инсоний фожиалар кимда бўлмайди...

Сўфи Оллоёр ҳаётда ўта сезгир одам бўлган кўринади. У Машраб билан учрашишни истамаган, чунки оқибати қанақа бўлишини пайқаган. Ахир ўзингиз ўйланг: қанча подшоҳу беклар пойипатак бўлиб, бир назарига илҳақ турган Машрабдай одам излаб, Каттақўрғонга икки сафар борса, изини ҳам кўрсатмай (“Топмасак Сўфи изин Каттақўрғона юруб...”), ахир-ри Қабодиёнда ноилож рўбарў келса? Ё, Машрабнинг ўша қишлоқда битган ғазали ҳам ғалатми? Эътибор беринг – Машрабдан бошқа ким шундай ғазал ёзди? Бу ғазалда Сўфи Оллоёр диний етакчи бўлган Қабодиёнда кимда-ким сал тик қараб, нега зулм бунча ошди, дея савол берса, у ўша ондаёқ “кофир” деб эълон қилиниши кўрсатилган.

Энди асосий саволингизга келайлик. Боя айтганингиздек, мен Сўфи Оллоёрнинг “Маслакул муттақин” асаридаги бир парчани келтирганман: “Яна бир тоифалар лавандлик (ишёқмаслик) бирла ишлар қилурлар, отларин “девона” кўйуб, ўзларини мастлардек қилурлар. Шариат бирла парволари бўлмас. Ва яна айтурларки: “Бизлар ошиқдурмиз, бизларга намоз ва рўза даркор эмас”. Аларнинг улфати Шайтондур. Бу сўзларга бовар қилиб, андоғ гумроҳга эътиқод қилса, ул Худони душманидур. На учунким, улар Худони оятига мункирдур. Ҳар киши оятга мункир бўлса, бешак кофир бўлур”

Ва давомида, “Сўфи Оллоёрга замондош, отини “девона” кўйган, ўзини ошиқ деб атаган, Сўфи Оллоёрнинг қаҳрини кўзгаб, унингча, “шариат бирла парвоси бўлмаган” одам ким бўлиши мумкин эди? Шубҳа йўқки, у... Бобораҳим Машраб эди” деб ёзганман. Демак, менинг талқинимда Сўфи Оллоёр Машрабни куфрда айблапти.

Сиз “Назаримда, у пайтларда ҳар бир шаҳар ва вилоятларда ўнлаб қаландархоналар, юзлаб “девона”лар бор эди”, деб эътироз билдирапсиз. Қаландархоналарда девоналар эмас, қаландарлар бўлади. Боринги, шу фикр тўғри деб топилиб, қаландархоналар девоналар билан гавжум бўлса, унда Сўфи Оллоёр юзлаб-минглаб “девона”ларни кофирга чиқариб юборган бўлади-ку? Йўқ, девона лақабини олганлар санокли бўлган. Чунки “девона” – жинни дегани. Қаландарлар, зоҳидлар, сўфийлар... ҳеч сабабсиз “девона” аталишига рози бўлмайди. Шундай экан, Сўфини иккимиздан қай биримиз кўпроқ ҳимоя қиляпмиз ўзи?

Бу масалада яна бир гап. Шўро адабий сиёсатида синфий душман топиш тамойили кучли эди. Асарларда бой ила хизматчилар, прогрессив кучлар билан қорағуруҳчилар бир-бирига қарши курашмаса бўлмас эди. Ҳозир бунга барҳам берилди. Энди бўлиб ўтмиш ҳодисотларни имкон борича реал ёритишга, сунъий конфликтлар тўқиб чиқармасликка ҳаракат қиляпмиз. Ҳатто, ҳаётда ростдан бўлиб ўтган кескинликларни ҳам бироз юмшатиб, силлиқлаб кўрсатишга мойил бўлиб қолдик. Янги асарларда кўп бойлар узоқни кўзловчи, савобталаб, саҳий одам қилиб кўрсатилади, камбағал эса ўзининг ялқовлиги, ишёқмаслиги туфайли йўқсил, холос. Тарихий шахслар, шоиру адиблар орасидаги қарама-қаршиликлар-ку, тамом паторат топиб кетди. Гўё, ҳеч қанақа ихтилоф бўлмаган, ғирт идиллия!

Аммо... бу ҳам бирёқламалик эмасми? Одам боласи борки, курашади, шу аснода ўзига яраша дўст-душман орттиради ахир. Жамият ҳаёти ҳам, унинг инъикоси бўлган адабиёт ҳаёти ҳам қарама-қаршиликларга тўла. “Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ” деб фарёд қилган маърифатпарвар Аваз Ўтар ўғли ҳам ҳақ, уни жиннига чиқариб, кишанлашга фатво берганлар ҳам маъқул бўлаверса... Мана, Муқимийнинг бу байтларига қаранг:

*...Халлоқ бандарвар, кўй, қилма ваҳми маҳшар,
Ўйнайлик, кулайлик, омон бўлайлик.*

*Жўш урса баҳри раҳмат, журминг тамоми тухмат,
Ўйнайлик, кулайлик, омон бўлайлик.*

Оллоҳ берган неъматларга шукрона қилишга, ундан завқланишга чорлаган бу ҳаётсевар ғазалга қарши Мўҳйи наъра торганини биларсиз:

*...Ин сифлаҳои шумки, омон миёни халқ
Пайдо шуданд, пардаи имон ҳамедаранд.*

*“Ўйнойлику кулойлику” гўён миёни халқ,
Ҳукми худую, амри паямбар намебаранд.*

*Ин чанд сифлаҳои чапан номи шоири,
Бар ҳеш додаанду ҳаме уммии харанд.*

(...Бу шум, ярамас одамлар халқ орасида пайдо бўлиб, ҳаммининг имон пардасини йиртадилар; Халқ ўртасида “Ўйнайлик, кулайлик” дейдилару одамларга Худонинг ҳукмини, пайғамбарнинг амрини етказмайдилар; Бу ярамас, безори одамлар ўзларини шоир деб аташса ҳам, аслида саводсиз эшакдилар).

Қаранг, фикру ғоялар ўртасидаги кураш адабиёт майдонида ҳаммиша бўлиб келган экан. Аммо... шу билан бирга... ғалати бир муштараклик ҳам борлигини сезяпсизми?

– Дунё машҳурларидан бири лутф этади: “Эҳтимол мен сизнинг фикрингизга қўшилмасман, аммо шу фикрни айтиш имконияти учун жонимни

беришга тайёрман”. Шундай экан, бу масалалар борасида фикр билдириш имкониятини муҳтарам журналхонларга ҳам берсак...

Аммо жавобингиздаги баъзи ўринларга бироз тўхталиб ўтмасам қийналиб кетаман. Аввало, шунини айтишим керакки, “девона” сўзининг луғавий маъноси дунёвий истилоҳда “телба”, “ақлсиз” деган маъноларни билдиради. Диний-маърифий маънода Аллоҳнинг васлига шошилган, зикру самога берилган, сўфий кишига айтилади. Сўфи Оллоёр “Маслакул муттақин” асарига “бир киши” ҳақида эмас, “тоифалар” ҳақида ёзган. Бир киши эса “тоифалар” бўлмайди.

Сулаймон пайғамбар ҳақидаги фикрлар эса мени бутунлай қарахт қилиб қўйди. Билмадим, эҳтимол қўлингизда Сиз ишонган манбалар бордир. Бироқ бу борадаги ҳақиқат шуки, Сулаймон алайҳиссалом Қуръони каримда номи зикр этилган пайғамбарлардан биридир. Қуръони каримнинг “Намл”, яъни, “чумоли” деб номланган сурасида Сулаймон (а.с.) ва Билқис қиссасини яратган зотнинг Ўзи батафсил баён этиб берган. Қолаверса, пайғамбарлар ўз даврининг ва ўз қавмининг пешволари бўлишган. Бу ҳақда ҳам оятлар бор. Мана шу оятлардан келиб чиқиб, машҳур ҳанафий уламоларидан бири Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа ақидага доир “Махзанул мақсуд” рисоласида ёздики: *“Ул пайғамбарларни ҳақларида бизларга билмоғимиз вожиб бўлган сифатлар бешдур: 1. Сидқ. 2. Омонат. 3. Таблиғ. 4. Исмат. 5. Фатонат. Яъни, жами пайғамбарлар сўзларида рост гапиргувчи, омонатдор – хиёнат қилмайдиган, катта ва кичик гуноҳлардан пок ва узоқ, ҳамма одамлардан ақллик бўлгувчидир”*.

“Сулаймон... улўғ подшоҳ бўлгани ҳолда, хотинларининг сўзини икки қила олган эмас, уларнинг хато даъватларига кўнган”. Бу гапга қўшилиб бўлмайди. Оллоҳ Ўзи танлаб олган пайғамбарининг ботил эътиқодга эргашиб кетишини ирода этмайди. Пайғамбар бўлатуриб кимгадир эргашиш, тагин хато даъватга... Бу оддий инсоний мантиққа ҳам зид. Бу масалаларда эҳтиёт бўлишимиз керак.

Зухриддин ака, бу гаплардан кейин мен сиздан эътиқод хусусида сўрамоқчи эдим. Назаримда, ҳар бир инсоннинг тақдири унинг эътиқодига мувофиқ бўлганидек, ҳар бир жамиятнинг равнақи ҳам амал қилинаётган эътиқодига бориб тақалади. Ўтмишда қачон мусибатга дучор бўлган бўлсак, эътиқод сусайган, маърифат элдан кўтарилган замонларда бўлди. Қачонлардир дунё аҳлининг пешвосига айланган бўлсак, тўғри эътиқодни, яъни тавҳидни мустаҳкам ушлаган даврларда бўлди. Бугун дину маърифатимиз, қадриятларимиз ўзимизга қайтди. Эндиги масала бу бебаҳо хазинани очиш, ўқиш ва тўғри ўқишдир. Ана шу жараён жамиятимизда қандай кечяпти? Ва айнан мана шу жараёнда адабиётнинг ўрнини қандай баҳолаш мумкин?

– Гапни сизнинг эътирозларингизга жавобдан бошласам. Аввало, сиз айтган “Оллоҳнинг васлига

шошилган, зикру самога берилган сўфий кишилар” девона эмас, ошиқ, қаландар, сўфий дейилган. Девона лақабини уҳдага олиш учун эса солиқ машрабмисол бўлиши керак. Тўғри, шеърятда “ишқингда девона бўлдим” каби мисралар учрайди, аммо бу “ҳажринг ўтиға парвона бўлдим” дегандай лоф. Билқис масаласини эса кенгроқ тушунайлик. У Сулаймоннинг бош хотини, Хадичабегим эса Бойқаронинг. Шунинг учун Навоий Билқис отини тилга олади. Аммо Сулаймонни бошқа бир хотини Кўна йўлдан уришга урингани бор гап: у уйига ҳайкал-санам қўйиб унга сиғинган, санамга қурбонлик қилган ва ҳатто Сулаймон бунга руҳсат ҳам берган. Ўшанда Сулаймоннинг вазири Осаф ибн Бурқийе унга дашном учун номини хутбага қўшиб ўқимайди. Сўнг Жаброил Сулаймонга ваҳий келтиради: “... Тақи ёрлиғ бўлди: Тўрт хато иш қилдинг сандин кечурдим. Аввал: Кўнани исломга кижурмайин олдинг. Икинчи: Кофира тиши (аёл)ни никоҳ қилдинг. Учунчи: Анинг учун бут йўндурдинг. Тўртунчи: Чугуркани қурбонлик бердинг. Қамуғни билди эрса, Сулаймон узр қўлуб саждага борди...” (Қисаси Рабғўзий, 2-китоб, Т., 1991, 45-бет). Албатта, бу борада ихтилофлар кўп, лекин пайғамбарлар адашмаган, дейиш тўғри бўлмаса керак. Мусо ва Хизр воқеаларини эсланг. Зеро ҳар бир пайғамбар – аввал одам, сўнг расулulloҳ (абдуху варасулуху). Беайб – парвардигор...

Энди саволингизга келсак, ҳа, эътиқоднинг сусайиши (ёки унга йўл берилмаслиги) таназулға олиб келади. Шу билан бирга, жамиятдаги тубанлашиш ҳам одамларнинг имон-эътиқодига ҳам оздир-кўпдир путур етади. Бу қоида, маълум маънода, умумий “теорема”, жамият ҳаётига тегишли. Уни бирон конкрет шахсга татбиқ қилиш, бу одамнинг имони кучли, шунинг учун толеи ҳам баланд, анов кишининг эътиқоди суст, шу сабабли ҳаётда ҳам бахтсиз деб бўлмас-ов.

Диёнатимиз, маърифат ва маънавий қадриятларимиз қопқасини янада кенгроқ очиб, ундан баҳраманд бўлиш масаласига келсак, бу ҳақда гап кўп. Гап кўп. Менимча, бу хазина бойликларидан тасарруф этиш истиқболимизни таъмин этишининг бир жиҳати, холос. Энг илғор илм-фан, техника ва технология ютуқларини нафақат эгаллаш, балки уни ривожлантиришда ҳам бошқа халқлардан ортда қолмаслигимиз лозим. Мана шу ерда дилемма ҳосил бўлади: ҳадеб ўтмишимизни тараннум этиб, шу билан қаноатлансак – миллий маҳдудликка, қоқоқликка юз тутамиз ва аксинча, глобаллашишга маҳлиё бўлиб, ўзимизни унинг ихтиёрига ташлаб қўйсак, тез орада ўзлимизни йўқотамиз. Тараққиётнинг катта карвонига етиб юра олмай, йўл четида ўтаётганларга қўл қовуштириб туришни ҳам, глобаллашиш деган офатнинг домига тортилиб, унинг “қора туйнуги”га ютилиб кетишни ҳам истамаймиз. Ўрта, мўътадил йўлдан оғишмай илгариллашимиз шарт. Ўзбек халқининг жаҳон айвонида бир маърифатли миллат бўлиб умргузаронлик қилиши бугун сиз билан бизнинг ақлу шууримизга, ориятимиз ва ҳамиятимизнинг даражасига боғлиқ. Ахир, аждодлар олдидаги бурчимизни қўя туринг, эртанги авлод олдида масъулиятимиз ҳам бор-ку? Бизга меросхўр бўладиган

авлодларнинг тақдири бизнинг шу кунлардаги тадбирларимиздан келиб чиқади. Бозор иқтисодиётини, кундалик ташвишларни баҳона қилиб, асл муддаони эсдан чиқармасак, пировард маррани кўздан қочирмасак бўлгани.

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, бу саволга жавоб бериш учун бутун бошли китоб ёзса ҳам камлик қилади. Шунинг учун мен фақат бир масалани тилга олмоқчиман.

Миллат маърифатини камол топтиришда адабиётдан катта куч йўқ. Чунки одамлар олаётган ахборотнинг асосий қисми китоб, газета-журнал ва ҳоказолар орқали келади, улардаги материаллар орасида адабиёт кўп ўрин эгаллайди. Халқ маънавияти адабиёт нимани тарғиб қилса, шунга қараб шаклланади.

Аммо адабиёт фақат энг юксак бадиият намуналаридангина иборат эмас. Бундай деб билиш ҳавоийлик бўлур эди. Адабий асар деб тақдим этилаётган, одамлар ўқиб ўзлаштираётган жами адабий маҳсулот учун масъулмиз. Бу борада ўйлаганда қадим ривоят ёдимга келади: Нуҳ кемасини сичқон тешиб кўяди, бунга дарров чора топилмаса, кемага сув кириб, жами махлуқот чўкаёзади, нақлнинг давоми – илон ва қалдирғоч ҳақидаги миф...

Тўй раққосаларини биласиз, қошини қоқиб, ишвали боқиб ёнингизга келиб туриб олади. Қийқириқ. Тезроқ пул чиқармасангиз, тиззангизга ўтирволгудай бўлади, бўйнингиздан икки қўлини ўтказиб кучади, кўксини бошингизга ишқайди – эвоҳ, чўнтакнинг энг қоронғу жойларидаги шилдиरोқ ақчалар қандай қилиб бирин-кетин чиқиб кетганини идрок ҳам қилолмай қоласиз, қарасангиз, бу пайт бояги гўзал бошқа бир «бойвачча»нинг теграсида хиром айлаётган бўлади.

Баъзилар бунга ҳа энди, замон шу экан, деб кулиб қўя қолади.

Ўткир ёзувчиларимиз бор – хоҳласа, икки ой ичида икки юз бетлик ўта қизиқарли, ўта шарманда бир романни ёзиб ташлаш қўлидан келади. Уни, масалан, икки юз минг нусада чоп этинг: икки ҳафтада ур-йиқит бўлиб сотилиб кетмаса, биз бенават.

Таниқли раққосаларимиз бор – истаса, ғамзани бояги орсиз «санъаткор қиз»лардан ўн чандон ортириб, минг кишилиқ даврадаги жамики Одам ўғилларининг ҳушини бошидан учира олади. Бироқ улар бунчаликка бормайди; аёлларга хос ҳаё, ўзбекона андиша ва аввало инсоний номус бунга йўл қўймайди. Маънавиятимиз пешволари бўлган адибларимиз ҳам асло боягидек шарманда асар ёзишдай тубанликка тушмайдилар; бунга уларнинг ҳаётини эътиқоди, ижодий принципи йўл қўймайди.

Аммо қарийб чорак асрча бўлиб қолди: илгари бировнинг қулоғига ҳам айтиб бўлмайдиган уят гаплар китобларга бемалол ёзиладиган, сариқ-суруқ газета-

журналларнинг саҳифаларига “хусн” бўладиган бўлиб қолди. Мен шаҳватпараст айрим қаламкашларни ҳаё кемасини кемираётган сичқонга ўхшатаман. Ҳаёсизлик – маҳв этувчи куч, ҳаё йўқолган жойда жамиятнинг жамиятлиги, халқнинг халқлиги қолмайди. Биз Шарқ элимиз, бинобарин сўз санъатимиз ҳам бизнинг ҳеч кимниқидан кам бўлмаган менталитетимизни тарғиб қилганидагина файзли бўлади. Адабиёт миллий ҳодиса, у миллатимиз руҳиятини камол топтиришга интирмай туриб барака топмайди.

Қадимдан адабиёт кимнинг “дотация”сида бўлса ўшанинг ғояларини тарғиб қилиб келган. Ўтиш даврининг қийинчиликлари сабаб, айрим қаламкашлар баъзан уят ва фаҳшни тасвирлаб пул топишга уриндилар ҳам. Ажабки, бундай асарларда бадииятнинг йўқлиги ҳам билинмай кетаркан. Аслида сўз санъати пул топиш воситаси бўлганида эмас, балки пул бақувват асарлар яратишнинг моддий асоси бўлганида адабиёт ривожланади. Кейинги йилларда давлатимизнинг бу соҳага эътибори кучайиб борапти. Шундай экан, ёзувчилар ҳомийнинг саховатли қўлига қараб куллуқ қиладиган замонлар орқада қолиб кетса ажаб эмас. Адабиёт ана ўшанда ривожланади, камол топади, ҳақиқий вазифасини бажаришга киришади.

– Зухриддин ака, бизга ажратган вақтингиз ва қимматли фикрларингиз учун миннатдорчилигимизни айтиб қўйсак. Суҳбатимиз ниҳоясида ўйлаб кўрсам, ҳар иккимиз ҳам ўз фикримизда қолгандекмиз. Албатта, бу “келишмовчилик” шунчаки гап талашиш ёки ўз фикрини ўтказиш эмас. Гап, тилга олганимиз – шу улуғ зотлар ҳақидаги қарашларимизга бироз ойдинлик киритиш. Зеро, ҳазрат Машрабнинг ўзи лутф этади: “Олими худдон бўлма, олими касдон бўл”. Яъни, у зот айтмоқдаларки, сен фақат ўзингни кўрувчи, худбин бўлма, аксинча, яхши-ёмонни, инсонларни танийдиган олим бўл!

Олими касдон бўлиш йўлида эса хато ва камчиликлар бўлиши табиий. Зеро, бу ҳақда ҳазрат Сўфи Оллоёр ёзадилар:

***Хатти тақдир аст берун аз ғалат,
Аз ғалат холи набошад ҳеч хат.***

Яъни, фақат тақдир хати хатодан холи, бошқа ҳар қандай хат хатодан холи эмасдир.

Дарҳақиқат, ўзбек адабиётида, маънавий-маърифий ҳаётимизда ўзига хос мақомга эга бу зотлар билан ҳар қанча фахрлансак, ҳар жумлада эмас, битта жумлада икки марта “ҳазрат” десак ҳам муболаға қилмаймиз.

Суҳбатдош: Алишер НАЗАР





Зебо МИРЗО



Нур истаб руҳилминг исёни тинмас

ОДАМТОШЛАР

Бу ер уммон бўлган бир вақтлар...
Кейин кўтарилган
 улкан тошлари.
Кейин сув қуриган
 ва чўккан...
 Тоглар –
Ернинг қотиб қолган метин ёшлари.
Энди Коинотнинг
 кўм-кўк денгизи
Сирли жилвасига бўлганича гарқ,
Шундоқ юлдузларнинг
 кўзи ўнгида –
Очилиб ётибди
 миллион йиллик Вақт!..
Сочилиб ётибди
 ошкор ва пинҳон
Излар...
Тарих ўзи буюк хаттотдир.
Тошлар – асли тошмас, уммон тубида
Балки яшаб ўтган Одамизотдир?
Балки улкан тошлар –
 улкан одамлар –
Қотган юрагига кўмиб сирини,
Эврилиб келса ҳам қанча одамлар
Ҳеч кимга бермаган она ерини.
Ё кўрган минг марта каттароқ Ойни?
Ёки учиб олис сайёралардан,
Балки олиб келган энг гўзал жойни,
Ҳали биз билмаган тайёраларда?



Улар кўрган
 Қандай мўъжизаларни
Сўзсиз нималарга қилар ишорат?
Суюниб бир-бирин елкаларига
Ёки...
 Кутаётир қандай башорат?
Йўқ,
 улар сувсаган...
ташина қалбига
Мусаффо руҳига етмаган ҳаво!
Улар учиб кетган
 Вужудин ташлаб,
Чунки торлик қилган кўксига маъво!
Йўқ,
 улар кўмилган ўз вужудига,
Бу тошлар –
 Мангулик қабртошлари.
Шу сабаб йиғлашар ичи-ичидан,
Булоқлар – тоғларнинг аччиқ ёшлари...
Бу тошлар,
улуғвор бу харсанг тошлар,
Майда одамларнинг устидан кулиб,
Олис юлдузларга
 кўзни тикканча
Тизилиб туришар
 Жангчилар бўлиб.
Тўхтаб қолган каби
 Бу ерларда Вақт
Имиллаб ўтади...
 Ҳаттоки Қуёш,
метин танасини тилиб кетади,

Чақмоқлар... ёмғирлар,
Бўрон-сангтарош.
Пайқамай ўтарсиз гоҳо ёнидан,
Сезмайсиз, юраклар бўлса-да қодир.
Ким у кетаётган?

Бизми, ё улар?
Дунё сарҳадидан ким ўтаёттир?
Уларни тош деманг,
Улар ҳам одам,
Ичига яширган ингроқларини,
Қўлингизни аста қўйинг қўлига
Тинглайсиз залворли титроқларини...
У шундай, балки ишқ,

Балки гам билан,
Битта бахт қолдириб Одамиятга,
Олис Коинотнинг
Олис йўлидан
Улар кетиб борар АБАДИЯТга!



ЭЪТИКОФ

Мен – Биби Ойиша эмасман,
Ҳазрати Хадича ҳам эмас, аммо
юрагимда битта Одам бор,
Расулдай севимли,
Худодай танҳо!
Худоё, мен Ойиша эмасман, нега?
Нечун юрагимда севги бу қадар?
Кимнинг қайғуси бу –

Бир ишқ беэга,
Қоронғу умримга солади хатар?
Танланмадим, бир олий шараф,
Ёки маҳрами хос буюк зот учун.
Аммо суюгимни ўтларга қалаб,
Жаннатий бир севги ёнади нечун?
Ойдин тушларимда олма тишладим,
Бошларим айланар севги исидан!
Худойим, Худойим,

жисмимни қадим
Яратдинг, айт, кимнинг қобирғасидан?
Шу қадар маҳрумман, ки етмас кучим,
Нур истаб руҳимнинг исёни тинмас,
Гуноҳларин Расул сўраб бергувчи,
Мен, ахир, Ҳазрати Ойиша эмас!
Қалбни барбод этган ишқ билан, нега,
Аршинга гуноҳкор қўяман қадам?
Бу олов умримга бўлгани эга,
Наҳот, топилмади бир ёруғ Одам?!
Ойдин тушларимда олма тишладим,
Бошларим айланар севги исидан!
Худойим, Худойим, жисмимни қадим
Яратдинг, айт, кимнинг қобирғасидан?!..



САМАРҚАНД ВА ҲИРОТ...

Шундоқ Регистоннинг ёнбошидаги
Узун, тор йўллардан тентираб кетиб,
Қандай келиб қолдим, била олмайман,
Ҳиротга – Бойқаро қасрига етиб?..
Кимдир деди: «Қайтар тарихни ортга,
Мўмин Мирзо сендан кутмоқда паноҳ.
Лек мендан олдинроқ ўлим хатига
Муҳрини босади гафлат босган шоҳ!
Осмон чархпалаги ортга кетмоқда,
Қайларда қолдингиз, Шоири замон?
Ҳиротни бир қора қуюн ютмоқда,
Дунё бораёттир қиёмат томон.
«Уйғонинг, хоинлар, ўлим қасдида,
Шоҳим, жонриштангиз узаётган ким?
Соҳибқирон берган қилич дастидан
Тортинг қўлингизни, Хадичабегим!
Лек, маккор кўзлардан учган лахча чўғ
Ўт қўяр салтанат деворларига.
Мўмин Мирзо бошин кесар бир махлуқ,
Қон сачрар Самарқанд минорларига!..
Шаҳид кетган Ойнинг интиқомига,
Ўрнидан бир қалқиб кетар Гўри Мир!
Бойқаро қўлини ботириб қонга
Жаҳонгир пойига тушади шамшир.
Энди ким ювади бу қон юқини?
Ким уни кўтариб қўяр жойига?
Ўтқир овоз келди дахмадан: «Кимки
Бошини қўйса, гар, юртнинг пойига!»
Афсуски, тарихга энди таҳрир йўқ,
Ётибман, руҳимни шу азоб янчар.
Сизнинг кўксингизга келиб теккан ўқ,
Менинг юрагимга урилган ханжар!
Турсам-у, тугимни кўтарсам, илло,
Дунёнинг тенг ярми юкиниб келар.
Мени хавфга солмас ўзгалар, аммо
Мени қўрқитади ўзимникилар!..
Унутмаки, сен ҳам менинг авлодим,
Шиддатинг кўкларга кўтарган чоғи,
Ватан каби асра қалбингни, токим
Зимдан урилмасин фитна пичоғи!..»
... Ўзингни отиб тош дахмалар томон
Ўқириб-ўқириб йиғлагинг келар.
Ахир қандай ёмон, қанчалар ёмон,
Душманларинг бўлса – ўзингикилар!
Самарқанд ва Ҳирот туташган жойда
Сирли бир кўприкдан ўтиб хаёлий,
Боқаман, тунда мен тикилган Ойга
Қараб турган бўлар Ҳазрат Навоий!

ТУШ

Нигоҳлари ёдимда қолди,
У ғамдан-да эди ғамгинроқ.
Ниманидир сўрмоқчийдим,
Лабларимга босди у бармоқ.
Юзимга жим қўйиб юзини
Аста қучди – оловда куйдим.
Ҳеч умримда туймаган бир дард
Билан, ё Раб, мен уни суйдим!
У биларди...
Жоним қайдаю,
Руҳим қайда қафаслигини.
Ва ногаҳон ҳис қилдим, кўзим
Қайтиб уни кўрмаслигини!
Мени бир дам бахтиёр этиб,
Кейин ўтли ўйларга ташлаб.
Кетди... оппоқ руҳлар билан У
Кўзларини жимгина ёшлаб...
Мен ортидан узоқ югурдим,
Осмонлардан излаб изини...
Қайтарай деб,
чақирай дедим,
Мен билмасдим
Унинг исмини!..



ТАШРИФ

Мен дунёнинг энг чеккасига
Етиб келган эдим савдойи,
бир осийнинг
марғуб сасига
кириб келди Ҳазрат Навоий.
Аста мендан сўради аҳвол,
Ҳолим эди ёмондан-ёмон.
Юрагимнинг бир чеккасига
тегиб кетса,
қуларди осмон...
ҳасратимнинг ғам кулбасига
шамларини қўяркан осиб,
мен йиғладим издиҳом ютган
ғариб кўнглим ҳолига боқиб...
Атрофимда на дўст бор эди,
на бир дилдош,
на бир пок кўнгил...
Азалдан то оқибат қадар
Кетган эди қоронғу бир йўл...
Балки, Лайли кўнглим бор эди,
Балки, руҳда Мажнуннинг ҳоли.



Бу дунёнинг тор қафасига
Сигмай ўлди ишиқим хаёли...
Энди менинг йўлим йўқ эди,
Тугаганди сабри қарорим.
Чорасизлик чораси ичра,
Шеърим эди ёру агёрим...
Хаёлимни ханжардай тилган
Қаламимга кўзини ёшлаб,
У жим кетди,
надомат билан
Мени ёлғиз Худога ташлаб.
Насиҳатни уққанлар билар,
Мен не билай, ошиқ савдойи.
Кетгим келди,
бироқ сиз билан...
Кўнглингизни севиб, Навоий!

* * *

Гўзал ҳисларимиз этдилар барбод,
Агёрнинг озори, дўст агёрлиги...
Аммо мен учун – бахт,
Мен учун – ҳаёт,
Бу дунёда сенинг севгинг борлиги...

Телефон қизғонар овозингни ҳам,
Кўзинга етмайман, дил ночорлиги.
Сўнгсиз изтиробдир,
Сўнгсиз азоб – ғам
Бу дунёда сенинг севгинг борлиги...

Исмингни ўпаман... Кимга ғалати
Бахтсиз тунларимнинг бахтиёрлиги.
Худонинг кўнглимга берган неъматини –
Бу дунёда сенинг севгинг борлиги...

Балким унутгансан?... Балким барибир
Кўйингда паришон умрим хорлиги.
Эҳтимол, билмасан?...
Руҳимдаги нур –
Бу дунёда сенинг севгинг борлиги...

Балким кимларгадир келади малол
Ғариб икки дилнинг интизорлиги...
...Аммо мен учун – туш,
Мен учун – хаёл,
Бу дунёда сенинг севгинг борлиги...





Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН

Рухилиз бир бўлсин



Китобни севадиган бир оилада туғилдим ва эсимни таниганимдан бери адабиётга меҳр қўйганлар қуршовидаман. Раҳматли ота-онам қачон бўш қолишса, кўлларида китоб, газит ё журнал тушмасди. Шу манзараларни кўриб катта бўлдим. Айниқса кичик опам Нозирахон китоб жинниси эдилар. Ёш болалигимда неча марта ўзим гувоҳ бўлганман: катталар опамга: “Бор, қозон (ё қумғон) тагига ўт қалаб қўй”, дейишса, тутантириққа қўйилган қоғоздаги ёзувларни ўқиб тутатмагунларича гугурт чақмасдилар. У қоғоз кўп бўлса, кўраверинг. Ичкарида биз, чой қачон қайнар экан, деб кутиб ўтираверардик. Қўлимга илк қалам тутқазган ҳам шу опам бўладилар. Мактаб ёшига етгунимча қанчадан-қанча дафтарни ёзувга тўлдириб ташлаганман. Аямнинг ўзларига хос эртақлари бўларди. Айниқса раҳматли дадам ҳикоя айтишга уста эдилар.

Узун қиш кечалари сандалда ўтириб кўрак чувирдик. Эрталабгача “сичқонча”ларни сандалнинг кўрпаси тагида иситиб, сал паҳмоқлаштириб топширишимиз лозим эди. Кечки овқатдан кейин чувишга тушардик. Дадам раҳматли ҳикоя айта бошлардилар, биз болалар мириқиб тинглаб, анча-мунча кўрак чувиб қўйганимизни билмай қолардик. Дадам гапирардилар, биз эшитаверардик. Улар ҳаммаси роса қизиқарли эди ва мен ўзимни ўша эртақлар ичида ҳис этворардим. Болаларча саволларни қалаштириб ташлардим. Кейинчалик билсам, кўп ҳикоялари динимиз тарихидан бўларкан. Аммо у пайтлар дадам буни билдирмасдилар. Совет даврида буни айтиб ҳам бўлмасди-да. Биз совет ўқтабирчилари ёки пионерлари эдик, билмасдан кўча-кўйда, мактабда оғзимиздан гуллаб қўйсақ, “Ёш совет боласини эскилик сарқити руҳида тарбиялаяпти”, деган айб билан дадajонимизнинг бошларига тўқмоқлар тушиши мумкин экан. Энди ўйлаб қарасам, шунинг эҳтиётини қилиб, манбаини айтмасдан ҳам вазифаларини аъло даражада бажариб кетибдилар. “Минг бир кеча”ни “Алфи лайло” дердилар. “Лайло”ни биронта аёл кишининг

оти бўлса керак, деб ўйлардим. Кейин билсам, “кеча” дегани экан...

Булар бари қўшилиб менда адабиётга ҳавас уйғонишига сабаб бўлгандир балки, аммо ҳавас она аллаларидан ё болалиқда эшитилган эртагу ҳикоялардангина туғилмайди, деб ўйлайман. Чунки аллани ҳам, эртагу ҳикояларни ҳам деярли ҳамма бола эшилади, лекин кимдир адабиётчи бўлади, кимдир меъмор, кимдир учувчи бўлади.

Демак, биз билмаган, биз ўзимиз ҳал эта олмайдиган, бўлиши бизнинг иродаларимизга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар ҳам бор. Яъни, она қорнидаёқ битиб қўйиладиган тақдирнинг улушини унутмайлик ҳеч қачон, демоқчиман.

Энди илк ёзган ҳикоямга келсак. Илк ёзганим сақланиб қолмаган. Мавзуини ҳам эсламайман. Лекин илк эълон этилганининг ёзилиш тарихи ҳам, босилиш тарихи ҳам тафсилотлари билан эсимда. Ўзимча пишди деб ўйлаган ҳикоямни раҳматли Шукур Холмирзаевга кўтариб олиб борганман ва у кишидан жуда илиқ фикрлар эшитганман. Ёқармикан, нима деркинлар, деб ҳаяжонда борган бир гўр талаба Шукур акадай ҳикоя устаси оғзидан: “Ҳикоянгиз ёқди, “Шарқ юлдузи”нинг келгуси сонларидан бирига тайёрлаб қўйдим”, деган хушxabарни эшитса, ўзини қандай ҳис этади! Ўша дамдаги қувончларимни эсласам, ҳозир ҳам айрича хузур туяман... “Ютуқ” деб номланган ушбу ҳикоям тақдир тақозоси билан “Шарқ юлдузи”да эмас, 1982 йили янги ташкил этилган “Ёшлик” журналининг илк сонларида машҳур ёзувчи Ўткир Ҳошимов “Оқ йўл”и билан чиққан. Бу ҳодиса том маънода менинг ютугим эди!

Китоб шаклида эса, олдинга ҳикояларим “Йўл бошида” тўпламига киритилди, ундан кейин мустақил “Дунё кенг...” ҳикоялар тўплами чоп бўлди, ундан ҳам кейинроқ қисса ва ҳикоядан иборат “Шу ерлик киши” номида китобим чиқди. Бирон-бир асарингизнинг маъқул топилиб матбуотда чиқиши ўзи бир олам қувонч, энди у китоб бўлиб чиқса, у ёғини ҳар ким ўзи

тасаввур қилаверсин! Айниқса, совет даврида – минг хил чиғириқларни енгиб ўтишга тўғри келадиган, ҳар маънодаги талабчанлик қаттиқ бўлган бир даврда, юпқагина китобини қўлида ушлаш бошловчи ҳар бир ёзувчига чексиз сурурлар бахш этар эди! Унинг устига, ёзганларингизни одамлар ўқиса, сиз ҳақингизда, асарларингиз ҳақида у ер-бу ерларда гапирилса!..

Кейинроқ “Оқ бино оқшомлари” ҳикоям асосида киносенарий ёздим, режиссёр Ҳотам Файзиев суратга олди, ҳалигача телевизорда кўрсатиб турилади. Бу соҳада озгина тажриба орттирганимдан сўнг Алишер Навоийнинг мен жуда-жуда севадиган “Лайли ва Мажнун” достони асосида киноқисса қилдим, афсус, советнинг охири паллалари пул қадри кундан-кун бузилиб, охири суратга олинмай қолиб кетди. Ҳазратнинг яхлит туғилган саналари боис 1991 йили 2-сон “Шарқ юлдузи” журналида чоп бўлди. Шуниси ҳам шукр...

“Ёшлик” журнали ташкил бўлган йили мен Сурхондарё вилоятининг чекка бир чўл қишлоғида, ўқитувчи етишмайдиган тўлиқсиз бир ўрта мактабда саккизта фандан дарс берадиган бир “маълим” эдим. Тошкентдалигимда бир-иккита машқларим билан таниш бўлган Эркин Аъзам таҳририятга ишга чақирди. Лекин мен ҳеч бўлмаса бир ўқув йилини тугатиб қўяй деб мактабдан кетмадим. Журналнинг иккинчи сонидида чоп этилган биринчи (“Ютуқ”) ҳикоямни ҳам ўша пайтдаги Ленин йўли районининг Араб қишлоғида кутиб олганман.

Қишлоқ одамлари содда, самимий эди. Бир-икки ой ишлаганимдан кейин кексалардан айримлари: “Қалай, бизнинг Ўзбекистон ёқдими, ўрганиб кетдингизми?” деб сўрашган. Ростини, сал довдираб: “Нима, мен Ўзбекистондан бўлмай, ойдан келибманми?” дедим. Шунда улар кулиб: “Сиз фарғоначисиз-ку”, деб жавоб қилишган. Аммо болаларининг “маълим”ини қаттиқ хурмат қилишарди, мен ҳам уларни яхши кўриб қолдим. Ҳалигача борди-келдимиз бор, Оллоҳга шукр...

Бу айтилганлар кўпроқ шахсимга тегишли икир-чикирлар, бошқаларга унча қизиғи бўлмаса, узр сўрайман. Аслида адабиёт ҳақида гаплашмоқчи эдик.

Мени таниган, мени ёзувчи сифатида унутмаган, мендан нималардир янги асарлар кутиб юрган танишларимга, дўстларимга таҳририят берган бу фурсат ва имкониятдан фойдаланиб баъзи нарсаларни билдиргим келди.

Икки-учта китоб ёзиб, унча-мунча давраларда номим ҳам чиқиб, ўзимга, кучимга, қобилиятимга ҳар ҳолда маълум маънода ишонч ҳосил қилиб олганимдан кейин менда ғалати бир ҳолат юзага келди. Кетма-кет ёзиб, у ер-бу-ерда кўриниб туриш, тобора ном қозониш, юксакликларга интилиш... каби истаклар буткул йўқолди. Ёзмай қўйдим. Ёзгим келмай қолди. Эшитган қулоққа ғалати туюлар, аммо бу йиллар ичида, айниқса, эндигина ёзмай қўйган йилларим мавзулари, тўқис воқеалари, аниқ образлари билан, бошланишию тугашларигача тайёр ҳолда не-не ҳикоя, қисса ва роман режалари хаёлимга келди. Кўнглим



сезарди: агар уларни ёзсам, ҳарҳолда қизиқарли бир нарсалар бўлиши, ҳатто яхшироқ нарсалар чиқиши ҳам мумкин эди. Лекин мен қайсарлик қилиб туриб олдим, келганини елкамининг орқасига ташлайвердим, ёзмадим. Кўнглим нимадир бошқа нарса тусар эди. У нарсанинг нималигини у пайтлар ўзим тўла тасаввур этмас, қандай юзага чиқариш йўллари ҳам билмас эдим. Тўқсонинчи йилларнинг яримларида “Ватан” газетасининг “Нимага ёзмай қўйдингиз?” деган саволига “Мен ҳозир ўзимни онадан қайта туғилгандай ҳис этяпман. Ўсай, вояга етай, ўқиб-ўрганай, ана ундан кейин, насиб этса, қўлимга қайтадан қалам оларман”, деганга ўхшаш жавоб берганим эсимда. Ўзимча эса: “Оллоҳ қўлимдан вақтинчага қаламимни олди, албатта бу нарса ҳикматсиз эмас, бир куни лозим топганида қаламимни қайтарар”, деб овунардим. Лекин бекор юрмадим: Оллоҳ менга ҳар бири ўнта-ўнта романга татиғулик олти фарзанд, ҳозирча тўрт набира берди – шулар менинг энг яхши асарларим деб ҳам юпанман...

Мана, ҳозир ўша ёзмай қўйган пайтимни ҳисоблаб кўрсам, яқин ўн саккиз йилча бўлқопти. Онадан қайта туғилган тақдиримда ҳам, ҳозир ўн саккиз ёшга кирган бўламан. Ҳарҳолда ўн саккиз юракда турли-туман ҳаваслар уйғонадиган ёш. Шу боисми, яқинлардан бери ичимда бирнималар ғимирлаб қолган. Энди ҳақиқий тўлғоқни кутяпман. Унгача, қўлим ёзишдан чиқиб кетмадимикан, деган ҳадикда ва умидда битта-иккита ҳикоя ёзган эдим, биттасини “Тафаккур” (“Чилла”, 2009, 3-сон), иккинчисини “Шарқ юлдузи” (“Этақдаги кулба”, 2010, 1-сон) журналлари босиб, менга далда беришди. Ўқиганлар ҳам илиқ қабул этганлари кўнглимни кўтарди.

Нима демоқчиман?

Ҳаётга, одамларга қарашларим буткул янгиланди. Бундан келиб чиққан ҳолда адабиёт тўғрисидаги фикрларимда ҳам ўзгаришлар юз берди. Кўнглим бошқа нарсаларни тусаб, бошқача ёндашувларни истаб қолди. Кейинги асрларда адабиётимиз тобора ўзининг асл вазифасини унутаятгандай, ўзи билмаган-сезмаган ҳолда аста-секин бегона ўзанларга тушиб, энди ҳатто ўзининг кадрдон ўзанини йўқотгандай таассурот қолдиради менда. Балки камчилик менинг ўзимдадир, лекин адабиётнинг бунақа ҳолатидан қониқмай қолганим чин. Адабиётнинг бош мавзулари бўлмиш *Одам*, *Ҳаёт*, *Ўлим*нинг ҳақиқатини билмасдан, ҳис этмасдан туриб қилинган ишлар, ёзилган асарларнинг қиммати узоққа бормаслигига ишонч ҳосил қилдим. Ҳаёлимда биз майда нарсалар орасида, кераксиз ғоялар тевагаида ўралашиб юргандаймиз. Ҳақиқий адабиётнинг даражаси олий бўлади, олдига олижаноб мақсадларни кўяди, жамиятни олижаноб руҳда тарбиялайди. Унинг вазифаси саёз, тубан ҳаётни ҳам “бор бўйича” тасвирлаш эмас. Неча йиллар давомида “бор бўйича” тасвирлашга ўрганиб қолиб, қарашларимиз анча ўтмаслашиб, фикрларимиз саёзлашиб қолгандай. Масалан, бугун биз одамни, дарахтни, воқеа-ҳодисани, яъни, оламнинг ташини кўраимиз, кўраётганимиздай тасвирлай ҳам оламиз, лекин ичини кўрмаймиз ёки ичига киргимиз келмайди. Сабабларни кўраимиз, таҳлил қиламиз, аммо сабабларнинг Сабабчисини кўрмаймиз

ёки ўзимизни кўрмаганга соламиз. Ҳаётнинг кўришиб турган томони ҳамisha ҳам асли бўлавермайди, алдамчи бўлиши ҳам мумкин, алдамчи дунёга боғланиб қолиш ва шундан бошқасини кўрмаслик юзларда ўралашиб қолишга олиб келади. Ҳали эсларимиздан чиқмагандир, ота-боболаримиз – бутун оламга маънавиятдан дарс берган ўтмишдошларимиз бу дунёни “ёлғон”, “беш кунлик” деб билишар эди ва балки шунинг учун уларнинг асарлари ҳамон яшаяпти ва яна яшайверади. Чунки аслини таниган одамнинг фикрлари теран, ғоялари тоза ва узоқ умрли бўлади.

Шоҳ Машраб (у кишига Оллоҳнинг раҳматлари ёғилсин) бир шеърида: “Дунёга кўнгул берса киши, бўлғуси расво, Бу фоний жаҳон мулкига шатто уруб ўттум” деса, бошқа бир шеърида шу фикрига ҳамоҳанг равишда: “Дунё ясениб, жилва қилиб олди келди, Борғил нари, деб кетиға бир шатталаб ўттум”, деган.

Бу дунёнинг чин юзини таниганлар унинг чин баҳосини ҳам бера олади. Тўғри англаш керак, Машраб бу сатрларида дунёни дунё ўлароқ инкор этмаяпти, – зотан ўзи ҳам шу дунёда яшаб, дунёнинг неъматларидан баҳраманд бўлиб ўтган, – балки дунёнинг чин юзи билан алдамчи юзини ажратиблишига ва бу алдамчи дунёнинг инсонларни тўғри йўллардан чалғитувчи ёлғон жилваларига учмасликка, унинг кетидан қувмасликка чақиряпти бизларни. Чор-совет истилоси даврида узоқ йиллик мафкуравий ишловлар натижасида дунёга қарашларимиз ҳам ўзгариб кетди: чинини ёлғон, ёлғонини чин дейдиган бўлиб қолдик. Бугун давлат мустақиллигини қўлга киритганимиз билан ҳали маънавиятимиз, дунёқарашларимиз тўла мустақил бўлиб улгурганича йўқ. Бугун ҳатто ҳозир мен айтаётган шу кичкина, оддий фикрларни кўтара оладиган даражада ҳам мустақил бўла олганимиз йўқ. Ўзликка қайтиш кўчасининг бошида турибмиз ҳали-ҳозирча. Кўча бошида ҳам ҳолат ҳар хил: айримлар чин юракдан ўзликка қайтмоқчи; бошқа айримлар эса, ўзлик уларнинг ҳозирги ҳолатларини инкор этишини билганларидан, қайтайликми-йўқми деган иккиланишда туришибди; учинчи бир айримлар ҳам бор, улар ўзликка буткул қайтмоқчи эмаслар, улар ўзликни инкор этувчилардир, уларнинг юраклари ўзгариб қолган, аммо мафкурада уларнинг таъсири ҳали ҳам катта.

Бугуннинг катта зиддиятларидан бири шу.

Жамиятимизнинг бу ҳолати адабиёт деб аталмиш соҳага ҳам қаттиқ таъсир этяпти. Бу йўлсизликлар, бу иккиланишлар масала қўйиш ва ечишда, мавзу ва қаҳрамон танлашда, ёзиш услубларида ва ҳатто тилда очиқ билиниб турибди. Биз ҳатто нималар қилаётганимизни ҳам, қилаётганларимиз миллатимизга кераклими-кераксизми эканини ҳам ажратолмайдиган даражага тушиб қолгандекмиз назаримда. Мудом ўзликка қайтишга бел боғлаган эканмиз, бу зорманда *ўзлик* ўзи нима эканини ажратибли олмасак, яна ҳар хил йўлларга улоқиб кетишимиз ҳеч гап эмас.

Мен “ўзлик” деганда миллий ўзига хосликнигина назарда тутмаяпман. Албатта, асрлар давомида шаклланган миллий ўзига хослик ҳам дунёни чиройли ва ранг-баранг қилиб турадиган ижобий ҳодисадир, бундай ўзлик инкор этилмайди, балки

қўллаб-қувватланади. Аммо энг биринчи галда ўзлик Одам зоти ўзининг кимлигини билиши, ўзини танишидир. Яъни: **мен кимман – ўздан-ўзи пайдо бўлиб қолган, қийматсиз, тасодифий бир нарсаманми ёки яратилишимдан кўзланган олий мақсадлар туфайли юксак даражада қиймат берилган бир олий яралмишманми?! Ҳаёт нима – бугун бор, эртага йўқ бўладиган қийматсиз, мазмунсиз бир вақт тушунчасими ёки эртага ҳам давом этадиган абадий ҳаётнинг бошланғич палласими?! Ўлим нима – тасодифий келишнинг муқаррар якуни бўлмиш абадий йўқликми ёки вақтинчалик ҳаётдан абадий борликка, абадий ҳаётга ўтиш ҳолатими?!**

Буларни ҳар ким, энг биринчи галда зиёлилар, ёзувчи-шоирлар, илм аҳли ўзлари учун аниқ ажратиб олишлари лозим. Акс ҳолда, чин билан ёлғон орасида аросатда қолиб кетилиши тайин. Аросатдаги дунёқараш билан қанақа адабиёт яралади? Ва бундай “адабиёт” қанақа юракларни тарбиялайди, кишилиқ жамиятига нима беради, уни қанақа йўлларга бошлайди?

Кўп “асар”лардан қониқмай қўйганимнинг сабабларидан каттаси шу. Лекин қониқмаслик бошқа, одамларни тўғри йўлда қониқтирадиган асарлар ёзиш бошқа. Бу йўлда Оллоҳдан ёрдам сўрайман, доим тўғрилиқни кўрсатиб турувчи ақл-фаросат, чиройли нарсаларни чиройли ифодаловчи бадиий қобилият ва зеҳният, кучли қалам ва улкан тўзим берсин ҳаммамизга.

Ҳозирда бор адабиёт айрим қирралари ила кўнгилларни тўла қониқтирмаётган бўлса, ўрни нима билан тўлади? Эҳтиёжлар ичида энг кучлиси маънавий эҳтиёждир. У вақтида ва тўғри қондирилмаса, тузалмас хатога йўл қўйилади – яхшилиқка номзод киши ёмонликка бой берилади. Оллоҳга шукр, адабиётимиз бугундангина иборат эмас. Жуда катта маънавий мерос эгаларимиз биз. То ўзимиз тўғри йўлларга тушиб олганимизча тўғри йўлда юрган ва тўғрилиги асрлар ичра исботланган адабиётимиз бизга ёрдамга келади. Адашмаслик учун ўшаларни маҳкам ушлаб, асосий маънавий тиргагимиз бўлмиш Қуръон ва суннат асосида шаклланган адабиётимиз ва қадриятларимиз доирасида озиқланиб туришимиз керак.

Буни мумтоз адабиёт дейилади ва у бекорга “мумтоз” дейилмайди! (“Ўткан кунлар”дан бу ёғида мумтозликка даъвогар асарлар борми? Бордир балки, лекин одам ўйланиб қоларкан...)

Лекин ўзликдан узилган, жуда унчалик узилиб кетмаган бўлса ҳам, ҳарҳолда узилишга яқин қолганларга мумтоз адабиётни тушуниш, англаш қийин туюлади. Тўғрироғи, зеҳнларга “уларни тушуниш қийин” деган тушунча сингиб қолгани тушуниш йўлига асосий тўсиқдир. Яъни, етарли даражада тушунилмаётганига матнларнинг оғирлиги эмас сабаб, балки “тушуниш оғир” деган тушунча у адабиётни биздан айириб турибди. Аслида уларни тушуниш жуда осон, фақат кичкинагина битта шарт – ўзликка қайтиш, фикрда ва руҳда қайтадан уларга қовушиш лозим. Яъни, тил бир бўлгани билан руҳ бошқа бўлса, албатта тушунилмайди-да. Бошқача айтганда, мумтоз адабиётни тушуниш учун мумтоз адабиётга маҳрам бўлиш керак. Ўхшатиш жоиз бўлса, мумтоз

адабиётимиз бор чиройини номаҳрамлардан яширган гўзал аёл кабидир. Суқланиб қараган одам нари борса бу аёлнинг ёпинчиғини кўради. Ўранган аёл ҳеч қачон номаҳрамга бор чиройини, гўзаллигини кўрсатмайди, уни фақат маҳрамигина кўра олади, у бутун гўзаллигини фақат маҳрамигагина очади. Шу маънода, маҳрам бўлмай туриб мумтоз (тасаввуф) адабиётимизни тушунтирмақчи бўлаётганларга ҳайрон қоламан. Шунча чиройли сўзлар, шунча тиришишлар ҳаммаси бекор, увол кўринади менга. Уни тушунаётганга ўхшашади, ҳатто бошқаларга ҳам тушунтирмақчи бўлишади, аслида, ҳақиқатига ета олишмайди, чунки “... шунослар”нинг кўпи унга номаҳрамдирлар. Ичидаги одам бўлиб эмас, ташда туриб англамоқчи бўлишади. Худди музей таништирувчиси ойна тагидаги гўзалликни ташқарида туриб таърифлагани каби, даҳлизда туриб ичкарини таърифламоқчи бўлишади. Бунда албатта ҳақиқат очилмайди-да. Чунки таърифчи ичкарини минг завқу шавқ билан тасвирамасин, ташқаридаги одам нарсанинг ич юзини – аслини эмас, таш кўринишини – шаклинигина тасаввур эта олади, холос.

Қаёқларга ўтлаб кетдим? Йўқ, ўтламадим чоғи. Ҳамон бир гап теварагида – нега ёзмай қўйдим, нимани ва қандай ёзиш керак, деган савол теграида айланяпман, шекилли.

Ўқувчилар хато англамасинлар, сўзларимда ҳозирги адабиётнинг мутлақ инкори ҳам, фақат мумтоз адабиёт каби ёзишга чақириқ ҳам йўқ. Чунки ҳаёт қонунига кўра, орқага қайтилмайди, фақат олдга юрилади, ўсаётган дарахт каби юксакка интилинади. Бу ерда гап соғлом тупроқдан озиқланиб, тоза сувдан ичиб юксалиш ҳақида кетяпти, холос.

Ўрни келиб қолди, мавзуга тегишли бўлгани учун, кейинги йилларда адабий давраларда тез-тез кузатилаётган бир тортишув ҳақида ҳам мулоҳазаларимни билдириб ўтсам. Гап “модерн адабиёти” номида кириб келган бир тушунча ҳақида. Илк айтмоқчи бўлганим: “модерн” сўзининг ҳеч ҳам сирлилик жойи йўқ, “янги” маъносини берувчи оддий сўздир у. Агар ғарб охириги юзийликда адабиёт оламида кўринган ўзгачалиқларни “модерн адабиёти” деб номлаган бўлса, бу ўзларининг тилида ва тушунчаларида “янги адабиёт” деганидир, холос. Бунинг одатдан ташқари ҳеч қанақа сири ҳам, юки ҳам йўқ. Чунки шаклда ҳам, мазмунда ҳам у бирон-бир назарий қоида, қолип ё ажралиб турувчи усулларга асосланмайди. Яъни, ёзилиши олдингиларга ва бошқаларникига ўхшамаган ҳар қандай асар янгидир, янгичадир. Бу маънода ҳар қандай янгиликка йўл кенг очиб, буни биров қораламайди. Аксинча, тажрибада синалиб, халққа ёқиб, адабиёт уйдан ўзига муносиб бир тоқчани топиб ўрнашса, қандини урсин. Тортишув бу ном устида бўлмаслиги керак, балки у янги адабиёт бизга нимани ва қандай беряпти – шу ҳақда кечиши лозим. Янгилиги қуруқ шаклида ёки бошқачароқлиги фақат тушунарсизлигида бўлса, унинг нимаси “модерн”? Ўтган аср бошлари ўзбек адабиёти деярли ҳар куни янгилиниб турди. Масалан, “Ўткан кунлар” романи нечоғли энг янги (“модерн”) асар бўлса, у билан деярли орқама-кетин ёзилган “Сароб” романи энди ундан ҳам “модерн”лашган эди. Чўлпон шеърлари модерн эди,

Рауф Парфи шеърлари ундан ҳам модерн. Ва ҳоказо. Яъни, бу сўзга сирлилик юкламасдан, оддий кўз билан боқсангиз ҳам, адабиёт ҳар куни янгиланиб турадиган ҳодиса эканини кўрасиз. Лекин бу гап ғарб адабиётига тақлидан “модерн”лашмоқчи бўлаётганларга ё тушунарсиздир, ё, тушунарли бўлган тақдирда ҳам, ёқмайди. Чунки бунда улар ўзларига юклаётган ва бор қилиб кўрсатаётган сирлилик йўқолади.

Биз бир нарсани аниқ билиб олайлик: янгилек (модерн) ғарбда фақат адабиётга хос бўлиб дунёга келмаган, аксинча, у энг олдин фикрда (фалсафада) кўринди. Гапнинг лўндасини айтадиган бўлсак, дунёни тушунишда диннинг тушунтиришидан нечоғли узоқлашиши ва қочиши даражасига қараб ўзига турли ном ва “...изм”лар қўйиб олган фикрий-фалсафий йўналишлар қиёфасида юзага келди. Шу фикрлар асосида кейинроқ турли адабий оқимлар ҳам ўртага чиқди. Афсус, бир неча ўн йилдан бери бизда “модерн адабиёт” ҳақида гап бўлади, лекин бу тушунча остида нима ётибди, у қаерда ва қандай шарт-шароитлар натижасида пайдо бўлди – бу ҳақда ҳартомонлама асосли (фундаментал), илмий тадқиқот йўқ, уни яратишга (ўрганишга) жиддий ҳаракат ҳам сезилмаяпти. Натижада ким нимани хоҳласа “модерн” деб атаяпти, ўқувчиларнинг фикрини чалғитаяпти.

Ғарбда бундай “...изм” ва оқимлар кўпинча йўлсизликдан, чорасизликдан, тушкунликдан, ўлчовсизликдан, норозиликдан ва, ниҳоят, зерикашдан юзага келган – буни ўша ғарб тадқиқотчиларининг ўзлари ҳам қайд этишган. Бу чиройли ниқоб остида айрим ҳолларда асар тагига инсон фитратига терс ғоялар ҳам сингдириб юборилган бўлади, уни одам бирданига сезмай ҳам қолади, фикрлаш тарзи янгига ўхшаб туюлгани учун ихтиёрсиз равишда эргашиб кетиб қолиши ҳам мумкин. Эҳтиёт бўлинадиган нуқта худди

мана шуерда. Нимадан эҳтиёт бўлишни билиш учун эса, сап тепароқда айтганимиздек, синчи адабиётшунос-мутафаккир олимларимиз ғарбда пайдо бўлган бу ҳодисани таги-туғи билан ўрганишлари ва сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб беришлари лозим. То биз ҳодисанинг шаклинигина эмас, маъносини ҳам билайлик, сарагини олиб, пучагини ахлат пақирга итқитайлик. Шунда хатар кам бўлади.

Лекин ўзлик асло бошқалардан узилиб олиш дегани эмас. Кишилар ва миллатлар бир-бири билан доимо алоқа қилиб турганидек, ўзаро адабий алоқалар ва бир-бирининг адабий тажрибаларидан ўрганишлар ҳам бўлиб туради. Мен бу гаплар билан, иккала оёғимиз она тупроқларимизда мустаҳкам туриб ҳам янгича (модерн) адабиётни яратса бўлади, демоқчиман, холос. Шунда фақат эргашувчи ва олувчи бўлиб қолмаймиз, балки эргаштирувчи ва берувчи ҳам бўламиз.

Ҳар хил ёт ғоялар таъсиридан сақланиш ва соғлом йўлда собит қолиш учун айниқса зиёлилар, халқнинг ойдин кишилари, барча ижодкорлар ўзларида ҳимоя қобиғини яратиб олишлари керак. Бу қобиқни Одам боласига холис имон беради. Имон кўзи билан дунёга боқсангиз, дунё ўртадаги ҳамма пардасини кўтаради, бегона (номаҳрам)лардан яширган чин юзини бутун чиройи ва маънолари билан сизга очади, бегона (номаҳрам)ларга кўрсатмаган ҳақиқатини сизга кўрсатади. Ва сиз бирдан ўзингизни ҳар қандай зерикашдан, йўлсизликдан, чорасизликдан, ўлчовсизликдан ҳимояланган ҳис этасиз, қаршингизда намён бўлган маънолардан, гўзалликлардан шундай ҳайратга тушасиз, шундай завқланасиз... мана шу ҳайратдан, мана шу завқдан туғилган адабиёт ҳақиқий ва мумтоз адабиёт бўлади!

АДИБ ҲАҚИДА

Нурулло ОТАХОНОВ (Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон) — 1955 йили Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида туғилган. Ўрта мактабни 1972 йили тугаллаб, 1972-76 йиллар орасида Тошкент самолётсозлик заводида ишчи, “ТатЭнергоСтрой”га (Русия) қарашли химкомбинат қурилишида электрпайвандчи бўлиб ишлаган. 1976 йили ТошДУнинг (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети) ўзбек филологияси факультетига ўқишга кириб, 1981 йили аъло баҳолар билан битирган. Меҳнат фаолиятини 1981 йили Сурхондарё вилоятининг ҳозирги Қизириқ туманининг янги ўзлашган чекка бир қишлоғидаги тўлиқсиз ўрта мактабда бир нечта фандан дарс бериш билан бошлаган. Кейинчалик “Ёшлик” журналида муҳаррир, бўлим мудири (1982—1989), “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ходим (1989), “Муштум” журналида масъул котиб (1989—1991) “Мовароуннахр” нашриётида бош муҳаррир (1991—1993), “Шарқ юлдузи” журналида бўлим мудири (1993—1999) вазифаларида ишлаган. 1999 йилнинг июлидан “Ҳидоят” журнали Бош муҳаррири, 2010 йил августидан бошлаб эса «Мовароуннахр» нашриёти Бош директори.

“Йўл бошида”, “Дунё кенг...”, “Шу ерлик киши” сингари қисса ва ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. “Оқ бино оқшомлари” киносценарийи муаллифи. Дунё адабиётидан бир қатор асарларни ўзбек тилига ўзгирган.





Зулфия ҚУРОЛБОЙ қизи

ВАҚТ ПАРЧАЛАРИ

Ҳикоялар





ИККИ МАНЗИЛ

– Ҳаммасини сен учун қилдим! Сени деб! Сен бўлсанг...

Юзи докадек оқарган, титраётган эркак бир соат бурун худди шундай деди қўрққанидан деворга суянганча оғир курсини ўзига қалқон қилиб кўтариб турган, зўриққанидан кўра кутилмаган вазиятдан қаттиқ ларзага тушган қизга...

Бу бир соат, атиги олтмиш дақиқа олдин айтилган гап. Бир соат, атиги олтмиш дақиқа олдин эркак титраган, қалтираган ҳолда қизнинг қаршисида турарди. Тиришган юзига жон бағишлаб тургучи кўзлари айни дамда жуда қайғули эди...

Худди ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётгандек қаршисидаги қизга бутун вужуди нигоҳга айланиб, қаттиқ тикилиб қолганди.

Дарвоқе, шундан кейин ҳақиқатан ҳам унинг ҳаёт-мамоти ҳал бўлмади...

– Демак... демак... сиз шунинг учун... – ниҳоят тилга кирди қиз жуда ҳам заиф товушда.

– Ҳа! Энди яшириб ўтирмайман, – деди эркак қизга яқин келиб. – Бунга ҳожат ҳам қолмади. Ҳамма-ҳаммасини Сиз учун, ёлғиз Сиз учун қилдим. Биласиз, имкониятим кенглигини...

– Демак... – қиз бирдан маъюс тортиб қолди. Ҳатто бир оз бўшашганидан кўлларида маҳкам тутиб турган оғир курси тушиб кетаёзди.

– Э, намуноча “демак, демак”лайсиз! – бақирди юборди эркак. Қиз чўчиб тушди. – Ҳа, ҳа, деяпман-ку, – дея андак қаҳр билан давом этди эркак. – Онангизга идора номидан совға қилинган уй ҳам, дала ҳовли-ю, акангизнинг университетга ўқишга кириши, ҳамма-ҳаммасини фақат, азбаройи сизни... сени севганимдан... – эркак жимиб қолди. Қарашлари мулоим тортиди. – Сиз бўлсангиз... Сиз бўлсангиз умуман бефарқсиз, – деди у бирдан ўзгарган, юмшоқ ва майин овозда.

Қиз унга жавобан ҳеч нарса демади. Аммо... ёноқларига қизил югурди, кўзларига эса адоғи йўқ мунг чўқди. Унинг юрагини дард тимдалаб юборилгандай эди...

– Тўғри, биз унчалик ҳам... унчалик ҳам бадавлат эмасмиз... – деди қиз бир оздан кейин жуда ҳам довдираган, эсанкираган ҳолда. – Лекин ойим... бу ҳақда бошқача гапиргандилар.

– Нима деганди ойингиз? – эркак қиздан узоқлашиб, хонадаги бўш стуллардан бирига ўтирди. Афтидан у қизга аввалгидан ҳам ўн чандон ортиқ қизиқиш қолганди. – Хўш, ойингиз нима деганди ўшанда?

– Ойимнинг айтишича...

– Хўш?

– Ойимнинг айтишича, сиз катта одам экансиз. Қўлингиздан келмайдиган иш йўқ экан. Аниқроғи, қўлингизни қаерга узатсангиз етаркан. Жуда оламшумул ишлар қилсангиз ҳам қўбингиз етаркан. Катта-катта идораларда зўр танишларингиз бор экан. Улар билан ҳар қандай чигал ишни ҳал қила оларкансиз. Кейин...

– Хўш? – бир оз кулимсираган ҳолда шундай деди эркак. Афтидан, у қаҳ-қаҳ уриб юборишдан ўзини зўрға тийиб турарди.

– Кейинми?.. Кейин... Каллангизга нима келса, шуни қиларкансиз. Ҳеч ким билан маслаҳатлашмас экансиз. Тўғри, сиз маслаҳат сўраган тақдирингизда ҳам ҳеч ким сизга маслаҳат беришга ботина олмайди. Ҳатто сиздан тепки еганлар ҳам оёғингизни ўпишга тайёрмишлар! Шунинг учун... умуман, қаерга борингиз келса, бораркансиз, кечами-кундузми, сизга фарқи йўқ, қолаверса, сиз учун йўл ҳамиша очиқ. Кейин... – шу ерга келганда қиз ер остидан эркакка қараб кўйди. – Кейин истаган вақтда истаган одамнингизга пул-мул бериб юборавараркансиз. Ҳатто илгаридан танимаган, билмаган одамларингизга ҳам... Бунинг ҳеч қандай ғалати жойи йўқ эмиш. Бадавлат, обрўли одам қандай иш қилмасин, ғалати туйилмасмиш. Шунинг учун биз унчалар ажабланмадик. Қолаверса, дедилар ойим яна, биз сизга жуда девор-дармиён бўлмаса-да, ҳарқалай, қўшни бўлган эканмиз янги уйга кўчиб ўтмасимиздан олдин. Шундай экан, одам хайр-саховатни энг аввал қўшнисидан бошлагани маъқул экан. Чунки у дунёда сўроқ қилинаётганда Худо кимнинг қанақа одам бўлганлигини фақат ва фақат қўшнисидан сўраб оларкан. Фақат ва фақат қўшни рост сўзларкан...

– Шунақа денг... – деди эркак қиз гапим тугади, дегандай жим қолиб, бошини ҳам қилгандан кейин. У қизга бир муддат тикилиб турди, чеҳрасида кулимсираш пайдо бўлди, ажинлари ёзилди, кўзлари қисилди, башараси ёйилиб кетгандай бўлди ва у бирдан бутун гавдаси силкиниб... аллақандай асабий тарзда қаҳ-қаҳа отди, узоқ кулди, кулгининг зўридан икки юзи лавлагидай қизариб кетди. Қиз эса ҳеч нарсага тушунмагандай таажжуб ичида унга қараб турарди. Бу ҳол эркакнинг эътиборидан четда қолмаган, лекин у бирибир кулишда давом этар, кулганда ҳам қизнинг кўзларига қараб, ундан нигоҳини узмаган ҳолда хо-холарди.

– Мен кетишим керак! – деди қиз бирдан дадил, лекин зардаси қайнаган ҳолда, аммо шунда ҳам қўлидаги курсини ерга қўймасдан.

– Қаёққа?! – дарҳол кулгини бас қилиб, гап оҳангини ўзгартирди эркак.

– Уйга!

Эркак ўрnidан туришга чоғланди, лекин бирдан фикридан қайтиб, стулга ястаниброқ жойлашаркан:

– Кета олсангиз... майли, рухсат, – деди бамайлихотир.

Қиз курсини ерга қўя солиб, эшик олдига югурди. Аммо эшик берк эди!

– Эшикни очинг! – деди у эркакка ғазаб билан. – Очинг эшикни, биламан, уни сиз қулфлаб қўйгансиз.

Эркак миқ этмади. Бармоқларини ўйнаганча қаршисидаги дераза ойнасига тикилди.

– Ҳой, ким бор?! Эшикни очинглар! – дея қичқирди йиғламсираган қиз. – Мени қамаб қўйишди, ёрдам беринглар! Ёрдам... – қиз нозик муштчалари билан эшикни муштлай бошлади.

Уч-тўрт дақиқа ўтди.

Қизнинг чорловига ҳеч қандай жавоб бўлмади. Шундан сўнг эркак ўрnidан туриб, қизга яқин келди.

– Мана, кўрдингизми, – деди у оҳиста. – Қанчалик бақирманг, эшикни муштламанг, барибир фойдаси йўқ. Бу ҳовлида анави дарахтлардаги қушлардан бошқа ҳеч қандай жонзот йўқ.

– Демак, мени алдаб олиб келган экансиз-да?

Эркак эшитмасликка олди.

– Қани меҳмонларингиз? Ахир мени хизматга чақиргандингиз-ку. Шу ердан ойимга кўнғироқ қилиб айтиб кўярман, деб келаверибман. Энди нима бўлади?

– Ана, ана, ақлингиз энди кира бошлади, – эркак бирдан жонсараклик билан қизнинг атрофида парвона бўлиб, уни ҳашаматли, нақшинкор оромкурсилардан бирига ўтқазмоқчи бўлиб елкасига қўлини қўйди. Аммо қиз эркакнинг қўлини силтаб ташлади, жойидан жилмади, эшик тутқичидан маҳкам ушлади. – Умуман олганда... – дея давом этди эркак қизнинг ҳаракатидан кўнгли оғригандай бўлиб, – ҳозирги вазиятни ҳисобга олиб... яъни, демоқчиманки, сизнинг феъли-хўйингизни назарда тутиб... айтадиган бўлсам, ойингиз ҳақ! Лекин мен ҳар қандай шароитда ҳам мавқеимни писанда қилмайман, деб ўзимга-ўзим сўз бергандим. Ваҳоланки, бу аҳволда сўзимнинг устидан чиқолмайманми, деб кўрқаман, – эркак қўлини яна қизнинг елкасига қўйди, қиз ўзини олиб қочишга уринди, лекин эркак куч билан уни ўзига тортиб юзига юзини яқин тутиб, қулоқларига пичирлай бошлади: – Хўп денг, илтимос, сизни дунёдаги энг бахтли аёл қиламан, сўз бераман, сўз...

– Йўқ! Йўқ! – қиз ўзини четга тортди. Аммо эркак уни қўйиб юбормади.

– Мана, кўрдингизми, – деди эркак кўзлари ёниб. – Агар истасам, ҳозироқ, шу ернинг ўзида сизни ўзимники қилиб олишим мумкин. Додингизни эштадиган одам йўқ бу ерда. Албатта, мендан бошқа! Кейин дардингизни айтолмай юрасиз, гарчи бу зўравонлик бўлиб, сиз зўравонлик қурбони бўлсангиз-да, ҳеч кимга дамнингизни чиқара олмайсиз. Чунки бу ишда биринчи навбатда ўзингизни айбдор қилишади. Қизбола деган нарса ёлғиз эркакнинг дачасида нима қилиб юрибди, дейишади одамлар. Ҳа, ҳа, шундай дейишлари турган гап. Мен бунга ишонаман. Лекин мен бундай ифлослик қилмайман, қилмоқчи ҳам эмасман. Худога шукр, кўнгил розилиги билан зўравонликнинг фарқига етадиган одамман. Мана кўрдингизми, ҳамма-ҳаммасини очиқ гапирдим. Менга фақат сизнинг розилигингиз керак. Тўй қилиб уйланаман.

Эркак андак бўшашди. Бундан фойдаланган қиз унинг кучоғидан сирғалиб чиқди ва ўзини дераза томонга отди. Хаёлида: “Дераза олдига етиб олсам бас, деразани очаман-у ўзимни ташлайман,” деган ўй чарх урарди ҳалидан бери. Бироқ! Дераза берк, бунинг устига темир панжаралар билан қуршалган эди!

– Наҳотки, ҳаммаси пухта ўйлаб қилинганига фаҳмингиз етмаётган бўлса? – орқа томондан эркакнинг овози эшитилди.

Қиз шахд билан ўгирилди.

– Аблах одам экансиз!

– О, яқин-ўртада бундай мақтов эшитмагандим. Буни яхшилаб ҳазм қилиш керак.

– Эшикни очинг! Мен кетишим керак!

– Таклифимга кўнасизми?

– Овора бўлманг!

Эркак бир зум тин олиб, сўнг деди:

– Ўйлаб жавоб қилинг. Сиз гўзалсиз, йўқ, соҳиб-жамолсиз, десам тўғрироқ бўлади. Аммо битта айбингиз бор, ҳали гўрсиз, ёшсиз. Ҳамма-ҳаммаси сизнинг жавобингизга боғлиқ эканлигини ўйлаб кўрмайсиз.

– Бу билан нима демоқчисиз? – энсаси қотиб сўради қиз.

Эркакнинг титраб турган лаблари заҳарханда кулгидан ёйилиб кетди. “Ҳадемай ўзингга келиб қоласан, қизалоқ,” дегандай қаради у қизга. Сўнг:

– Ўйланг, каллани ишлатинг, кўпроқ ва кўпроқ ўйланг, мен манави ерда кутиб ўтираман, – деганча, боя ўзи ўтирган оромкурси томон юрди.

– Тушунмадим, – деди қиз эркакнинг сўзларига парво қилмай.

– Ёшлигингиз, бесабрлигингиз мана шундан ҳам маълум.

– Очиқ гапирсангиз-чи.

Қизнинг овозидаги юмшоқ оҳанг эркакка бошқача таъсир қилди. У нимагадир ҳаяжонлана бошлади. Бу худди қармоғига балиқ илинганини ҳис этган балиқчининг ҳаяжонига ўхшаб кетадиган бир туйғу эди.

– Биласизми, қалдирғочим... – дея эркалаб сўзлашга ўтди эркак, – ҳалигина, бунга жуда кўп вақт бўлгани йўқ, яъни можаро бошланмасидан сиз ойингизнинг бир нарсаларни гапирганини айтган эдингиз. Ва мен ҳам ўзимнинг нимадандир кўрқаётганимни айтгандим. Яъни, мавқеимни назарда тутиб. Хуллас, шу нарсани қанчалик четлаб ўтишга ҳаракат қилмайлик, барибир гап айланиб яна шунга тақалмоқдаки... – шу ерга келганда қизнинг юраги сиқилиб кетди, эркакнинг юзига олайиб қараб қўйди. – Қалдирғочим, – дея давом этди эркак, – менга бундай қараманг, шу қарашингиз адосиман... Хуллас, менинг ошна-оғайним кўп. Имконимдан ташқаридаги баъзи масалаларни шу оғайнилари орқали амалга ошираман. Синчковликни жудаям ошириб юбордингиз, деб таъна қилмасангиз (о, таъна қилсангиз ҳам майли, миннат қилсангиз ҳам майли, ҳаммаси бошим устига!) кичкина бир, дейлик, ангишвонанинг кўзидай бир сирни, яъни сизнинг оилангиз сирини ошкор этсам...

Қиз умри бино бўлиб бундай мижғов одамни учратмаган эди. Асабийлик билан гапирсанг-чи, дегандай, турган ерида депсинди. Эркак эса унинг шу ҳаракатидан ҳам завқланиб, еб юборгудай бўлиб тикилиб қолганди.

– Яқинда дадангиз ҳақида эшитиб қолдим... – эркак шундай дейиши билан қизнинг юзи шу қадар оқариб кетдики, бир зумда нақ қоғозга айланди-қолди. – Ҳой... Ҳой...

Эркак қизни ҳушидан кетаяпти, деб ўйлаб кўрқиб кетди, олдига югуриб бориб қўлидан тутди.

– Илон... – пичирлади қиз, – илон... Шундан ҳам хабардормисиз ҳали?..

– Атай суриштирганим йўқ, Худо урсин, ўлай агар, тасодифан эшитиб қолдим. Қолаверса, тешик қулоқ эштади-да.

– Пасткаш...

– Бу пасткашлик эмас, – деди эркак дили ранжиб. – Мен айтмоқчи эдимки, агар лозим топсангиз, агарки

сиз шундай қарорга келсангиз ва менга шундай хизмат юкласангиз, мен бундан ниҳоятда тўлқинланган ҳолда бу топшириқни амалга оширсам. Бир ҳафта ичида дадангиз озодликка чиқади!

Қиз ялт этиб қаради.

– Қандай қилиб? – дея паст овозда сўради.

– Қани, аввал мана бу курсига ўтиринг-чи, – эркак уни белидан қучиб, курси томон бошларкан, кўз учида қизнинг нозик елкаларига, қоп-қора сочлари тўлғонаётган оппоқ бўйнига суқланиб тикилди. Кўзини қувнатган нақш олмани егиси келган одамдек ҳузур билан тамшанди. – Мана бунисига, бунисига ўтиринг, қулайроқ ўтириб олинг. Ҳа, ана шундай, – дея меҳрибонлик қилди эркак, ҳатто қизнинг этақларини тўғрилаб қўйди. Қиз жижирғанди, аммо индамади. – Демак, гап бундай, мен эртагаёқ, йўқ, сиз хоҳласангиз ҳозироқ, шу дақиқанинг ўзидаёқ, керакли одамларимга кўнғироқ қиламан. Улар дарҳол дадангизнинг иши билан шуғулланишади...

– Бу... мумкинми?... – камоли ҳайрат билан сўради қиз.

– Э, бу дунёда битмайдиган муаммо йўқ, ўлимдан бошқа албатта.

– Ахир дадам одам ўлдирган, яна маст ҳолда... Дадам атай қилмаган, албатта, бу ишни. Бу тасодифан юз берган. Авваллари озгина кайфи бўлсаям рулга ўтирмасди ҳеч қачон...

– Буни фалокат дейдилар, қизалоқ. Фалокат. Фалокат оёқ остидан чиқади, деб шунга айтадилар-да.

– Лекин бирибир дадамни қамаб қўйишди, тагин энг оғир айблов билан... – қиз умидсиз ҳолда бошини чангаллади, афтидан у бошларига тушган кўргулик ҳақида жуда кўп уйлаган, ўйлаб ўйининг охирига етолмаган, мана ҳозир, айни дақиқада дарди янгиланиб, ниҳоятда хафа бўлиб кетганидан ўзининг қаерда эканлигини ҳам унутганди.

– Сиз қайғурманг, сираям қайғурманг, бунга ҳожаат йўқ, – деди эркак бирдан яна тўлқинланган ҳолда, у ҳозир ўзини афсоналардаги халоскор паҳлавондай, қизни эса... нозик-ниҳол, довурак, аммо ёрдамга муҳтож соҳибжамолдай ҳис этаётганди; айни шу дақиқага довурак қиз олдида кўнглини бир оз хижил қилиб турган нарса – азадорлиги, хотини оғир ва узоқ давом этган хасталиқдан қийналиб ётиб, ниҳоят бу йилги кўкларнинг бошларида қаттиқ уйкуга кетиб, уйғонмасдан оламдан ўтган бўлса-да, бутунлай ёлғиз эмаслиги: на энагага, на пулу, на ота меҳрига муҳтож тўрт ўғли, келин-набиралари борлиги ва ниҳоят... энг аянчлиси – ўзининг ёши ўтиб қолганлиги ҳақидаги хижолатли ўйлар хаёлидан кўтарилган, бир неча фурсат бўлса-да, ўзини ўтда ёнмас, сувда чўкмас баҳодирдай ҳис қиларди... Йўқ, бу ерда фақат муҳаббат эмас... йўқ... фақат муҳаббатнинг ўзи эркак учун камлик қилади, у ўзини кимгадир кераклигини, ёнида бўлганида ўша одам ўзини бахтиёр ҳис қилишини истарди чоғи, ахир эркак ҳар қандай ёшда ҳам азбаройи бошқа одамни деб яшашга ўзида куч топишга қодир! Аммо.. бунини манави қизга қандай тушунтирсин? Иккаласи юзма-юз, аммо икки манзилда туришган бўлса! – Ҳали айтдим-ку, бу дунёда битмайдиган иш йўқ, – деди эркак бир оз бояги шаштидан тушиб сўзини давом эттираркан. – Ҳатто дор остидан ҳам қутқариб қолишнинг иложи бор.

“Ўн учдан уч олиб ташлансин”, дейилса кифоя. Фақат, боя айтганимдай, сиз... рози бўлсангиз бас...

– Қонун бузилади-ку... – пичирлади қиз.

– Қонун бузиш учун яратилади-да!

Эркак қизнинг елкасига қўлини қўйиб, секин силай бошлади. Силай туриб қалтисроқ ҳаракат қилиб юборди, шекилли, қиз сесканиб тушди, ҳатто беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Яна эшик олдида бориб, тутқичдан ушлаганча кучи борича силталаб очишга уринаркан, эркакка ёввойи бир назар ташлаб қўйди.

– Илтимо, менга бундай қараманг... – деди эркак паст овозда, у бирдан бояги шахдидан янада паст тушган, жуда-жуда маъносиз тортиб қолганди.

– Очинг эшикни, мен кетишим керак! – қичқирди қиз ҳамон тутқични силталашдан тўхтамасдан.

– Эшик очилмайди, ҳеч қачон очилмайди, – деди эркак бир зум ўй суриб тургач вазминлик билан курсилардан бирига ўзини ташларкан.

– Қўрқмайсизми?... – сўради қиз кутилмаганда тутқични силталашни бас қилиб, эшикка суянаркан.

– Нимадан? – бамайлихотирлик билан сўради эркак биринчи марта кўраётгандек бармоқларига синчковлик билан тикиларкан.

– Ахир мени уйдагилар қидириб қолишлари мумкин... Эҳ, нималар деяпман ўзи, мумкин эмиш... Соат бешгача уйга бормасам қидириб қолишлари, ҳатто милисага хабар беришлари турган гап. Бу аниқ. Унда ҳолингиз нима кечади?

– Мен билан эканлигингизни билса, ойингизнинг бахтиёрликдан боши осмонга етади. Мен буни аллақачон пайқаганман.

– Йўқ! Йўқ! – қиз чидолмасдан бақариб юборди. – Ойимни ҳақорат қилишингизга йўл қўймайман!

– Ўз онангиз эмас-ку, намунча?..

– У ёғи билан ишингиз бўлмасин!

– Биласизми нима, – деди эркак боягидай хотиржамлик билан, аммо кўзлари бошқача, жудаям бошқача боқаркан. Қизнинг назарида у шу туришида дақиқа сайин рангини ўзгартириб турадиган махлуққа ўхшаб кетди. – Аслида бу ҳақда гапирмасам бўларди. Бу ҳаддан ташқари одоб доирасидан чиқиб кетиш эканлигини билиб турибман. Лекин азбаройи сизни севганимдан, сизга яхшилигу эзгуликдан бошқа нарсани тилай олмаслигимдан, шу нарсага қўл уряпман... – эркак жим бўлиб қолди. Қиз жони ҳиқилдоғига тиқилгудай бўлиб унга қараб турарди. Ниҳоят: – Мана шундай иштибоҳлардан сўнг, – дея сўзини давом эттирди эркак, – сизга шуни маълум қиламанки, мен боя сизга тақлиф қилган нарсани бундан бир мунча фурсат бурун онангиз менга шаъма қилгандай бўлувди.

– О, йўқ, йўқ! – дея шивирлади жуда ҳам даҳшатга тушган қиз ранги бўздай оқариб. – Бўлиши мумкин эмас! Мумкин эмас!..

– Нега энди? Бу дунёда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Ярамас одамзод хаёлига келган ҳар қандай аблаҳ фикрни амалга оширишни истаб қолади гоҳида, – эркак шундай деди-да, чўнтагидан жимитдай қайчисини олиб, тирноқларини қиртишлай бошлади. У анчайин сокин кўрингани билан, аслида ниманидир, ўзида йўғ-у, қизда мавжуд бир нарсани синдиришга қасд қилган ва бунга қисман эришдим, деб ўйлаганидан кўкси ёқимли ҳисларга тўлиб бораётган, лекин бунини

қизга сездирмаслик учун кутилмаганда, ўрни бўлмасанда, тирноғини қиртишлашга тушиб кетганди.

– Сиз аблаҳсиз! – деб юборди қиз кутилмаганда.

– Аблаҳлик одамзоднинг қонида бор. Лекин ақлли одамлар буни сездирмайдилар, – жавоб қилди эркак сира ҳам жаҳли чиқмасдан.

– Ойимни... Онамни... шундай... ҳалиги бояги гапни шаъма қилганини қандай исботлайсиз?

Эркак кулимсиради, аммо дарров жавоб беришга шошилмади, аввал қайчини чўнтагига солди, ўрнидан турди, бир-бир босиб қизга яқин келди, шундан сўнггина гапирди:

– Ойингиз мендан тез-тез пул қарз олиб туради, шуни биласизми?

Қизнинг кўзлари чақчайиб кетди, лаблари дир-дир титради, аммо лом-мим дея олмади.

– Мен бир нарсага ҳайронман, – гапида давом этди эркак. – Йўқ, аниқроғи, тушуна олмаяпман сираям. Сиз менимча кўп ҳам ўйлаб кўрмасдан оёқ тираяпсиз. Шунақами? Акс ҳолда... Бу ҳақиқатга тик қарай билмаганингиздан бўлса керак. Ҳар ҳолда... уфф... яна шу сўз! Жин урсин шу сўзни! Ҳар ҳолда, ўзимни оқламоқчи эмасман-у, лекин бир оғиз айтиб ўтишим лозим, деб ўйлайман, ҳар ҳолда мен сизга нисбатан жудаям ноинсофлик қилганим йўқ. Мана, ихтиёрингизга қараб, қаршингизда бош эгиб турибман. Сиз андак ўйлаш, фикр юритиш ўрнига...

– Нимани ўйлашим керак?

– Ахир дадангиз қамоқда, ким билади, ҳозир не кўйларга тушган экан? Биласизми, у ерда одам ўлдирганларни не кўйга солишларини... Уйда онангиз, ўғай бўлса-да ва сизга нисбатан кўнгли у қадар тоза бўлмаса-да, сиз у кишини яхши кўрар экансиз, ҳурмат қиларкансиз, ҳатто ҳавасим келаяпти сизга: одамлардан нафратланмасдан яшаш қандай яхши, аммо барибир, нима бўлганда ҳам ҳақиқатга тик қарашимиз керак, чунки *у ҳ а қ и қ а т!* Ҳақиқат шундай нарсаки... ҳа, майли, бу ҳақда бошқа вақт... Хуллас, отангиз қамоқда, онангизнинг кўлида ҳеч қандай ҳужжати йўқ бирон жойга ишга кириш учун. Яқинда фолбинлик қилмоқчи бўлибди-ю, лекин эплолмабди, шундайми? Қўлдаги, юздаги чизиқлар ҳақида маълумот берувчи китобларни тополмабди-да бечора. Аксига олиб менам бундай китоб йўқ эди, лекин кейинчалик топиб беришим мумкин, бу дунёда топилмайдиган нарсанинг ўзи йўқ, мабодо фолбинликни хобби қилиш ниятлари бўлса, чунки қариндош бўлиб қолсак, тирикчилик ташвишларидан қутилиб, бир умр иззат-икромда яшайдилар у киши, гарчи... Янглишмасам, ҳозирги фолбинларнинг кўпчилиги шунақа китобларни ёдлаб, сув қилиб ичиб юбориб, кейин кароматгўйлик қилапти, шекилли. Тўрт-беш сўм топиш илинжида-да, албатта, буни тушунаман. Шундай қилиб, онангизнинг бу борада ҳам омади келмади. Акангиз эса яқинда ўқишдан ҳайдалади шу кетиши бўлса. Ичкиликка берилиб кетганмишми, институтга кирар-кирмас? Меҳнатсиз эришилган нарсанинг қадри бўлмайди-да ўзи! – эркак шошилмасдан, оҳиста, ҳар бир сўзини чертиб-чертиб, мўлжалга аниқ тегадиган қилиб сўзлагани сайин қиз тобора кичрайиб бораётгандек, ўзини ожиз ва нотавон ҳис этар, юзига ночор бир ифода қалқиб чиқаётганди. – Ҳадемай, мана кўрасиз, мени айтди дерсиз, акан-

гиз ичиб олиб, битта-яримтани пичоқлаб қўйишдан ҳам тап тортмайди. Уйда эса сиздан кейин яна олтига укангиз борми? Ҳа, олтига! Ё бештами? Йў-ўқ, олтига, ҳа, аниқ олтига. Уларнинг аҳволи не кечади? Келажак нима бўлади? Етимхонага обориб ташлайсизми? Шусиз ҳам ҳозир етимхоналар тўлиб кетди. Ҳа, айтгандай, яна бир тахмин кўнглимни алағда қилиб турибди...

– Бас қилинг. Бўлди, гапирманг!.. – қиз юзини кафтлари билан тўсганча ўтириб қолди.

– Йўқ, энди гапимни охирига етказишга ижозат этадилар, – деди эркак қизнинг абгор ҳолига бир қур назар ташлаб, бирдан овозини ўзгартираркан. – Бу тахмин мана ҳозир, шу дақиқанинг ўзида ҳаёлимга келиб қолди. Худо кўрсатмасин, ҳали-вери бундай бўлмайди-ку, лекин барибир, одам айтиб бўлмайди, мабодо менга бир гап бўлса, ўлимимдан кейин фарзандларим сизларга совға қилинган уйга даъво қилиб қолишса-чи?! Онангиз маҳалладаги эски уйлариңизни аллақачон сотиб юборган, шундайми? Одам бунчалик шошқалоқ бўлмаслиги керак-да. Яъни, ҳа, майли...

Қизнинг юзтубан йиқилишига бир баҳя қолди. Эркак уни тутиб қолди ва даст кўтариб дераза олдидаги курсига ўтқазди-да, шоша-пиша деразанинг бир табақасини очиб юборди. Хонага тоза ва салқин ҳаво ёпирилди.

Қиз кўзларини очди.

– Одамни жуда кўрқитиб юбордингиз-ку, – деди эркак енгил тортиб. – Шунчалик ҳам нозикмисиз? Бир оғиз гапни кўтара олмасдан хушдан кетиб ўтирибсиз-а?

Қиз индамади, эркакка бефарқлик билан қараб қўйди.

– Қўлингиз музлаб қопти... – эркак қизнинг бармоқларини аввал кафтлари орасига олиб иситди, сўнг ботиниб-ботинмай, ҳайиққандай бўлиб, журъатсизлик билан лабига босди.

Қиз уйқудан уйғонгандек чўчиб тушди. Ирғиб ўрнидан турди. Туришга турди-ю, аммо қаёққа юришини, нима қилишини билмасдан бир дам ҳайкалдек қотиб қолди.

– Азизам, ўзингизни бунчалик қийнаманг, – деди эркак жуда ҳам юраги куйиб кетаётгандек илтижоли оҳангда. – Юзингизга қараб, юрагим эзилиб кетаяпти. Мабодо сизни севмаганимда, чин юракдан севмай, сизсиз яшай олганимда, аллақачон сизни бу ердан чиқариб юборган бўлардим. Асло, бир дақиқа ҳам тутиб турмасдим. Лекин ҳозир иложим йўқ. Тушунинг ва менга бир нарса денг. Ҳатто, майли, ёлғондан бўлсаям, умидвор қилинг мени, кейин ҳеч қачон ваъдангизда турмасангиз ва ҳатто ваъда берганингизни тан олмасангиз ҳам майли. Хўпми? Хўп денг, илтимос...

Қиз бош чайқади.

– Ахир бахтингиз кулгани шу эмасми?

– Бахт!.. Йўқ, бу хўрлик...

– Э, Худойим, Худойим! – хона ичида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади эркак. – Бу не кўргулик, а? Келиб-келиб сиздай бағри тошга ишқим тушгани-чи! Агар сизнинг ўрнингизда бошқа қиз бўлганида, ҳатто у ўн тўрт яшар гўзал бўлсаям, ҳеч иккиланмасдан таклифимга рози бўларди!

– Ўша қизнинг олдида борақолинг...

– Э, Худойим, қанақа қизсиз-а? Миянғиз фақат ўзингизга маъкул фикрлар билан тўлиб кетган! Умрим бино бўлиб, сизга ўхшаган қизга биринчи марта дуч келишим.

– Сиз ўйлайсизки...

– Мен ўйламайман, истаган нарсамга эришаман. Шу чоққача шундай бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади!

– Катта кетманг...

– Мана ҳозир ҳам, ўзингиз айтинг, ҳақ гапни айтинг, ошиғим олчи турмаяптими? Ахир сиз ихтиёримдасиз, истаган ишимни қилишим мумкин, айниқса, боя ҳушдан кетиб қолганингизда! Оҳ-воҳингизни ким ҳам эшитарди? Беҳуш ҳолингизда оҳ-воҳ қила олмасдингиз ҳам. Лекин мен бу имкониятдан фойдаланмадим. Фойдалансам бўларди. Ҳозир мен эмас, сиз атрофимда пойи-патак бўлардингиз. Ҳа, ҳа, худди шундай, пойи-патак! Бироқ менга бундай бахтнинг кераги йўқ. Мен... биласизми... мен нимани истайман?... Ҳалиги... бир гап бор-у... “Бағринга япроқ каби тўкилдим...” деб айтишади-ку... ё куйлашадими, ишқилиб шу-да... – эркакнинг юзига қизил югуриб, уялиб кетгандай бирдан жим бўлиб қолди.

Қизнинг юзига ожиз, жуда ҳам кучсиз заҳарханда кулги югурди.

– Қўтир кўнгил... нималарни тусамайди...

Эркакнинг тепа сочи тикрайиб кетди. Қизга шундай ўқрайиб қарадики, ҳалига довури у ҳеч қачон қизга бундай нигоҳ ташламаган эди. Бундай нарсани ўйламаган ҳам эди. Лекин зум ўтиб унинг нигоҳлари яна юввош тортди.

Ниҳоят, хонада у ёқдан-бу ёққа юришни бас қилиб, қизнинг қаршида тўхтади. Бир неча дақиқа унинг қонсиз, мурданикидек оппоқ юзига тикилиб қолди. Бошқа одам бўлганида қизнинг аҳволини кўра туриб, бу можарога чек қўйган, жилла қурса, бошқа куни давом эттирган бўларди, аммо эркак бундай қилишни ҳаёлига ҳам келтирмади.

– Паришонхотирлигим қурсин... бир нарсани сўрашни... яъни аниқлаштириб олишни унутибману... – эркак бир зум тин олди-да, кейин иккиланиброқ гапни давом эттирди: – Балки... кўнглингиз бошқа бировдадир? Яъни бирорта ёшроқ йигит бошингизни айлантириб...

– Ишингиз бўлмасин! – шу заҳотиёқ жавоб қайтарди қиз.

Эркак ғалати бўлиб кетди. Зум ўтмай юзи бўғриқиб, кўзларининг оқи қизара бошлади.

– Биласизми, ҳозирги йигитлар қанақа, – дея гапирди у аллақандай аламзада оҳангда. – Ҳозирги йигитлар... умуман, ҳозирги ёшлар муҳаббат нималигини билишмайди! Улар хат ёзишмайди! Орзиқиб жавоб хати кутишмайди! Почтачининг йўлига интизор бўлиб кўз тутишмайди! Шундоқ... интернетда танишиб, интернетда гаплашиб, яна интернет орқали ажралишиб кетаверишади!

Қизнинг юзига кинояли табассум югурди. Кейин:

– Катталар ҳамини ёшлардан нолишган, – деди у кулимсираган ҳолда.

– Асос бордирки... нолишади, – деди эркак ёқтирмайроқ, бир лаҳза жимиб қолди, лекин кейин бирдан қони қайнаб кетгандай зарда билан гапни давом

эттирди: – Биласизми, ҳозирги ёшлар, айниқса йигитлар жуда бачкана! Хомжаёл! Тарраллабеод қилиб юришдан бошқасига ярамайди!

– Жа унчаликмасдир... Билимдон...

– Билимдон ёшлар, – қизнинг гапни шарт кесди эркак, – кучини ва билимини қаерга сарфлашни билмай, ҳар хил назариялардан бошлари ғовлаб, кўчада саргардон юришибди! Баъзилари чет элга кетиб, бойиб қайтиш каби ҳавойи орзулар билан кўкрагига уриб юришибди. Улар учун муқаддас бўлган ақидалар қолмаган! Сизга ўхшаган қизалоқларни эса... меҳрибон оналари...

– Бас қилинг! – хун бўлиб қичқирди қиз. – Агар ҳозирок мени бу ердан чиқариб юбормасангиз, нима бўлишидан қатъий назар, сизни судга бераман!

Эркакнинг бир туки ҳам қилт этмади. Қизнинг сўзларини эшитмагандек ён-верига аланглаб, икки қадам нарида турган курсига ўзини ташлади. Ҳолдан тойгандай чуқур сўлиш олди. Курси суянчиғига тирсақларини, кафтига иягини тираб, ўйга толди. Бир неча дақиқа шу зайлда ўтди. Шу бир неча сония ичида унинг кўз олдидан бутун ҳаёти кинолентадай лип-лип ўтди. Бу ленталарда унинг зафарларга тўла шавкатли ҳаёти акс этганди. Ўзининг ҳозирги аҳволи эса ниҳоятда забун ва машъум муваффақиятсизликнинг муқаддимасидек туйилди. Бундай забунликни кўтариш тугул, ҳис этишнинг ўзиёқ эркак учун даҳшатли бир ҳол эди. Бунга у кўнликмаган эди.

– Эшикни очасизми, йўқми?

Эркак қизга тирилган мурдага қарагандай ҳайрат ва таажжуб билан назар ташлади: Бу қачон юз берди?! Аммо яна миқ этмади. Қиз ростдан ҳам “тирилган” эди. У ўзини тутиб олган, эркакка фавқулудда қатъият билан тикилиб турарди.

Қиз қараб турди-турди-да, бирдан, кутилмаганда жуда ҳам маъюс ва шикаста овозда деди:

– Ҳамма бало шундаки, сизни севмайман. Шундай экан, бу можарони давом эттиришдан фойда йўқ. Шундайми?

Эркак қизнинг сўзларини тузук-қуруқ англамай туриб, аста бош ирғади.

Кейин секин, жуда ҳам паст овозда, шивирлағудай бўлиб деди:

– Наҳотки...севмасдан... яшашнинг иложи бўлмасам?..

– Илтимос, эшикни очинг.

– Эшик очилмайди, – деди эркак қизга эсдан оққандай ғалати нигоҳ ташларкан. – Аввал мени ўлдириб, кейин бу ердан чиқиб кетасиз!

Қиз ҳайратдан донг қотди. Аммо ўзини ўнглаб кинояли кулимсиради.

– Сизни-я? Қандай қилиб? Яъни, нима билан... Ахир қўлимда на қурол бор, на заҳар... Жилла қурса, ошпичоқ бўлгандаям... бир амалласам бўларди, – сўнги жумла охирига етар-етмас қиз баралла, хандон отиб кулиб юборди.

Эркак жуда ғалати қилиб, худди ҳаваси келгандай бўлиб қизга қаради, у кулишдан тўхтагунча кутиб турди, сўнг оҳиста:

– У ер-бу ерни қараб кўринг, жилла қурса, ошпичоқ топилиб қолар, – деди нима учундир охириги жумлага урғу бериб.

– Ҳазиллашяпсизми? Устимдан кулмоқчимисиз?
– Нега энди? Қараб кўринг-чи, мабодо, ошпичоқ топилмаса, кейин кетаверасиз.

– Сўз берасиз-а?

– Ҳа.

“Бу бир ўйин, – деб ўйлади қиз. – Атай қияпти!”

Қиз дарҳол ишга киришди. У аввал хонани кўздан кечирди. Хона кенг ва катта эди. Замонавий услубда таъмирланган, жиҳозлари ҳам алламбало. Шифтда осилиб турган қандилнинг ўзиёқ ҳар қандай аёлнинг ақлу ҳушини ўғирлайди. Аммо қиз бунга, бундай нарсаларга эътибор бермасликка уринди. “Нима бўпти... Оддий қандил... оддий диван... анави стол каттагина экан-у, лекин у ҳам оддий нарса-да!..”

Қиз у ер-бу ерларни кўрган, кўздан кечирган бўлди-да, эркакка қараб:

– Қидирдим, лекин ҳатто ошпичоқ ҳам тополмадим, – деди кулиб.

– Стол ғаладонини кўрмадингиз, – дея эслатди эркак.

– Ие, ҳа, тўғри, ғаладон эсимга келмабди.

Қиз шундай деди-да, жуда ҳам бепарволик билан стол ғаладонини тортди, тортди-ю шу заҳоти ҳайкал бўлиб қолди: ғаладонда яп-янги ошпичоқ ётарди!

– Нега ўйланиб қолдингиз? – эркак хотиржам кўринса-да, нима учундир ёноқ суякларни сезиларсезилмас пир-пир учарди.

Қиз ҳадеганда ўзига келавермади. У ошпичоққа тикилиб қолган, эркак томонга қарай демасди.

– Қўрқяпсизми? – бутун вужуди нигоҳга айланиб сўради эркак.

Қиз илқис назар ташлади эркакка. Кулмоқчи бўлди, лекин эпполмади, лаблари жийрилди, холос.

– Қўрқяпсизми? – нима учундир яна шу сўзни такрорлади эркак. Кейин қизга янада қаттиқ тикилди, гўё ўзи тан олишни истамаган аллақандай номаълум нарсаларни аниқлаштириб олишга аҳд қилгандай.

– Йўқ, нимага энди... – дея ғудранди қиз. – Ўзингиз талаб қилганингиздан кейин... Ие, агар мен ростдан ҳам... шундай қилсам, кейин сизнинг ўлимингизда мени айбдор қилишади-ку! Эҳ-ҳа, гап бу ёқда денг! – аллақандай фитнани фаҳмлаб қолгандай қизнинг овози кутилмаганда заҳарханда, аччиқ киноя оҳанги билан янгради.

Эркак индамади. Қиздан кўз узмай ўтирди.

– Шунча хўрлик, мазах етмаганмиди... – бирдан йиғламсираб гапирди қиз. – Энди бу томондан... О, сиз қанчалар ярамас, аблаҳ, пасткаш одамсиз! Разилсиз!

Эркак ўрнидан турди. Столга яқин келиб, қизни секин, жуда ҳам эҳтиёткорлик билан нари суриб, ўша

ғаладондан қоғоз-қалам олди. Сўнг ўтириб, қоғозга шошилганча алланималарни ёза бошлади.

– Мана бу тилхат, – деди у ёзиб бўлиб қоғозни қизга узатаркан. – Менинг ўлимимда ҳеч кимнинг айби йўқ, деган маънода...

Қиз довдираган, эсанкираган ҳолда бир қоғоздаги майда ёзувларга, бир эркакка қарар, ич-ичидан қалтирар, иситмаси кўтарилиб, йиқилиб тушадигандек бир аҳволга тушганди.

Эркак бояги ўтирган курсиси томон юраётиб, яна... жуда ҳам нафис нарсага озор бериб қўйишдан чўчигандек эҳтиётлик билан қизнинг ёнидан ўтди.

– Энди нимадан чўчияпсиз?

Қиз аста-секин ўзига кела бошлади. Ахийри ўзини тутиб олди. “Шу йўл билан мени мот қилмоқчи, – деган ўй келди хаёлига. – Овора бўласиз!”

– Агар, – деди у кутилмаган дадиллик билан эркакка тик қараркан. – Агар мен ҳозир айтганингизни бажарсам, сиз ярадор бўласиз ё... Унда мен қандай қилиб хонадан чиқиб кетаман? Сиз аввал, марҳамат қилиб, эшикни очиб қўйинг!

– Калит ҳам ўша ғаладонда турибди-ю, кўрмадингизми? – хиёл кулимсираб деди эркак.

– У бошқа қулфнинг калити бўлиши мумкин. Яхшиси ўз кўлингиз билан очинг эшикни...

– Унда сиз ҳам пичоқни кўлингизга олинг.

Қизнинг нафаси ичига тушиб кетди. Аммо у барибар пичоқни кўлига олди.

– Пичоқ ишлатишни биласизми ўзи?

– Ҳа...

Эркак эшикни очди. Ва остонада туриб қолди.

Қиз бундай бўлишини кутмаганди. У сал бошқачароқ ўйлаганди.

– Қани, бошланг.

Қизнинг кўллари қалтиради. Шу қалтироқ кўллари билан пичоқни қўшқўллаб тутди-да, юқори кўтарди. Аммо мўлжалга олишга улгурмади.

Бирдан кўзлари даҳшатли равишда олайиб кетган эркак гуп этиб қулади...


Қўрқиб кетган қиз пичоқни отиб юборди. Ва шошилганча эшик томон юрди. Полда чўзилиб ётган эркакка бир неча сония даҳшат ичида тикилиб турди-да, сўнг ҳеч иккиланмасдан унинг гавдаси устидан сақраб ўтиб, даҳлизга отилди.

Бесаранжом қадам товушлари анча узоқлашиб кетгандан кейин эркак аста ўрнидан турди. Йўқ, у ўлимдан қаттиқ қўрқиб кетганидан ҳушидан кетмади. Йўқ ва яна бир карра йўқ!

У... пичоқ тутган қизнинг нигоҳларидаги адоқсиз нафрат ва шу ишга қодир шафқатсизликни кўриб, йиқилиб тушганини сезмай қолганди.

2011 йил.

КУЙҒАН ШАҒАР



Кампир етмишларга борган, чўпдай озгин, ияги эр-таклардаги ялмоғиз кампирнинг иягидай олдга туртиб чиққан, лаблари ҳаётнинг шўриш азобларини татиб кўраверганидан тиришиб-буришиб қолгандай сўлгин ва қуруқ, бурни сўппайган, киртайган кўзлари чуқур ботган – маъюс боқар, аммо жаҳли чиққанида нафақат кўзлари хунукдан хунук чақчаяр, балки бутун юзида кўрқинчли ифода пайдо бўларди, қоқсуяк гавдаси эса хиёл эгик, лекин жуда серҳаракат, чаққон, кийимлари эса ҳамиша тоза ва оҳорли эди.

У ғира-шира қоронғида ачиган-чириган ҳидлар анқиган мева-чева бозорига одатдагидай ҳаммадан олдин келди. Бир кўлида қўш термос ва бошқа қақур-қуқурлари ортилган яп-янги аравача, иккинчи кўлида каттагина тўрвахалта. Тез юрганидан ҳарсиллаб нафас оларди. Кампир аравачани тортиб келаркан, қадди янада эгилар, шунинг учун ҳам кўйлагининг олд этаги узунроқдай кўринарди.

Кампир етиб келганида олтмишларга борган, соч-соқолига оқ оралай бошлаган қоровул эндигина катта жигарранг темир дарвозани очиб, атрофни кўздан кечираётган эди. У тонг ёришмасдан бозорда пайдо бўлган кампирга кўзи тушиб, норозилик билан гўлдираб қўйди:

– Саҳарлаб бало бормикин бу қари қарғага.

Яхши ҳамки кампирнинг қулоғи сал оғирроқ, акс ҳолда бечора қоровулнинг соч-соқолидан асар ҳам қолмасмиди? Бироқ кампир қоровул билан сўрашмасдан ўтмайди.

– Яхши юрибсанми, Болтавой? Бола-чақанг омонми?

– Ҳа, омон, омон. Омон бўлмай нима... – ёқтирмайроқ жавоб берди қоровул. – Фақат сиз қачон менинг исмим Болтавой эмаслигига аҳамият бераркансиз?

– Менинг уйчам ҳам омонми, Болтавой?

– Омон, омон. Ана, кўққайиб турибди. Эшик-де-разалари беркитилган бўлса, ким ҳам тегинарди?

– Ҳа, яхши...

Кампир бир оз юргач, чапга бурилиб, ғира-ширада оқаринқираб турган уйчага яқин келди.

Қишда қалин палтосининг, ёз бўлса кўйлагининг устидан мудом кийиб юрадиган енгил камзули чўнтагидан калит чиқариб, эшикни очди, ичкарига кирди.

Зум ўтмай, худди кампир келишини кутиб тургандай бозор бирдан жонланди. Дарвозадан турли кишилар, сотувчилар, ошхона эгалари, бозор ходимлари кириб кела бошлади. Кечаси уюм-уюм қоплари устида тунаб қоладиган деҳқон-сотувчилар негадир ҳар доим ҳаммадан кейин, бозорда шовқин-сурон кўпганидан сўнг эринибгина уйғонишади.

Бу вақтда кампир бирига чой, яна бирига аччиқ қаҳва дамланган термослари ёнида кела-келгунча шақир-шуқур қилган чашкаларини чайишга улгуриб, ҳар доимги мижозларини кутиб олишга шай турарди.

– Розияхон, мана қаҳвангиз, – кампир қайноқ ҳовур кўтарилаётган чашкани қирқ беш-эллик ёшлардаги аёлга узатди. – Кеча бундан кейин сал қуюқроқ дамланг, дегандингиз, мана, айтганингиздай дамладим.

Картошка-пиёз қопларининг устида ўтирган Розияхон деганлари – унинг исми аслида Салимахон, лекин кампир уни ҳар доим Розияхон деб атайди, у тўладан келган, билаклари лорсиллаган, ойтовоқдай юзида кўзлари бир чизикдай билиниб-билинмай турган, шартакироқ аёл, – ёйилиб илжайганча кампирнинг кўлидан чашкани оларкан:

– Ўзимнинг ақлли опоқимдан айланай! – деди гўё қаршисида етмиш яшар кампир эмас, етти яшар бола тургандай эркалаб. – Оҳ, оҳ, ҳидини қаранг, ҳидини... Эртага яна шунақасидан бўлсин, хўпми?

– Хўп.

Салима-Розия чойчақа узатди.

– Энди борақолинг. Сиз билан валақлашишга вақтим йўқ.

Кампир хурсанд бўлиб пулни олди, санамасдан чўнтагига солиб қўйди-да, аравачасини судраб йўлида давом этди.

Икки-икки ярим соат ичида мижозларини чой ва қаҳва билан сийлаб чиққан кампир чошгоҳча – яна чой тарқатиш вақти бўлгунча бекор турмаслик учун ўзига иш қидира бошлади. Аҳвол деярли ҳар доим шундай: сотувчиларни чой ва қаҳва билан сийлаб бўлгач, у аравачаси билан бировларнинг юкини ташийди, картошка-пиёз саралайди, жуда бўлмаса сомсапазларга ёрдамлашиб, чойчақа ишлайди. Ёки бир чеккага ўтиб иштиёқ ва диққат билан аравасини тозалаб, у ер-бу ерини кўздан кечирган бўлади. Ишқилиб бекор турмайди-да.

Фақат чошгоҳдаги “чайпийте”дан кейингина кампир бир оз нафас ростлаш ва гурунглашиш учун таниш мижозларидан бирининг олдига келиб дардлашиб ўтиради.

– Уф, чарчадим, Жамила, жудаям чарчадим... – дея зорланди у одатдагидай ҳорғинлик билан. – Болаларим қачон катта бўлишаркин-а?! Ишонсанми, кечкурунлари оёқларим шунақа қақшайдики! Айниқса бошим шундай оғрийдики, худди қизилиштон тумшуғи билан дарахтни тўқиллатиб ургандай бир шовқин қулоқларимда ғувиллаб кетади...

Савдо тигиз бўлишига қарамай, кампирни эшитиш учун ҳаммиша вақт топадиган, кўнгли бўш, раҳмдил олма сотувчи аёл – дарвоқе унинг исми Сожида, лекин кампир унга Жамила деб мурожаат қилади, – ачинаётганини сездирмасдан:

– Қизингизнинг бўйи чўзилиб қопти, худо хоҳласа ҳадемай ёнингизга киради, – деди хайрихоҳлик билан. – Кўпам ўзингизни уринтираверманг, чарчаб қоласиз.

– Чарчасам гўрга, – деди кампир. – Чарчасам нима бўпти, бир юмалаб ухлаб олсам, ҳаммаси ўтиб кетади. Мендан кўра, болаларимга қийин. Улар менсиз қийналиб кетишди. Ахир ўзингиздан қиёсда, тонг сахарлаб бозорга келиб, қош қорайганда уйга борасиз. Бола бечоралар нима еб, нима ичиб ўтиришибди... Бир ерлари оғриб қолса, кимга айтишади... Ким уларнинг жонларига оро киради?.. Кеча кенжатоим Фаррухнинг қорни оғриб қопти. Бечора болам тушгача тўшақда буралиб ётибди... Мен бундан беҳабар...

– Ноила қарамабдими укасига? – сўради Жамила-Сожида.

– Қараган. Қизим боёқиш укасига меҳрибон. Дори берибди, қорнини жун рўмол билан боғлаб қўйибди. Лекин Фаррух тинчланавермагандан кейин укасига қўшилиб йиғлабди-да бечора...

– Ҳа, тирикчилик-да энди... Илож қанча...

– Тирикчилик ҳам ўлсин. Эртадан кечгача бозорда изғиб юрганамга яраша, дурустроқ топсам эди.

– Сиз яхши топасиз, опоқи. Ҳадеб ўзингизни қийнайверманг.

– Бе, қаёқда... Кеча кун бўйи паттачилар қувғинида юрдим. У ёққа ўтсам ҳам, бу ёққа ўтсам ҳам кетимдан қолишмади. Охири бозордан ҳайдаб чиқаришди. Қанақадир текширувчи келармишми-ей. Сиз эшитмадингизми?

– Йў-ўқ... Эшитмадим...

– Сизга яхши, ҳар қалай бозорда ўз жойингиз бор. Шунинг учун ҳам сизга индашмайди. Бизга ўхшаганларни эса кун бўйи ортимиздан қувишади, яра-маслар.

– Сиззиям уйчангиз бор-ку...

– Бе... Бу уйчани Наримон бойвачча инъом қилган. Савоб учун дегандир-да. Лекин у ерда ўтиргим келмайди.

– Сизлар ҳам патта олсангиз яхши бўларди.

– Бе, ўзи арзимаган чойчақа ишласам, бу пулга патта оламанми, рўзгорга ишлатаманми?

– Ҳа, майли... Ҳали ҳаммаси яхши бўлади, куйинманг.

Кампир бир лаҳза жим қолди. Сўнг маҳзун оҳангда деди:

– Ҳа, яхши бўлиб кетар. Лекин унганча ета олармикимиз?.. – кампир чуқур хўрсинди. Мунғайиб қолди. Шундай кезларда у аллақачон умрини яшаб бўлган, қуриб-қовжираган бўлса-да, дарахт шохиди илиниб, амал-тақал жон сақлаб турган япроққа ўхшарди.

– Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлади, – деди Сожида-Жамила.

Кампир Жамила-Сожида билан хайрлашди.

Вақт тушга яқинлаб қолганди.

Бозорда кампирнинг чой ва қаҳвасига ўрганиб қолган сотувчилар анча-мунча эди. Улар кампирнинг ўзидан кўра, ёшини ҳурмат қилишар, аллақандай тушуниксиз, қачонлардир бўлган-бўлмагани номаълум воқеалар ҳақидаги ҳикояларини сабр-тоқат билан эшитишар, эски-янги пул аралаш қайтим қайтарганида индамай олишар, Сожида-Жамилага ўхшаганлар кампир йиғлаганда қўшилишиб йиғлашар, бошқа одамга, яъни неча йиллардан буён кампирнинг хотирасидагина яшаётган, ҳозирда бор-йўқликлари маълум бўлмаган одам-

ларга эврилганларидан оғринишмас, лекин ҳеч қачон насияга чой ҳам, қаҳва ҳам олишмасди. Мободо насияга чой ёки қаҳва сўрагудай бўлишса, улар қанчалик қадрдон бўлиб қолганларига қарамасдан, кампир бунга асло рози бўлмаслигини жуда яхши билишарди.

– Хафа бўлманг, синглим, мижозим бўлсангиз ҳам насияга беролмайман. Уйда учта болам очдан оч ўтиришибди! Мен уларни мана шу чойчақа билан боқишимни била туриб, насияга сўрагани уялмасизми?! – дея бобиллаб берарди кампир насия сўровчининг кўзига тик қараб.

Баъзида у бирдан бозордан ғойиб бўлиб қолар, орадан уч-тўрт соатлар ўтгач, гоҳ маҳзун тортган, гоҳида йиғлаб, кўзлари қизарган ҳолда яна пайдо бўларди.

– Холиданинг аҳволидан хабар олгани бордим, – дерди у доимий ҳамсухбати Сожида-Жамиланинг олдига келиб. – Бечора бир аҳволда ётибди... Ачиниб кетдим... Ўлиб қолса, болаларининг аҳволи нима бўлади?..

Кунларнинг бирида эса...

– Холида шўрлик оламдан ўтибди! – деган хабар билан келди юраги ёрилгудай бўлиб. – Э Худойим!.. Энди нима бўлади? – Кейин бирдан қони қайнаб кетди: – Ҳаммасига эри Шоқир пиёниста айбдор! Уни суд қилиш керак! Осиш керак уни!

Бозорда янги пайдо бўлган кишилар дастлабки кунлар чой сотиб тирикчилик қиладиган кампирнинг бип-бинойидай усти-бошию хорижий арава ва термосларига қараб туриб ҳайрон бўлишади, бу номутаносибликнинг тагига етганларидан кейингина кампирга ҳам, унинг алмойи-алжойи гапларига ҳам ортиқча эътибор бермай қўйишади.

Аммо бу ердагиларнинг ҳаммаси ҳам гўё ўтмишдан тушиб қолгандай кечгача бозорда тентираб юрадиган, ҳеч ким мушугини пишт демаса-да, мудом паттачилардан ўзини олиб қочишга уринадиган, бозор мутасаддилари у билан хушмуомалада бўлишса ҳам негандир улардан норози бўлиб, бир нималар деб қарғаниб юрадиган, аллақандай тушуниксиз, қачонлардир бўлган-бўлмагани номаълум воқеалар ҳақида гапир-авериб чарчамайдиган кампирни ҳурмат қилади деб бўлмасди. Уни ёқтирмайдиганлар – айниқса овозини узоқдан эшитиши билан асаби бузилиб кетадиганлар, кўзини шамғалат қилиб, устидан куладиганлар, ортидан тош отадиганлар ҳам талайгина эди.

– Зарилга зарил, анави шумкампирга нима зарил экан, жонини бунча қийнаб?! Уйда мазза қилиб ўтирмайдими?! Агар менинг ўғлим амалдор бўлганидами!

Ҳали айтганимиздай, кампир бундай ивир-шивирларни ҳадеганда эшитавермайди, аммо эшитиб қолса борми, ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Унинг тили заҳар эди:

– Ҳа, оғзингдан қонинг келгур! Мен билан нима ишинг бор?! Нима, бозор сенинг маҳрингга тушганми ёки уни Наримон бойваччадан сотиб олганмисан?!

Гап отган одам вазминроқ бўлса яхши, кампир кўп шанғилламайди, айтадиганини айтади-да, аравачасини судраганча йўлида давом этаверади. Лекин рақиб асабийроқ, жанжални пулга сотиб оладиганлар тоифасидан бўлса борми, бозорга ўт кетди дейверинг.

– Нималар деб валдираяпсиз? Наримон бойвачча деганлари ким ўзи? Бозорком Содиқ бойвачча-ку! Сиз қайси замонда яшаётганингизни биласизми ўзи?!



Жанжалкашнинг шу уч оғиз гапи етарли, кампир бирдан қутуриб кетади:

– Ҳой, манжалақи, нима, мени эсдан оғиб қолган деяпсанми?! Бозорнинг хўжайини Наримон бойвачча эканлигини билмасанг, юр, ўзим кўрсатиб қўяман!

Кампир аравачасини улоқтириб юборадию, жанжалкаш томон хезланади.

Аллакимлар ҳай-ҳайлашиб, уларни ажратиб қўйишса олам гулистон, бир зумда кўзлари қонга тўлган кампир ҳансирай-ҳансирай нари кетади. Акс ҳолда у йиқилиб қолгунча, эркак-аёл демасдан ёқасига чанг солиб, айюҳаннос кўтариши турган гап. Аллакимлар бозор маъмуриятига кампирнинг устидан шикоят ҳам қилишади, лекин у ердагилар негадир минғирлашдан нарига ўтишмайди. Кампирнинг танобини тортиб қўйиш эсларига ҳам келмайди. Қай бир йили эса... ҳе йўқ, бе йўқ, бозор маъмурияти кампирга бемалол ўтириб савдо қилиши учун барча шароитлари муҳайё бўлган уйча совға қилди. Аммо кампир уйчада бир соат ҳам ўтириб савдо қилмади.

Шунинг учун ҳам бозордагиларнинг кўпчилиги кампирдан безиб қолишган. Айримларнинг уни кўргани кўзи йўқ. Баъзилар ундан очиқдан очиқ нафратланишади.

– Тур, йўқол, эси паст кампир! Ким сени чақирди бу ерга?! – деб ҳайдашади улар тап тортмасдан.

Аммо кампир ҳам индамай кетадиганлар хилидан эмас.

– Оғзингдан қонинг келгур, нега мени ҳайдаб соляпсан?! Нима, сенга халақит беряпманми? Ё олдингдаги ошни олиб қўйдимми?!

Шундай кезларда қаердан бўлса ҳам етиб келган Сожида-Жамила кампирнинг жонига оро кирар, уни бу ердан узоқроққа олиб кетарди.

Бир куни бозордагилар – афтидан улар янги сотувчилар эди – кампирни роса майна қилишди. Чунки у бир замонлар золим подшоҳ зулмидан қочиб, ғорга беркинган ҳамда Тангрининг амри билан уйқуга кетган ва уч юз йилдан кейин уйғониб, бозорга чиққан садоқатли ва дунёбеҳабар йигитларга ўхшаб, аллақачон муомаладан чиққан эски пуллар билан савдо қилаётганди-да.

– Даққиюнусдан қолган пулларни бошимизга урамизми?! Бу кампирнинг томи кетиб қолган. Уни аллақачон жиннихонага топшириб юбориш керак эди!

Кампирнинг ғазаби қайнаб кетди. Тожи юлиб олинган хўроздай жаҳд билан олишувга шайланди. Лекин “...жиннихона” деган сўзни эшитиб беихтиёр қалтираб кетди ва шаштидан тушди.

– Бу одамлар ақлдан озиб қопти... – дея ғудранди у йўлда кетиб бораркан.

Кейин ажабланганча Сожида-Жамиланинг олдига борди.

Сожида-Жамилагина кампирнинг қалбига йўл топа олади, у пул алмашганини айтганидан кейин кампир бир нималарни фаҳмлагандай бўлиб:

– Э-ҳа, гап бу ёқда экан-да, – деб қўйди. – Мен дунёбеҳабар...

Кампир жимиб қолди.

Лекин зум ўтмай Сожида-Жамилани саволга тутди:

– Пул қачон алмашди ўзи?

Бундай кезларда нима дейишни яхши биладиган Сожида-Жамила шу заҳоти жавоб берди:

– Куни кеча.

– Ҳа, шунақа денг.

Кампир бир зум ўйланиб турди, сўнг афсусланиб:

– Кеча телевизор кўрсам бўларкан... – деб қўйди. Сожида-Жамила индамади.

Кампир яна бир зум ўйланиб турди-да, сўнг:

– Ҳозирги одамларнинг шунчалик қаҳри қаттиқ-ки, бу аҳволда йигирма йилдан кейин нима бўларкин?... Билмадим... – деди аста ўзига ўзи гапиргандай.

Сожида-Жамила изтироб ичида:

– Аллақачон йигирма йил ўтиб бўлган-у... – дея шивирлади.

Кампир ўртоғининг гапини англамади.

– Келинг, бир пас дам олволинг, – Сожида-Жамила кампирнинг ҳалидан буён қаршисида тик турганига аҳамият бермаганидан хижолат тортиб, унга жой беради.

Шунда кампир бирдан ўзига келиб дейди:

– Вой, безовта бўлманг, ўргулай. Ўзингиз бемалол ўтираверинг жойингизда. Мен қариб боряпманми? Энди элликнинг бошини тутган одамга бу юришлар нима!

Баъзида, дардлашадиган мижозлари бозорда кўринмай қолса ёки тайинли бир иш тополмаган кунлари кампир зерикканидан одамларнинг асабига тегиб, кечгача бозорда беҳудага изғир, ҳеч ерда тўхтамас, аравачини шалдиратиб судраганча гўё бир нарсани қидираётгандай расталар орасида айланиб юраверади, юраверади; савдо тиғиз пайтлари оломон уни у ёқдан-бу ёққа суриб ташлар, бировлар атай туртиб ўтар, лекин кампир ҳеч нарсани сезмас, кўзи кўр, қулоғи қар, ўз маромида давом этаётган ҳаётни ҳис қилмас, қаердадир узоқда, ҳаммадан, ҳамма нарсадан узилиб қолгандай, гангираганча кезиб юраверади; гоҳида эса дуч келган одамнинг ишига бурнини тикар, суҳбатларига аралашар, ораларида гап қочганидан кейин худди бу ердагилар уни бозордан сиқиб чиқаришга уринаётгандай туюлиб, қаттиқ жаҳли чиқиб кетар, кейин хато устига хато қилиб қўяр, онгини қуршаган зулмат пардасига тобора чуқурроқ кириб борарди... оқибат шу даражага етадики, ҳеч ким кампирни эплай олмай қолади; кампир ўтмишда ҳеч қачон журъат қила олмаган ишни қилар, исён кўтарар, ниҳоят қидириб юрган одамани топгандай, ўзи итдан ҳам баттар ёмон кўрадиган бирорта паттачининг юзига бошлаб тупурар, йиллар давомида ўзини эзиб ташлаган оламжаҳон беъмани сўзлар уюмини юрагидан итқитиб ташларди. Бундай кезларда унинг телбадан фарқи қолмасди.

Шунда кимдир кампирнинг уйига хабар беради шекилли, ўн дақиқа ўтар-ўтмас етиб келган “жип”дан иккита барваста йигит тушадию жазаваси кўзиб, айюҳаннос кўтараётган кампирни авайлаб икки қўлтиғидан олишиб, бозордан чиқиб кетишади...

Йўқ, у телба эмасди. Унинг хотираси инқирозга учраган, неча йиллардан буён кўрлик дунёсидан ҳам баттарроқ бир зулмат ичида, оламдаги ўзгаришлардан беҳабар, на кечанинг, на бугуннинг фарқига бормасдан, ёлғиз, ҳаттоки ёлғиздан ёлғиз, ҳудудсиз зулмат ичида яшарди. Онг-шуурида ҳаётининг фақат энг оғир дамлари – йигирма йил муқаддам, бозорда чой сотиб тирикчилик ўтказган даври – худди ҳалокатга учраган вақтнинг бир парчасидай қотиб қолган; ёши бир ерга борган, рўзгорнинг барча ташвишларидан қутилган бўлса-да, ҳамон илгаридай, яъни оиланинг бутун ташвишлари ўз гарданида бўлган вақтлардагидай куйиб-пишиб юрар, ҳолдан тойиб ётиб қолгунча бозордан бери келмас, лекин ҳеч қачон бировнинг молига кўз

олайтирмас, ўзи ўқимаган ва онгига сиғдира олмаган сонмингта дунёвий қонунлардан фақат биттасини – “Ҳалол яша”, деганини жуда қаттиқ ушлаб олган, худди битта тўғри чизиқ бўйлаб тинимсиз бориб-келаётгандай яшар, келажак эса... назарида жуда узоқда, ҳеч етиб бўлмайдигандай туюларди; жисми кундан кун қуриб-қовжираб борар, гўё тириклайин мурдага айланганди, аммо бир кун бозорга чиқмаса фарзандлари оч қоладигандай мудом кўрқиб яшарди, ваҳоланки ўзи кўрққан даҳшатли нарса аллақачон юз берганини, у бозорда юрганида уйи ёниб кетганини, қизи билан кичик ўғли олов ичида қолиб нобуд бўлганини, фақат бир ўғли омон қолганини, дугонаси Холида пиёниста эрининг калтагидан кейин ўнглана олмай, жиннихонада ётганини, қўшнилари унинг болаларини етимхонага топшириб юборишганини эслай олмасди...

Хуллас, кампирнинг хотирасида на ўтмиш бор, на келажак... фақат бугунни – бир лаҳзалик умрни яшаб қолиш билан чекланарди.

Гоҳида эса беихтиёр эски уйига бориб қолади.

Ёниб кетган ҳовли қайта таъмирланган, лекин энди бу ерда бегонадан бегона кишилар яшайди, улар кампирга яхши муомала қилишади, гўё мурувват кўрсатаётгандай унга уй ичига киришга рухсат ҳам беришади. Кампир нега бу ерга келганини, нима мажбур қилганини сезмаган, англамаган ҳолда хоналарни бир-бир айланади, ҳар бир хонанинг ҳар бир бурчаги кампирнинг хотираларини ўзида сақлайди, зеро хотиралар ёнмайди, аммо бу хоналар кампирнинг ўзи сингари қизғанчиқ, хотираларни унга бермайди, бироқ у кетаётганида ортидан мунғайиб қараб қолишади...

Кампир яна хотираларининг синиқ парчалари сочилиб ётган бозорга қайтади.

– Ернинг қоқ қиррасида турганга ўхшайман, – дейди у ўйчанлик билан шу куни Сожида-Жамилага. – Ернинг қоқ қиррасида. Пастга энкайсам тамом... ҳаммаси тугайдигандек... Нега бундай, билмайман.. Ўлай агар билмайман. Сенда бунақа бўлмайдими сира?

Сожида-Жамила маҳзун бош чайқайди.

Кампир муштини иягига тираганча жим қолади. Шу туришида у нақ қари қарганинг ўзгинаси эди.

Аллаким, бу сотувчимни ёки харидорлардан, номаълум, – ўтиб кетаётиб тасодифан кампирни туртиб юборади, кейин шоша-пиша узр сўрайди, аммо аллақачон ғишт қолипдан кўчганди, кампирнинг чатнаб турган асаблари ўт тушган қуруқ гиёҳдек бирдан пов этади...

* * *

Тинчлантирувчи уколдан кейин кампир одатдагидай уч-тўрт соат донг қотиб ухлади. Сўнг ҳеч нарса бўлмагандай, тиниқиб уйғонди. Уйғондию соатга каради, кейин шоша-пиша ўрнидан турди.

– Ўлсин... Ухлаб қопман...

Кампир ғудранганча даҳлизга чиқди.

Бу ерда унга ўттиз ёшлардаги жувон пешвоз чиқди.

– Яхши ётиб турдингизми, ойижон?

– Роса ухлабман-да ўзиям, – деди кампир унга жавобан. – Сал вақтлироқ уйғотсанг бўлмасмиди?

– Яхшилаб дам олволдинг дедим-да...

– Дам олмасам гўрга, дарров термосга чой дамла.

– Ойи, кеч бўлиб қолди...

– Кечки бозорга чиқаман.

– Ойи... илтимос, бугунча чиқмай қўя қолинг.

– Нега чиқмайман? Оёғимни узатиб уйда ётсам, тирикчилик нима бўлади?

– Эртага чиқа қоласиз. Ҳали Розия опоқи айтди, бугун бозор вақтли тугабди. Қандайдир текширувчилар келармишми...

Кампир бирдан ҳушёр тортди.

– Текширувчилар?

– Ҳа.

Кампир ўйланиб қолди.

– Розия бежиз хабар бермаган. Яхшиси чиқмай қўя қолай. Сенам уйингга кета қол, Манзура. Қайнонангдан балога қолма тагин.

– Қайнонамнинг зуғумидан қочиб келиб сизникида яшаб юрибман-ку, қаёққа бораман?

– Ҳа, айтганча... хаёлимдан кўтарилибди... Қайнонанг ўлмади, сен қутулмадинг.

– Овқат тайёр, сузаверайми?

– Ноила билан Акбар қани? Фаррух ҳали мактабдан келмадимми?

– Улар ошхонада, сизни кутиб ўтиришибди.

– Менам ҳозир бораман.

Кампир ҳовлига чиқди.

Нақшинкор панжарали, мрамар зиналардан бир-бир босиб тушаркан, атрофга ҳайрат билан боқди.

Ҳовли жуда ҳашаматли эди.

Аммо кампир ҳеч қачон бу ерда ўзини ўз уйида яшаётгандай ҳис қилмасди. Бу уйдаги ярқироқ ҳаёт унинг кўзларини қамаштирар, гўё келажакка сайёҳат қилгандай, баъзида ёқимли туш кўраётгандай бўларди холос. “Қачон ўз бошимга уй битадию, бу ердан тезроқ даф бўларкинман?..” – деб қўярди у гоҳида сиқилиб кетганидан. Ўзининг бундай ҳашамат ичида яшаётганининг сабабини гоҳида бозорком Наримон бойвачанинг илтифоти сифатида қабул қиларди, гоҳида эса ижарада турибман, деб ўйларди.

Атрофидаги нарсаларга тикилиб ўтириб кампир гоҳида бирдан ўзини кўланкалар водийсида юргандай ҳис қилар, ғалати кайфият чулғаб олар, ҳаётининг оғир дамларини қайта ва яна қайта яшаётгандай алланималар таниш туюлар, лекин мавжуд олам билан ўзи ўртасида қандайдир ўтиб бўлмас тўсиқ бордай, тўсиқ оша назар ташлашга нимадир изн бермаётгандай, аллақандай шарпалар кўз олдидан бирма-бир ўтишга шайланиб тургандай бўлар, юраги санчиб кетар, ўзини чуқурга тушиб кетгандай ҳис қилар, мудом ғувиллаган шамол эсиб турадиган чуқур... кампир чуқур деворларига тирмашиб, юқорига чиқишга уринар, аммо ғувиллаган шамол овозига кўшиб, уринишларини ҳам аллақайларга олиб кетар, кампир эса чуқурда тиним билмай айланаверади, айланаверади, худди бозорни айлангандай, лекин кўп ўтмай эртанги тирикчилик ҳақида ўйлаб дарров ўзини алаҳситар, аммо нима учун безовта бўлганидан сира ҳам ташвишланмас, кўрқувга тушмас, қалби даҳшатли ёнғиндан кейин қуриб-қақшаб ётган кўрғондай яна хувиллаб қоларди. Ким билсин, эҳтимол у озгина бўлса ҳам кўрққанида, сергак тортганида, ҳаётга қайтармиди, лекин у кўрқмасди, таажжубланмасди, ҳатто ўйлаб ҳам кўрмасди, – худди ерга уруғ сочиб қўйган-у, лекин кейин ҳаммасини унутган деҳқондай, – афтидан шунинг учун ҳам тобора зулмат қўйнига кириб борарди...

Ярим соатлардан кейин кампир намхуш юзини силаганча ошхонага кириб келди.

– Ура, бувим келдилар!

Саккиз ёшлардаги болакай югуриб келиб кампирни кучоқлаб олди.

– Буви, дейсанми, Фаррух? Қачон ақлинг киради сенинг? – кампир енгилгина танбеҳ берди болакайга.

Кейин бирин-кетин салом берган қизча билан йигитчага қараб:

– Ноила, бугун ёпган нонинг тандирдан тушиб қолмадими? – деб сўради.

– Йўқ, мана, кўринг, бугун жуда чиройли нон ёпдим... о-ойижон... – қизча кўзлари жавдираганча бир жуфт нонни узатди.

– Ҳа, яхши, анча кўлинг кеп қопти. Энди бозорда шошилмасдан, хотиржам юрсам бўларкан. Сен-чи, Акбар, Самаднинг дўконидан ун олиб келдингми?

– Ҳа, олиб келдим, – деб жавоб берди Акбар четга қараганча.

– Дуруст...

Шундан кейингина кампир набиралари, э, фарзандлари билан ўтириб овқатланди. Кейин болалар телевизор кўришди. Телевизорнинг экрани жуда катта, уйдаги бошқа жиҳозлар каби жуда ҳашаматли ва ноёб эди.

Кампир юмшоқ диваннинг чеккасида ҳашамату бойлик ичра бир сиқимгина бўлиб ўтираркан... яна ўзини бегона уйга кириб қолгандай ва қоронғида – бир вақтлар орзу қилган, лекин етиша олмаган нотаниш буюмлар ичида туртиниб-суртиниб юргандай ҳис қилганча эртанги бозор ва тирикчилик ҳақида ўйларди: “Манзура энди қайнонасиникига кетмайдиган бўлса, ундан фойдалансам нима бўпти? У ҳар куни сомса ёпиб бераверади, мен чой ва қаҳвага кўшиб сотавераман. Ахир энди оиламиз анча каттайди, униям боқшим керак-ку! Лекин уни бозорга йўлатмайман!”

Тонг отмасдан кампир яна бозорга отланди.

– Ойи, энди шу ишни бас қила қолинг, илтимос.

Қирқларга борган, башанг, уйда ҳам галстук тақиб юришни унутмайдиган, басавлат йигит энгашиб шошилганча термосларини аравага юклаётган кампирнинг олдида келди.

– Мени ойи дема, деб неча марта айтганман, Даврон! Барибир ўғлим бўлолмайсан, – кампир ишидан бош кўтармай жавоб берди. – Яхшиси уй топ. Қачонгача онанг жияним бечорани хўрлайди, азоблайди!

– Яхшиси сиз дам олинг, ойи! Агар хоҳласангиз, шу бугуноқ санаторийга юбораман.

Кампир ўз машғулотида бир лаҳза ҳам чалғимаган ҳолда тўнг жавоб берди:

– Мен ҳали оёғимни узатиб, дам оладиган кунларга етганим йўқ.

– Етгансиз, ойи. Етгансиз! – бақириб юборди йигит изтироб ичида.

Кампир илкис бошини кўтарди. Нигоҳлари қаттиқ, лекин маънисиз эди.

– Менга бақирма! – деди у кескин оҳангда. – Мен одамларнинг калтагини ейиш, ҳақоратларини эшитиш учун туғилмаганман!

– Ойи!.. – Йигитнинг юзи қорайиб кетди.

– Ақл ўргатавериб тоза жонимга тегиб кетдинг. Яхшиси хотинингни олиб уйимдан чиқиб кет! Қачонгача сенлар учун ҳам ижара пули тўлайман?!

Кампир шундай деди-да, аравасини судраганча кўча эшик томон йўл олди.

Йигит бир зум ўйланиб турди, сўнг икки ҳатлашда кампирни қувиб етди ва уни даст кўтарганча хонага олиб кирди-да, эшикни қулфлади.

– Эшикни оч! Оч деяпман! – эшикни муштлаганча бақирди кампир. – Агар ҳозироқ очмасанг, Наримон бойваччага айтиб, уруғингни қуритиб юбораман ҳаммангнинг! Оч! Оч, деяпман!

Кампир қўлига илинган нарсани эшикка ура бошлади.

Йигит қулоқларини бекитганча, эшикка суяниб турар, кўзлари жиққа ёш эди.

– Қўйинг, уни қийнаманг, – деди хотини яқин келиб. – Ойим шу ҳолича яшасагина ўзини яхши ҳис қиладилар.

– Ўйлаб гапиряпсанми?

– Хотираси ўзига қайтса, нима бўлади, биласизми?

– ...

– Ноила билан Анвар қани, деб сўрасалар, нима деб жавоб берасиз? Уларни топиб бероласизми?

– Ўчир!

Жувон жим бўлди.

– Жонимдан тўйиб кетдим! – шивирлади йигит асабий тарзда. – Бозордагиларнинг шикоятидан жоним ҳиқилдоғимга келди! Қачонгача уларнинг олдида тилим қисик, илтимосларига йўқ деёлмай яшайман?!

– Начора... Лекин...

– Бир ҳафта уй қамоғида ўтирсалар, бозорни эсларидан чиқариб юборадилар. Бор, сен ишингдан қолма.

– Эсларидан чиқармайдилар, касал бўлиб қоладилар!

– Нима бўлса бўлар!

Хотин нари кетди.

Йигит ичкарига қулоқ тутди. Кампир бирдан жимиб қолганидан хавотирланди.

– Ойи...

Ичкаридан жавоб бўлмади.

Йигит бир зум иккиланиб турди, сўнг аста эшикни очди. Деворга қапишиб турган кампир шу заҳоти ўзини эшикка урди.

Кампирнинг бундай шумликларига ўрганиб қолган йигит ҳам бўш келмади, эшикни ёпиб, қулфлашга улгурди.

– Мени қўйиб юбор! Қўйиб юбор! – жазава ичида қичқирди кампир ўғлига ёпишиб. – Агар ҳозироқ қўйиб юбормасанг, болаларимнинг уволига қоласан!

– ...

– Агар эшикни очмасанг, ўзимни деразадан ташлайман, – кампир дераза томон юрди.

– Билганингизни қилинг.

Йигит пайтдан фойдаланиб ўзини ташқарига олди. Яна эшик қулфланди.

Зум ўтмай кампир шундай айюҳаннос кўтардики, анча-мунча одамнинг асаблари дош бериши қийин эди. Аммо йигит чидади, стол қиррасини маҳкам ушлаганча, бир нуқтага тикилиб тураверди.

– Акбар! Мени қутқар, болажоним! Улар мени ўлдириб қўйишади! – қичқирди кампир эшикни муштлаб. – Мени қутқар, Акбар! Ноила, қаердасан, Ноила?! Улар мени ўлдириб қўйишади... Тириклай кўмиб юборишади... Онангдан айрилдинг, болам...

Бир чеккада турган жувон чидай олмай эшикка яқин келди.

– Агар эшикни очсанг... – йигитнинг кўзлари таҳдидли боқди.

– Қанақа одамсиз... Ахир бунақада...

Йигит жаҳл билан хотинининг устига бостириб келди. Жувон кўрққанидан ғужанак бўлиб олди. Лекин зум

ўтмай қаддини тиклаб, эрига лабларини қимтиганча қаҳр билан қаттиқ тикилди.

Йигит унга қўл кўтармади. Аммо...

– Менимча ойимни ҳаддан ортиқ эркалатиб юбордим. Кўнгилларига қарайверганим учун ҳам ўғлим бор экан, нимаики қилмайин одамлар кўтараверади, деган фикрга келиб қолганлар. Етар, шунча вақт одамларга масхара бўлганлари!

Жувон эрини биринчи марта кўриб тургандай ҳайрат билан боқди.

Кейин:

– Шу гапларни сиз гапиряпсизми, – дея эътироз билдирди. – Қанақасига... ойим сизни ўғлим дейди? Ахир у киши сизни танимайдилар-ку!

– Йўқ, – кескин бош чайқади йигит. – Одам ақлдан озган тақдирдаям бунчаликка бормаслиги керак. Ахир онамни қанча даволатдим. Вақт ва тиббиёт ҳаракатга келтира олмайдиган хотира бўлмаслиги керак!

– Бўлиши мумкин...

– Менимча ойим атай қиладилар... Ўз касалига боғланиб қолганлар.

– Ё тангрим, – деб юборди жувон беихтиёр.

– Ахир қачонгача, она ўз ўғлини танимайди? – деди йигит кутилмаганда йиғламсираб. – Ахир қачонгача... Қачонгача... ўтмиш бизни таъқиб қилади?! Ахир ҳаёт бир одамга шунчалик ҳам азоб берадими?! Кеча йўқ... Эрта йўқ... Фақат бугун билан одам қандай яшайди? Бугун кўриб турганларига қараб қандай хулоса чиқаради? Ахир қачонгача худди актёрлардай ўз ўйимизда роль ўйнаймиз?! Мен Акбарман, лекин Даврон деган йигитнинг ролида чиқишим керак ҳар куни, ҳар сонияда саҳнага! Бу азоб-ку, азоб! Бу аҳволда қандай яшайди одам?! – йигит деворни муштлади. Унинг юзи қордай оқариб кетганди.

– Ойим яшаяптилар-ку...

– Мен яшай олмаяпман! Мен! Мен! – йигит бошига муштлай бошлади.

Жувон югуриб бориб стаканда суюқлик олиб келди.

– Ичиб олинг. Тинчланасиз...

Йигит стаканни бир кўтаришда бўшатди. Зум ўтмай у сал ўзига келди.

Бироқ...

Кампир энди дод солишга ўтди.

– Ҳой одамлар, ёрдам беринглар! Сизларда инсоф борми ўзи?! Бир бечора аёлни хўрлаётган зolimдан шунчалик ҳам қўрқасизларми?! – кампир кўча томондаги деразага тирмашар, уни очмоқчи бўлар, алҳол очарди ҳам, лекин... энди темир панжарага урилган бармоқлари зириллаб кетарди, бироқ кампир бунга парво қилмас, у жони оғриётганини сезмасди. – Бир бечорага ёрдам берадиган мард борми бу дунёда?! Зolimларнинг дастидан куйиб адо бўлдим-ку...

Эшик барибир очилмади.

Кампир эзилиб йиғлай бошлади...

* * *

Кампир касал бўлиб қолди. Уй қамоғи унинг асабларига ёмон таъсир қиларди. У ўзини эшик-деразаларга ура-ура, ниҳоятда ҳолдан тойган, афт-ангорига қараб бўлмасди. Қўллари шилинган, юзи, пешонаси моматалоқ бўлган...

Энди у ўзини у ёқ-бу ёққа урмасди, фақат дераза олдига бориб қўлларини икки ёнига керганча дарахтга айланарди.

– Қарға... Қарға... Кел, шохларимга кўнсанг-чи, – кампир ўзини улкан дарахтдай ҳис қиларди. – Кела қол. Нега жим туриб қолдинг? Кел, кела қол... Лекин билиб қўй, бошимга кўнмайсан!

Кампир хиёл эгилди, гўё шохларини пасайтирди. Аммо кутилмаганда... қарға унинг шохларига эмас, миясига кириб олди.

– Ҳа, ярамас! Яна эски жойингни топиб олдингми? Кишт! Кишт... Оббо, яна қағиллашни бошлади! Мана бу еримда қарға қағиллапти, – кўрсаткич бармоғини чеккасида айлантриб, ғудранганча уй ичида юра бошлади кампир. – Қарға... Қарға... Йўқ, мен қарғаман... Мен қарға... Худди эртаю кеч дарахтда қимир этмай ўтирадиган қарға... Ўзича ҳаммага керакман, деб ўйлайди. Аслида ҳамманинг жонига тегиб кетган! Ҳе, ношуд... Намунча қағиллайсан?! Бунақада миямни тешиб кўясан-ку!

Кампир ўрнидан туролмай, ётиб қолганидан кейин эшик очилди. Жувон унга ғамхўрлик қила бошлади.

Аммо кампир ҳадеганда ўзига келавермагач, дўхтир чақиришди.

Уни кўрдию кампир яна шайтонлай бошлади:

– Вой-дод! Анави алвасти сочимни олгани келди.

Кийимларимни ечиб, калта халат-иштон кийдиради. Мени яшириб қўйинглар! У мени опкетиб қолади! Тезроқ яшир мени, бекит. Кўзга кўринмайдиган ерга бекит! Қариганда шарманда бўлмайин... – кампир ёстиқ билан бошини бекитди.

– Ойи... – йигит онасига яқин келди.

Кампир кутилмаганда ирғиб ўрнидан турдию хона ичида чир айланиб қоча бошлади, ҳеч ким – на доктор, на... йиғламоқдан бери турган ўғил уни тутишга жазм этишди.

Аммо кампир барибир хонани гир айланиб югураверди, югураверди. То ҳолдан тойиб қолгунча... ва узун кўйлагининг этакларига ўралиб йиқилиб тушмагунча...

– Илтимос, мени касалхонага опкетманг, – дея ялина бошлади у ерда чўзилиб ётганча дўхтирга қараб, кўзлари қопқонга тушишдан хавфсираётган жониворнинг кўзларидай така-пука эди. – Мен жинни эмасман. Ақлим жойида. Лекин Холиданинг аҳволи оғир. Сиз ўшани олдига боринг. Уни даволаш керак...

– Майли, Холиданинг аҳволдан хабар оламан, – деди дўхтир неча марта айтган сўзларини яна такрорларкан. – Йўл-йўлакай Қодир аравакашниям кўриб ўтаман.

– Барака топинг, илойим...

– Лекин аввал сизга...

– Йўқ! Йўқ! – докторнинг қўлидаги шприцга кўзи тушган кампир типирчилай бошлади.

– Ойи! – йигит кампирнинг билакларидан маҳкам тутди.

Кампирнинг юзи аянчли буришиб кетганини кўрган жувон уни кучоқлаб олди. Кейин эрига ёвқараш қилиб деди:

– Жони оғриб кетди ахир!

Йигит ичида қаттиқ ўқинди, қўлини сал бўшатди, лекин гап оҳангини ўзгартирмади:

– Агар ҳозироқ укол олишга рози бўлмасангиз, ўзим касалхонага обориб ташлайман! Тушундингизми, ойи?! – йигитнинг изтироб тўла нигоҳлари онасининг маъносиз нигоҳларига қадалди.

Бир лаҳза... атиги бир лаҳза кампир кўланкалар водийсидан қайтгандай бўлди, ҳозирги аҳволдан уялгандай ўғлига хижолатли назар ташлади. Сўнг...



– Укол олсам, обормайсанми? – деди боягидай ялинчоқ оҳангда.

– Йўқ.

– Алдаяпсан! – кампир қаттиқ силтаниб қўлини тортиб олишга уринди.

– Ойи! – йигитнинг нафақат кўзларидан, балки баданидаги ҳар бир мўйидан учқун сачраб кетгандай бўлди. – Ойи, ҳаммамизни қийнаб юбордингиз-ку! Бўлди-да энди! Сизнинг дастингиздан қачонгача юзим шувит бўлади?!

Кампир бирдан ғалати бўлиб кетди. Ҳатто ток ургандай сесканиб тушди.

– Қийнаб юбордим?.. – такрорлади у йигитга қараб. – Нега?... Сизларни қийнаб юбордимми?... Ахир мен эртаю кеч... бозорда юрсам... ишлаб... пул топиб... Ўйловдимки... ҳеч кимга оғирлигим тушмайди... Ё ўзим сезмаган ҳолда юзингизни шувит қилиб қўйдимми?... Лекин нега...

– Бас қилинг, ойи! Бас қилинг. Сиз топган пулларнинг кераги йўқ! Эшитяпсизми, кераги йўқ! Моғор босган пулларингиз ана, ҳамёнингизда турибди аллақачонлардан бери...

– Нега?... – кампир ажабланди. – Яна пул алмашдимми?

– Ойи! Агар ҳозироқ бас қилмасангиз... ўзимни бир бало қилиб қўяман!

Кампир қўрқиб кетди. Қаршисидаги йигитга қўрқинч ичида бир неча сония тикилиб турди. Нимадир ўз маромидан четга оққанидан йигитнинг қаттиқ жаҳли чиқаётганини илғагандай бўлди, аммо нима? Кампир зўр бериб ўйламоқчи бўлди, лекин ҳеч нарсани англай олмаётганидан қийналиб, юраги сиқилиб кетди.

Кейин ҳиққиллаб йиғлаганча:

– Акбар... Ноила... Фаррух... – дея болаларини йўқлай бошлади.

– Ойи! Улар сизнинг набираларингиз! Нега туншунмайсиз?

– Набираларим?! – кампирнинг кўзлари чақчайди. – Набираларим... – дея такрорлади кейин. – Менинг болаларим қани унда? Акбар... Ноила...

– Ойи!

Йигит бутунлай ўзини йўқотиб қўйди, у нима қилаётганини билмас, ўзини бутунлай жаҳлнинг ихтиёрига топширган, ҳадеб кампирни силталар, бир нималар деб бақирарди.

Жувон чидаб туролмади, эрини итариб юбордию жон ҳолатда кампирга ёпишиб олди.

Дўхтир шоша-пиша яна битта шприцни дорига тўлдирди.

– Ойи, ойижон, бизни кечиринг, – деди жувон кампирни кучоқлаб. – Бизни кечиринг... Биздан хафа бўлманг...

– У хафа бўлмайди, – деди йигит хирқироқ овозда. – Хафа бўлишни билмайдию..

Жувон шахд билан эрига тик қаради:

– Ойим идрок қила олмаслиги мумкин, лекин хафа қилишганда кўнгиллари оғрийди. Ахир у кишида ҳам юрак бор!

– Э, юрак ҳеч қачон ақл беролмас экан! Мана, исботи... – деди йигит тўнғиллаб, у яна асабийлаша бошлади.

Шу чоғ дўхтир гапга аралашди:

– Тўғри, юрак ақл бера олмайди, аммо мия ҳам юрак бўлолмайди.

Йигит индамади. У дераза олдига бориб орқа ўгирди.

Доктор кампирга юзланди.

– Тайёرمىсиз, онахон?

Ўзини ҳаётга боғлаб турган нарса чил-чил бўлгандек, паришон тортиб қолган кампир аввал ҳаммага бир-бир қараб чиқди, бесаранжом, безовта нигоҳлари бир муддат ўғлига тикилиб қолди, кейин индамай биллагини тутди.

Ниҳоят у тинчланди, лекин дарров ухлаб қолмади. Бир муддат қўлларини кўксида чалиштирганча, шифтга тикилиб ётди, сўнг қорачиқлари секин ёнга эниб, яна йигитга қадалди ва аста-секин киприклари жипслаша бошлади, лекин кўзлари бутунлай юмилмади, худди кўз қири билан ўғлига қараб тургандай қотиб қолди... Аммо йигит онаси томонга қайрилиб қарамади.

– Акбар Турдиевич, – деди кекса доктор дориларини сумкасига жойларкан йигитга зимдан қараб. – Нима қиласиз, ўзингизни ҳам, кампирни ҳам қийнаб? Яхшиси кампирни касалхонага ётқизиш керак.

– Йўқ!

– Туншунмайман, нега... Нима учун... ҳар доим...

– Онамни бир марта касалхонага ётқизишган, – жавоб берди йигит. – Ўшанда сочини олмоқчи бўлишган... ва яна... Мен у вақтларда ёш бола эдим... Шундан бери онам касалхонадан қўрқади.

– Энди... ундай бўлмайди. Ваъда бераман...

– Йўқ!

– Биласизми...

– Доктор, – сўзни кесди йигит. – Нега бундай, а? Нега?... Наҳотки хотирани қайтариб бўлмасан?

– Бу саволингизга тиббиёт нуқтаи назаридан жуда кўп марта жавоб берганман, – деди доктор. – Аммо айтилмаган бир гап қолди.

– Хўш?

– Ҳаёт ҳаддан ташқари чидаб бўлмайдиган даражага етганида, Тангрининг ўзи бандаларига мурувват кўрсатади...

– Мурувват?! Ҳали бу... мурувватми?! – йигитнинг юзига заҳарханда ва истеҳзога тўла таббассум югурди.

– Телбалик ҳам инсонни кўп азоблардан қутқаради.

Йигитнинг юзида азобли ва истеҳзоли таббассум янада бўртди:

– Аввал хароб қилиб, кейин...

Дўхтир кетди.

Йигит каравотга яқин келиб, пишиллаб ухлаётган кампирнинг қўлини қўлига олди.

– Ойи... Ойижоним-а...

Тонгга яқин кўзи илинган йигит беҳосдан уйғониб каравотга қаради. Кампир у ерда йўқ эди.

Йигит алам билан пешонасига муштлади.

Кампир шу куни ҳам, эртасига ҳам уйига қайтмади. У ғойиб бўлганди...

Қидирувлар натижа бермади.

Кампир йўқолган хотираси сингари изсиз йўқолганди...





Дилрабо НОРҚУЛОВА

Озод шамолларда ҳилпираган шаън

ЮРТИМ

Ҳали бу дунёнинг кенгликларида,
Бир текис тарқалиб кетмасдан одам.
Аму билан Сирнинг соҳилларида
Аждодлар яшаган улуғ, мукаррам.

Ҳали чексиз, улкан уммонлар оша
Янги қитъаларга очилмасдан йўл.
Буюк боболарим донишманд яшаб,
Узоқ коинотга узатганди қўл.

Бугун улуғ элнинг эрки, гурури,
Дунёларга қадар номидир баланд.
Дилда ватан меҳри, шиқи, сурури,
Жондан яқин бўлган юракка пайванд.

Мен сенинг фарзандинг, эй Она-ватан,
Нури дийдам ўзинг, қарогим ўзинг.
Озод шамолларда ҳилпираган шаън,
Юракка тикилган байрогим ўзинг!

ПОЙГА

От кишнайди.
Кун огган пайти
Зириллайди адоқсиз яйлов.
Кенг дарадан тулпорлар қайтди,
«Ҳайт, ҳайт!» дея қичқирди биров.



Чапдаст йигит айланиб ўтиб,
Юган урар асов айғирга.
Бири эса эгардан тутиб,
Шартта минар қорабайирга.

Кўтарилар қий-чув ва сурон,
Юраклар ҳам чопар гупуриб.
Отлар елар ҳув қирлар томон,
Олислашар дупур-дупури.

Қамчи тушар от яғринига,
Кенг даралар ортга чопади.
Оти ўзган голиб эғнига
Баковуллар сарпо ёпади.

АНДИША

Мендан хизматингни тутмайсан дариг,
Қанча дардим бўлса эшитасан жим.
Аммо сен ўз сўзу фикрингдан фориг,
Сенга ачинаман ҳиссиз қаламим.

Наҳот туйғулардан ёнмаса бу тан,
Кўнгил дафтарыда бўлмаса битик?!
Ачиниб кетаман сенга дафъатан,
Шунданми, қаламим, бошгинанг эгик.

Кимлардир гийбатдан олар аламин,
Кимлардир бепарво яшар ҳамиша.
Йўқ-йўқ, ачинмайман сенга, қаламим,
Ҳиссиз одамлардан қилгум андиша.



Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

ШИДДАТ

ОТОЙНИ ҲҚИГАНМИСИЗ?

Олтмиш учинчи йилнинг баҳор ойлари эди. Шарқшунослик институтининг дастхатлар хазинасидан қўл-ёзма олиб, қироатхонада ўтирган эдим. Соат ўн бирларга яқин чап қўлида бир китобни кўкрагига босиброқ ушлаб олган (кейин билсам, шу қўли урушда яраланган экан) кўзлари чақчайиб турган, кўринишда ҳамиша жонсарақдай, баланд бўйли, барвастароқ 45-50 ёшлардаги одам кириб келди.

У менинг ўнг томонимдаги стулга ўтириб, китоб мутолаа қила бошлади. Бир оз ўтгач, қўққисдан:

– Мулла, қайси институтда ишлайсиз? – деб сўраб қолди.

– Ҳқийман, Низомий номидаги пединститут аспирантиман.

– Раҳбарингиз ким, мавзуингиз нима?

Илмий раҳбаримни айтдим.

– “Шоҳнома”нинг ўзбекча таржимаси ҳақида илмий иш ёзмоқчиман.

– Нега у киши сизга раҳбар бўлади? У манбашунос эмас, эски дастхатларни ўқий олмайди.

– Йўғ-э, нега бундай дейсиз? Аспирантурага кириш пайтида мени Навоий рубоийларининг қўлёзмасидан ўқитиб кўрганлар.

– Билмадим. Бўлса-бўлаверсин. Аммо у киши Аҳмад Яссавийни “мистик шоир” деган. Бу нотўғри, – деди жаҳл билан.

– Ҳа, айтмоқчи, Отоийни ўқиганмисиз? – яна гапида давом этди суҳбатдошим.

– Ҳқиганман. Унинг шеърлар девонини Эргаш Рустамов нашрга тайёрлаган.

– Ҳазалларидан ёд биласизми?

– Биламан!

– Ҳқинг-чи?

– **Жамолинг васфини қилдим чаманда,**

Қизорди гул уёттин анжуманда.

– Яна ўқинг!

– Қошларинг ёсин Отоий кўргали ҳусн ичра тоқ, Субҳидам меҳробларда сураи Ёсин ўқир.

– Ана шу Эргаш Рустамов биз бўламыз, мулла.

Шу-шу Эргаш ака билан дўст бўлиб қолдик. Олим 50-йилларнинг бошларидан ўзбек адабиётининг ҳали кам ўрганилган даври – XV асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек шеърятини тадқиқ этиш билан жиддий шуғуллана бошлади. Натижада “Ўзбек адабиётида мунозара жанри ва унинг тарраққиётида Яқинийнинг ўрни” номли йирик тадқиқот юзага келди. Унда мунозара жанрининг ўзига хос табиати, санъаткор ғоявий ниятининг мажозий тимсоллар орқали бадиий ифодаланиш сеҳри теран илмий таҳлил этилган. Айрим адабиётшуносларда мунозара ўзбек адабиётига араб ҳамда форс-тожик адабиётидан ўтган, деган ақида бор эди. Эргаш Рустамов Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит турк” асари ҳамда бошқа далилларга асосланиб, ўзбек адабиётидаги бу жанрнинг илдизи халқ озаки ижодига бориб тақалишини асослаб, ишботлаган.

У жуда тезкор, шошилиб юрар, тез-тез гапирар, шиддат билан ишларди.

Ўша йиллари Эргаш ака кўҳна дастхатларни нуқтадонлик билан ўрганиб, Отоий, Лутфий, Саккокийлар шеърятининг асл нусхалари асосида изланишлар олиб борди. Ана шу заҳматкашлик маҳсули ўлароқ Отоий девонининг илк нашри юзага келди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур даврда ўзбек матншунослиги ҳали катта тажрибага эга эмас эди. Шу туфайли классик матнлар нашрида кўп нуқсонларга йўл қўйилиб, матбуотда турли баҳслар пайдо бўлар эди. Отоий девонининг мазкур нашри ҳар жиҳатдан мукамал, танқидий матнга яқинлиги билан илм-адаб аҳлининг эътирофига муяссар бўлди. Унда ношир шоир ижодий биографиясини ноёб манбалар, тақрирларга асосланган ҳолда яратишга эришган; ғазалларнинг ўқ мавзуси, образлар силсиласи, ғоявий йўналишини аниқ кўрсатиб бера олган. Хусусан, Ото-

ий ғазалларидаги ишқ кўп қиррали эканлигига олимлар диққатини жалб этиб, лирик қаҳрамон рухий олами масаласи яхши таҳлил қилинган. Нашр охирида ғазалларда учрайдиган номлар, атама, ибора ва қийин тушуниладиган сўзлар изоҳи берилганким, улар оддий китобхонгагина эмас, балки мумтоз шеърят таҳлили билан машғул илмий ходимларга ҳам катта маърифат беради. Хуллас, луғат ва изоҳлар ҳам ноширнинг чуқур илмий салоҳиятидан дарак бериб туради.

ЗАҲМАТ ЗИНАПОЯЛАРИ

Кунлардан бир куни қизғин, суҳбат асносида:

– Эргаш ака, сиз асли қаерликсиз? – деб сўраб қолдим.

– Ҳа, сизга менинг қаерданлигим нега керак бўлиб қолди?

– Шундай, ўзим билиб олай дедим, устоз-шогирддай бўлиб қолдик.

У киши: – Мен ўзбекман, – дедилар-да, ўз саргузаштларини гапириб бердилар: – Мен 1925 йили Чимкент вилоятининг Сайрам туманида деҳқон оиласида дунёга келганман. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг бир оз вақт колхозда тракторчилик қилдим, ўзга юртларни кезиб чиқдим; бир неча йил Тожикистонда яшадим; иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, 1943 йили чап кўлим ногирон бўлиб қайтдим. ТошДУнинг Шарқ факултетини тугатгач, Москвадаги Шарқшунослик институти аспирантурасида таҳсил кўрдим ва 1959 йили номзодлик десертациясини ҳимоя қилдим. 1964 йилгача шу институтда илмий ходим вазифасини ўтадим. Москвада тинимсиз меҳнат қилишга, вақтни қизғанишга тўғри келди. Натигада Бертелс домла сайланмасининг 4-жилди – “Жомий ва Навоий”ни мукаммал изоҳлари билан нашрга тайёрладим; “Ўн бешинчи асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек шеърятини” номли рисоламни нашр эттирдим. Бу йиллар менинг ижодимда энг машаққатли ва сермахсул йиллар бўлди. Зероки, мен ўзбек адабиётининг ҳали ўрганилмаган даври ҳақида биринчи сарчашмалардан кўплаб далиллар тўпладим, янги дастхатларни қўлга киритдим. Араб ва форс-тожик адабиёти буюк сиймолари ижодини ўзбек шеърятини билан қиёсий-типологик таҳлил учун мукаммал ўрганиб чиқдим. Бу ёғини ўзингиз кўриб-билиб юрибсиз.

Ҳақиқатан ҳам, Эргаш Рустамов 1964 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтининг классик адабиёт бўлимига ишга ўтди. Тиниб-тинчимас олим ўзи танлаган мавзуга содиқ қолиб, XV асрдаги ўзбек шеърятини жанр, тема, образлар тизими, ғоявий йўналиш, санъаткорлик маҳорати, айрим аънавий тимсоллару бадий унсурлар жиҳатидан араб ҳамда форс-тожик адабиёти билан атрофлича қиёсий ўрганишга киришди. Энди у кишини ҳар куни Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қироатхонасидан топардингиз. Ҳамон у кўҳна дастхатларга маҳлиё; ҳали қарасангиз қорилардек ҳикмат ўқиётган, бошқа бир кун қарасангиз Гадоий девонидан мумтоз бир байтни кўчириб олаётган ёки Саккокий қасидаларини Шарқнинг бошқа машҳур қасиданавис шоирлари асарлари билан қиёслаётган бўлади ё бўлмаса, Яссавий ҳикматларининг дастхат ва нашрий нусхаларининг солиштирма мутолааси билан банд бўларди.

Олимнинг бир неча йиллик меҳнатининг маҳсули бўлмиш “Ўн бешинчи асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек шеърятини” китоби кўп жиҳатлари билан адабиётшуносларнинг диққатини ўзига тортди. Дастлаб шуни таъкидлаш керакки, таҳлилга жалб этилган далиллар – асарларнинг барчаси турли дастхатлар хазиналаридан янги топилган кашфиётлар эди. Иккинчидан, нозикбин матншунос ҳар бир асарнинг мавзу, мундарижа, ғоявий йўналишини кўздан кечирар экан, уларни қай йўсинда, қандай либосда, услубда тасвирланганлигига – санъаткорлик маҳоратига эътибор берган. Учинчидан, ўзбек ғазалиёти араб, форс-тожик ҳамда турк адабиётлари билан қиёсий-типологик усулда текширилар экан, ўзаро таъсир, сайёр сюжет, тимсол ва мавзуларни аънава ва ўзига хослик қонуниятидан келиб чиқиб баҳолаган. Ва ниҳоят, Эргаш Рустамов ушбу асарида ҳамкасблари орасида биринчи дафъа ўзбек мумтоз шеърятига халқ оғзаки ижоди асарларининг баракали таъсирини синчковлик билан текширган ва жиҳдий илмий хулосалар чиқарган. Унинг бу борадаги назарий мулоҳазалари кейинчалик дўстлари ва шогирдларига қўл келди.

1967 йилнинг март ойи кунларидан бирида Эргаш ака ишлайдиган бўлимга кириб борсам, домла ниманидир ёзиб ўтирган экан. Салом-алиқдан сўнг:

– Авторефератим чиқувди, сизга олиб келдим, – дедим.

– И-йэ, рефератингиз ҳам чопқиллаб чиқа қолдими? – мийиғида кулди Эргаш ака.

– Сиз фотиҳа бергандан кейин чиқади-да, – дедим бир оз сергакланиб.

– Бўпти, кўриб чиқаман, – деб авторефератни олиб қолдилар.

Беш кун ўтгач, институт йўлагига турсам, Эргаш ака кўчадан кириб келди. Саломимга алик олгач:

– Мана тақриз. Буни сиз учун ҳам, устозингиз учун ҳам эмас, илмингиз учун ёздим, – деди. Тақриз лўнда, аммо ғоятда самимий, илмий теран ёзилганди. У кишининг тезкорлигига қойил қолдим.

Дарвоқе, Эргаш аканинг бетиним заҳматининг ҳудуди йўқ эди. Бу орада у “Ўзбек қомуси”га мақолалар ёзди; беш жилддан иборат “Ўзбек адабиёти тарихи”ни яратишда иштирок этди. Олим ўша йиллардаёқ бой адабий меросимизни “диний мистика адабиёт”, “феодаллик адабиёт” деб чиқитларга чиқазиб ўрганишга қарши чиқувди. Ана шу ақидаларга содиқлиги туфайли дастлаб “Аҳмад Яссавий” деган мақоласи “Тошкент оқшоми” газетасида, сўнгра “Аҳмад Яссавий ҳикматларида тарих ва ҳаёт садоси” “Ўзбек тили ва адабиёти” (1972,4-5-6 сонлар) журналида босилди. Олимнинг ҳар бир мақола ва тадқиқотида ўзига хос кашфиёт, янгилик бўлганидек, бу ерда ҳам Яссавий шахсияти, илмий, адабий муҳит, ҳикматларининг моҳияти холис, теран текширилган; айрим ҳамкасбларининг Яссавийни “мистик”, “таркидунёчилик ғоясини тарғиб этган” деган фикрларининг асоссиз эканлигини исботлаган; ҳикматларнинг ирфоний, маърифий моҳиятини тўғри кўрсатган. “Биз бу мақолани ёзишда, – дейди муаллиф, – биринчи галда Аҳмад Яссавий яшаган тарихий шароит ва ҳаётни ўзида акс эттирган ҳикматларни таҳлил этишга, уларнинг тарихий, адабий, фалсафий илдизларини аниқлашга ҳаракат қилдик” (Ўша журнал, 4-сон, 21-саҳифа). Коммунистик мафқуранинг “ҳар бир миллий маданиятда икки хил маданият бор”

деган ақидаси ҳукмфармон бўлган бир даврда шоир ҳикматларининг “фалсафий илдизларини” аниқламай туриб, уни тўғри англаш мумкин эмаслигини дадил айтиш катта жасорат эди.

Шундан сўнг олимнинг “Бертелс домла”, “Лутфий”, “Саккокий” сингари бир неча мутлақо янги йўналиш ва қарашлар асосида ёзилган мақолалари эълон қилинди. “Маликул калом” Лутфийнинг ижоди филология фанлари доктори С.Эркинов ҳамда филология фанлари номзоди Эркин Аҳмадхўжаевлар томонидан хийла пухта ўрганилган. Эргаш Рустамов эса шоир лирикасининг халқона руҳи ва сеҳрини алоҳида нуктадонлик билан таҳлил қилган.

Маълумки, Саккокий шеърлари шарқшунос Қ. Муниров томонидан нашр эттирилди, мажмуаю дарсликларда шоир ижодидан намуналар келтирилиб унинг ғазал ва қасидалари у ёки бу даражада таҳлил қилинди. Аммо шоир асарларининг ҳар томонлама чуқур таҳлили Эргаш Рустамов қаламига мансуб. Чунки олим “Саккокий” мақоласида биринчи манбалар асосида шоир ҳаёти ва ижодий биографиясини тиклашга интилган, ғазалларини тематик, ғоявий йўналиш ва бидийлик жиҳатдан яхлит таҳлил этган, шоир ижодида Ҳофиз Шерозий аънанасини ишонарли мисоллар орқали кўрсатган. Энг муҳими, нуктасанж олим Саккокийнинг икки қасидасини таҳлил этар экан, улар сюжет, тузилиши таркиби (насиб, гурезгоҳ, мадҳ) жиҳатидан Шарқ қасидачилигининг барча талабларига жавоб беришини кўрсатган. Қасидаларда тилга олинган тарихий шахслар – Аҳмад Ҳожибек, Хожа Аҳмад, Хожа Муҳаммад Порсонинг ҳаёти ва маданий-адабий ҳаётда тутган мавқеи хусусида китобхонларга батафсилроқ маълумот беради. Жумладан, Саккокий қасидаларида васф этилган “Хожа Муҳаммад Порсо нақшбанд сулукига мансуб бўлиб, замонасининг фозил кишиларидандир. Унинг ўша вақтда жуда шуҳрат қозонган ажойиб китобхонаси бўлган. Сарчашмаларнинг гувоҳлик беришича, бу китобхона Бойсунқур китоб хазинасидан сўнг иккинчи ўринда турган”, – деб таъкидлайди олим.

ЎЗБЕКНИНГ ФИДОЙИ ФАРЗАНДИМАН

Юқорида таъкидлаганимиздек, Эргаш ака яқин ўн беш йиллик кузатишларини саралаб-яқунлаб “Ўн бешинчи аср ўзбек шеърлятини бошқа Шарқ халқлари (араб, форс, турк) адабиётлари билан қиёсий ўрганиш” деган ном билан докторлик диссертацияси сифатида расмийлаштириб, ҳимояга тақдим этди. Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги тарих, тил ва адабиёт фанлари бўйича докторлик илмий даражаси берадиган ихтисослашган кенгашда ишнинг ҳимояси бўлди. Расмий ва норасмий ҳакам сифатида сўзга чиққанлар мазкур тадқиқотнинг илмий-назарий қимматига юксак баҳо бердилар.

Раислик қилувчи Э. Рустамовга сўз берди. У одатдагидек юраги ҳапқирган, оловдай ёниб турган бир тарзда шиддат билан минбарга яқинлашди:

– Азиз дўстлар, мен ўзбекнинг бир фидойи фарзандиман. Бу ишга менинг йигирма йиллик умрим кетган. Уни яратгунча мен не-не дастхатларнинг чангини ютмадим дейсиз... Ҳаммангизга ташаккур.

Кейин домла Москвага қулоғи динг бўла-бўла калланиб қолди. Савил қолгур диплом келганда эса, хузурини кўрмай оламдан ўтди.

Баъзи ҳамкасбларнинг салоҳиятига менсимай қараш, тадқиқотлари қадрини астойдил эътироф этмаслиги, таҳлилга жалб этган далилларига ишонқирамаслиги ҳам Эргаш акадаги қайсарлик, ўзбек адабиёти тарихига оид илмий иш фақат биринчи манбаларга асосланиши лозим, илм вагонига “чиптасиз чиқмаслик” керак, деган ақидасининг натижалари эди. Аслида у чин олимни қадрлайдиган, иқтидорли, фидойи ёшларнинг пешонасини силаб, елкасига қоқадиган раҳнамолардан эди. Мана, сафдошлари, ҳамкасблари у киши ҳақида нима дейди:

Академик Азиз Қаюмов:

– Эргаш Рустамов тинимсиз ишлайдиган олим эди. Унга икки буюк инсоннинг – Бертелс домла, Ғафур акаларнинг назари тушганди. Москва илмий сафарида бўлган кезларида шарқшунос Е.С.Бертелс маслаҳати ва раҳнамолигида ишлаган. Э.Рустамов 1959 йили Отоий девонини чоп этди. Бир машҳур тилшунос матбуотда катта мақола эълон қилиб, ноширни шоир таҳаллусини нотўғри ёзишда айблади. Шунда Ғафур Ғуломнинг “Атоий эмас, Отоий” мақоласи эълон қилинди. Устознинг бу далдаси Эргаш Рустамовга қанот бахш этди.

Филология фанлари доктори, профессор И.Абдуллаев:

– Биз ТошДУнинг Шарқ факултетига Эргаш ака билан бир вақтда ўқиганмиз. Дорилфунунда, моддий жиҳатдан қийналиб бўлса ҳам, зўр ўқиди. Форсий тилни мукамал билгани, илмга жиддий тирмашгани учун яхшигина манбашунос бўлиб етишди. Шунинг учун ҳам у кишининг рисоласию мақолалари асл сарчашмалар асосида ёзилган. Эргаш ака энг мураккаб даврда Яссавийнинг ижодий биографиясини яратди. “Девони ҳикмат”нинг асл моҳиятини илм-адаб аҳлига тўғри кўрсатиб берган.

Филология фанлари доктори Э.Каримов:

– Эргаш ака туғма олим, нуктафаҳм матншуносу манбашунос эди. У илм фидойиси эди, шу йўлда ўзини адо этди.

Эргаш ака зўр китоблар ёзди, сара мақолалар битди. Мана, чорак асрдан зиёд вақтдан бери улардан қанчадан-қанча толиби илмлар, адабиёт муҳиблари баҳраманд бўлиб, муаллиф номини яхшилик билан эслаб юрибдилар. Бу энг буюк мукофот. Зеро, шоир айтмоқчи, ҳалол, яхшилик билан яшаган одам ана шу яхшиликлари билан тириклар тилида ҳамиша зикр этилиб, барҳаёт юради.





Шодмонкул САЛОМ



Кўнгил тоғшаётмир кўрғоқлари ладан

* * *

Кетаяпсиз, мен ҳам кетяпман,
Ўртамыздан ўтолмас сабо.
Зулфингизни хаёлдай эшар,
Мартнинг кўксин тўлдирган ҳаво.

Кетаяпсиз, мен ҳам кетяпман,
Жон борича кўкарар яшил.
Дарахтларнинг учлари билан,
Шивирлашиб қувонар фасл.

Сиз фаслга кирасиз, фасл
Кириб келар оламга ёниб.
Қалдирғочдай вижирлар тошлар,
Йўл четига қушлардай қўниб.

“Эй, Гул, қайдан ва қандай қилиб,
Бунча латиф, бунча сирлисиз?”
Сўралмасдан ўлар саволлар,
Ҳам қуёшли, ҳам ёмғирлисиз.

Бундай озод, ихтиёрлисиз,
Бундай титраб оласиз нафас.
Бармоғингиз бир қўшиқ бошлар,
Бармоқларим қиляпти ҳавас.

Вужудимга чопар бир шовқин,
Туйғу селдай кўпирар қонда.



Кўкрагимга Тангри осган қулф
Калитлари сизда экан-да.

Бундай боқманг, нигоҳларингиз,
Ҳаётимни бесас қамчилар.
Елкангизга кўнмоқлик учун
Кўкдан тушмай турар томчилар.

Кетаяпсиз, мен ҳам кетяпман,
Шамол эрка, кўзлар беқарор.
Кўнгил каби тозарган йўлда,
Иккаламиз, муҳаббат, баҳор.

* * *

Онам хаста эди, бетоб эди ўғлим,
Гулнинг тиконлари тўсди йўлимни.
Жонимни қонатдим, лабимни тишлаб,
Кўнглимни асрадим, фақат кўнглимни.

Юракнинг тўрига қочди, беркинди,
Ҳасрат бериб боқдим тўйгуларимни.
Теграмда калхатдай айланди бўрон,
Кўнглимни асрадим, фақат кўнглимни.

Чироқни ўчирди ичимдагилар,
Кечага суришиб буздим йўлимни.
Қушқўнмас гуллади баҳорларимда,
Кўнглимни асрадим, фақат кўнглимни.



Қалдирғоч ин қурди курақларимга,
Ҳолин сўролмадим мунглиз синглимни.
Дунё кўчиб кетди юрақларимдан,
Кўнглимни асрадим, фақат кўнглимни.

Кунларим йўл эди, йўловчисиз йўл,
Сағирдай қабартди оёқ-кўлимни.
Парли ёйдаи тортдим, лекин отмадим,
Кўнглимни асрадим, фақат кўнглимни.

ЎРГАНДИМ

Тошдай учиб, қушдай кўнишни ўргандим,
Дард жондин ўтганда, кулишни ўргандим,
Ҳеч нима топмадим, десам бу – ёлгон,
Тошкентда совқотмай юришни ўргандим.

Оппоқ тулпорлардай бир тонлар отди,
Орзуси тугаган шомлар тош қотди,
Ойлар уфққамас, елкамга ботди,
Тунларга ой билан боришни ўргандим.

Бошга юлдуз теккан жонон кечалар,
Дил бу буроқ ондин қандай кечолар?
Кўзларда гоҳ яшил, оқ тангачалар,
Жимирлаб турганда севишни ўргандим.

Ҳасрат юрагимда сайрашни ўрганди,
Фурсат толиққанда тўхташни ўрганди,
Кулфат чин кўнгиладан йиғлашни ўрганди,
Уларнинг баридан яшашни ўргандим,
Баридан мард бўлиб ўлишни ўргандим.

ХАЛҚОНА

Яхши отанинг боласи етим бўлар, қул бўлмас,
Яхши эрнинг аёли бева бўлар, тул бўлмас.
Оғизлига сўз бўлмас, оёқлига йўл бўлмас,
Шу бобо сўзлардан сўнг, мен отани соғиндим.

Юрагингдан ўтгани юрақларга етади,
Пули Сирот аслида шу кўкракдан ўтади.

Нодон буни билгунча дунё ўтиб кетади,
Ўтиб кетдингми дунё? Мен хатони соғиндим.

Очиқ эди эшиклар, беҳишт дарвозасидай,
Ҳой ботириб, дегани тўйнинг овозасидай,
Ҳар ким келиб кетару, лекин ота борида
Келгучи меҳмоннию ҳам гадони соғиндим.

Ҳукм қилманг қозилар, билмам не сўз ёзилар,
Кўксим – кўпкари ҳавор, ўйнар кучук, тозилар,
Ҳей отали ўғлонлар, ҳей қўчқорли кўзилар,
Ҳей кўкси тоғ султонлар, сизни Худо розилар,
Кўнгида не амри бор, шу Худони соғиндим,
Мен отани соғиндим-ей, мен отани соғиндим.

МАКТУБ

Оламни сув олган, биргина орол –
Шу қоғоз. Мен эса ярадор қушман.
Айтмоққа чоғланган, лек айтилмаган,
Юракда сиқилиб турган товушман.

Йўқ, мен ёзмайман, тўкилаяпман,
Юрак томаёттир бармоқларимдан.
Булутдан томчидек йиқилаяпман,
Кўнгил тошаёттир қирғоқларимдан.

Сатрлар – саҳрода адашган карвон,
Юлдуз – кўзларингга қараб йўл тортар.
Сатрлар – Тангридан умиди борлар,
Чанда қуёш чиқар, ўнгда ой ботар.

Жоним, бошқа биров имломни билмас,
Мангу гуссаларинг изоҳи ўзим.
Очиқ қолган кўздаи сенинг ҳукмингда
Бору йўзинг ўзим, гувоҳи ўзим.

Мана, қўлларингда турибман титраб,
Ёқсанг бир ҳовуч кул, асрасанг борман.
Сенинг кунларингнинг шарҳи битилган,
Мактуб бўлиб келган Парвардигорман.





Ориф ТОЛИБ



БЎЛГАН ГАП

Ҳикоя

Кеча институтга ҳужжат топширган бордим. Ўша ерда Дилдорани учратдим. Юрагимнинг туб-тубидаги исмсиз дардлар қайта бош кўтарди, уч йил олдинги сирли-сеҳрли хотиралар тасаввуримда аста-секин жонланди.

Гўё ям-яшилликка, нурга кўмилган мовий диёрга тушиб қолгандай эдим. Бироқ тўсатдан турган шиддатли шамол ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилиб юборди, менга уч асрдай туюлган уч йил мобайнида асраб-авайлаб юрган туйғу-хаёлларим ўт тушган сомон ғарамидек лаҳзада ёниб кул бўлди. Улардан аламизтироб кулигина қолди, холос...

Сизга бор гапни айтиб бераман, шундай қилмасам бўлмайди. Юрагим қайғу зардобига лиммо-лим тўлиб кетди.

Бу тарих лицейга ўқишга кирганимдан сўнг бошланган. Еттинчи синфни тугатиб ўқишни туман марказига – иқтидорли болалар лицей-интернатига кўчирдим...

* * *

Янгиман. Лицейга келганимга тўрт кун бўлди. Иккита саккизинчи синф бор, «А»га киритишди. Қолганлар еттинчи синфда келган, бир-бирлари билан аллақачон апоқ-чапоқ бўлиб кетган. Менга бегонасираб, беписандлик билан қарашади. Ҳали бирортаси билан дўстлашиб, вазиятга киришиб кетолганим йўқ. Фақат битта нарсани билиб олдим: синфимиздаги етти-саккизта қизнинг ичида битта чиройлиқкинаси бор экан. Қолган қизларимиз ҳам чиройли бўлгандир, лекин у бошқача эди-да. Ўзимни билмаганга солиб сўраб, билиб олдим. Исми Дилдора экан. Доим кулиб турувчи қуралай кўзлари, қоп-қора сочларию бодом қовоқлари – ҳаммаси бошқача. Яна қандай сифатларини санасам экан?.. Негадир, шу қизни ҳеч қачон кўнглимдагидек тасвирлай олмайман.

Кўп фурсат ўтмади, мен дунёнинг энг бахтиёр кишиларидан бирига айландим – Дилдорани севиб қолдим. Фикру хаёлим шу қизда: қандай гаплашсам экан.

Пахтага кетадиган бўлдик. Саф тузилиб, ўқувчилар йўқлама қилинган, йўлга тушдик. Биз борган жой Меҳнатободдаги қанақадир ширкат эди. Ул-бул нарсаларимизни шийпонга ташладигу теримга киришдик. Октябрнинг ўрталари. Куннинг тафти қайтиб қолган. Сарғая бошлаган ажриқлар устида тутбарлар чачала қилингандай бетартиб сочилиб ётибди. Бу ерларда мол-қўй жуда кам. Бепоён дашт. Пахта пайкаллари осмоннинг адоғигача чўзилган. Осмон тип-тиниқ. Куёш меҳрибон кўллари билан бошимизни силаб қўяди гўё. Олис-олисларда тўп-тўп булутлар сузиб юрибди. Ғалати: бири худди мўйсафид чолнинг юзига ўхшайди, биттаси кўлида камон билан учиб келаётган бола... Беғубор кенгликларга тикили-иб турибман, олдимдан бир нарсани пир этиб учиб кетдию хаёлимни бўлди. Қорашақшақ экан. Зовурларнинг қирғоғидаги ҳар хил қумтепаларда турли-туман ўт-ўлан, қиёқлар ўсиб ётибди. Бир томонда ёввойи жийдалар. Биз ялоқжийда деймиз, китобларда қандак жийда деб ҳам ёзишади. Таъми сал тахир-у, лекин маза! Қорашақшақлар шу ерларга ин қуради, шохдан шохга кўниб сайраб юради.

Теримга тушиб кетдик. Пайкал иккинчи теримдан чиққан, ўзи «теримлиги» қолмаган. Лекин кўсак чувишга рухсат йўқ. Очилган пахтани терасан! Барибир йўл-йўлакай кўсакни оламинг-да, карсиллатиб тишлаймиз – оғзингиз ғалати бўлиб кетади. Кейин чувиб этакка... Ҳамма шерик-шерик бўлиб теряпти: айримлар пайкалнинг ҳўв этагига бориб қолган, айримлар бу бурчакда. Бутун майдон бўйлаб сочилиб кетганмиз. Ёлғиз теряпман. Фақат гоҳ-гоҳида нарироқда юрган қизларга, тўғрироғи, Дилдорага қараб қўяман. Бир гал кўлга тушдим: тикилиб тургандим у ҳам қараб қолди. Дарров

пахтага энгашидим: э, мен меҳнаткаш эдим-ку! Шундай қилиб пинҳоний аҳд тузилди – бир-биримизга қараб-қараб кўямиз.

Ўзим билан ўзим бўлиб пайқамабман. Менинг қаторимдан қандайдир бола келаётган экан. Параллел синфдан бўлса керак, танимадим. Масофа яқинлашяпти. Аччиғим чиқди, йўл бўшатгим келмади. У атайин келаётган эди. Мендан гавдалироқ, юзи мўғулларникига ўхшаб кетади. Чайирлиги шундоқ сезилиб турибди. Юзма-юз бўлдик.

– Нега менинг қаторимдан келяпсан-ов?! – деб гап бошлади у.

– Ўзинг нимага менинг қаторимдан келяпсан? – саволга савол билан жавоб бердим.

Ҳеч ким унга бунақа гапирмайди, шекилли, жаҳли чиқиб кетди. Лекин ўзини босиб олгандай, бироз тўхтаб қилиб сўз қотди:

– Ҳм-м, менга гап қайтардинг. Бунинг учун сени роса дўппослашим керак. Лекин, майли, мен раҳмдилман, эвазига ярим пахтангни берасан.

– Шу гапни гапирганинг учун сени роса дўппослашим керак эди, майли, мен раҳмдилман, эвазига бор пахтангни менга берасан, – дедим яна гап қайтариб.

Фигони фалакка чиқди. Бу орада икков синфнинг болалари йиғила бошлаган, текин томоша кўйилаётган эди.

– Ие, бу бола ўзидан кетган экан-ку! – деди рақибим атрофдагиларга қараб. Гапни тугатар тугатмас шиддат билан келди-да, тепди. Ўзимни олиб қочишга улгуролмадим – тўпиғимга ғўзапоё аралаш «бир шингил» тепки тушди. Энди ўзимни олишувга чоғлаган эдим, қайдандир хабар топган тарбиячи етиб келди.

– Нима бўляпти? – олазарак бўлиб сўради шопмўйлов домла.

– Бедана бор экан, ўшани тутгани келдик. Учиб кетди: бит-билдик, – иржайди қийиқкўз.

– Ҳеч қанақа бедана-педанаси йўқ, пахтани теринглар, кун кеч бўляпти, – шопмўйлов танбеҳ бергандай гапирди-да, қайтиб кетди.

– Лекин гапимиз чала қолди, бола, – таҳдид қилди рақибим. – Кейин гаплашамиз.

– Бўпти, – дедим-да, пахта теришга киришдим.

Ҳамма яна пайкал бўйлаб ёйилиб кетди. Бир пайт сочлари жингалак, кўккўз синфдошим – оти Қудрат эди чоғи, кўп ўтмай лицейдан ҳайдалиб кетди – ёнимга келиб насиҳатга киришди:

– Бекор қилдинг, Ойбек. Саккизинчи синфнинг энг зўри шу – Салим. Бекорга уни Чингизхон дейишмаган. Ҳеч нарсадан тап тортмайди.

– Нима қипти, кўрқадиган жойим йўқ.

– Сенга раҳмим келганидан айтяпман. Сени деб биз ҳам балого қолмайлик. Калтак ейишни истамай-миз.

Кўзимга балодай кўриниб кетди.

– Шуни айтгани келувдингми?

– Ҳа.

– Энди туёғингни шикқиллат, кўзимга кўринма!

– Эй, ўзингдан кўр. Сенга яхшилик қиппан-а.

* * *

Қош қорая бошлади. Болалар пахталарини торттиради-да, автобусга чопишади – жой олиш керак.

Бўлмаса қирқ километр тик туриб кетасан. Аввал «А» синфнинг пахтасини ўлчашди. Автобусга ўрнашиб олдик. Кейин «Б» синф чиқди. Кетяпмиз. Рўпарамга Салим келиб тўхтади:

– Тур, менга жой бер!

– Жойингни топиво!

Қийиқ кўз ёқамдан чангаллади-да, даст кўтарди:

– Чакагингни ўчириб кўяман!

Шовқин-суронимиз олдинги қаторга ҳам эшитилди, шекилли – ҳамма ялт этиб қаради.

– Нега уришяпсанлар, – ўшқирди шопмўйлов тарбиячи. – Яна сенми, Салим, анави боланинг оти нима? Икковингням устингдан рапорт ёзаман. Лицейдан ҳайдаласан!

Ўшанда дунёда иккита фожиа бўлса, биттаси лицейдан ҳайдалиш эди мен учун. Дарров ҳовуримдан тушдим. Қишлоқдаги одамларнинг миш-миши, отонамининг дашноми кўз ўнгимга келдию ғазабимни ичимга ютдим. Бошқаларнинг назарида «попугим пасайган» эди. Кетяпману жаҳлдан дағ-дағ титрайман, хўрлигим келади. Бу ерда менинг ҳеч кимим йўқ. Қишлоқда бўлганда, бу мўғулбашарани мириқиб дўппослардим!.. Хуллас, тик туриб келдим, роса алам ўтди. Ёш боланинг дўппосини яшириб қўйиб қийнашади-ку, худди ўша боладай нима қилишни билмай аччиғланаман. Етиб келдик. Автобус катта йўлда тўхтади. Ичкарига бир километр пиёда кириш керак. Ҳамма олдинлаб кетди. Охирида келяпман. Ярим йўлда бир тўда бола тўхтаб турибди. Сездим, мени кутишяпти. Яқинлашдим. Яна Салимнинг ўзи гап бошлади:

– Эй, ўғилболачасига гаплашамиз. Ўғил боласан-а?

– Исбот керакми?

– Кўп гапиршни ёқтирмайман. Ҳамманг чеккага чиқ.

Шундай деди-да, лаш-лушларини бир чеккага улоқтириб менга юзланди. Мен ҳам ҳозирлик кўриб олдим. Хўрозлардай давра айлана бошладик. Биринчи бўлиб қўл кўтармоқчи эмасдим – ахир мен кўрққанам йўқ-ку! Ён атрофдагилар Чингизни олқишлар эди.

Яна ўша ҳолат – кўкқисдан ҳужумга ўтди. Ўзимни олиб қочишга барибир улгуролмадим: бу сафар оғриқни биқин татиб кўрди. Атрофдан: «Ур уни, Чингизхон!», «Аяма!» деган ҳайқириқлар эшитила бошлади. Шу пайт Нодар Думбадзенинг ўзим яхши кўрадиган «Ҳелладос» хикоясидаги муштлашув воқеаси ярқ этиб хаёлимдан ўтди. Мен Жамолга ўхшаб жимгина калтак еб кетавермайман, дедим ўзимга ўзим.

Калтак еганингдан кейин калланг тузукроқ ишлар экан. Муштим унинг чакаги билан танишди. Ўзимнинг юзимда ҳам муҳрлар пайдо бўлганини сезиб турардим. Охири икковимиз ҳам чарчадик, лекин «жанг»ни тўхтатишни истамасдик. Бир ўнғай вазият туғилиб қолди: қош-қовоғи аралаш мушт туширдим. Кўзидан ўт чиқиб кетди, шекилли, инграб юборди. Мен эса ғалабадан сармаст бўлиб кутиб турдим. Энди этак-халталарни олгани энгашиганимни биламан: ўнг биқинимга тузуккина тепки келиб тушди. «Номард!» деб бақирдим беихтиёр. Биқинимни чангаллаганча, чўккалаб қолдим. Лекин бу мен ўйлаганчалик Чингиз эмас, чеккадаги томошабинлардан бири – тақирбош пакана эди. У қойил қилдимми, дегандай Салимга ишшайиб қараб турарди. Салим югуриб келди-да, тақирбошни тарсаки билан «сийлади». У хўнграганча нари кетди.

– Олишамиз. Жанг ҳали тугамади, – бурунги шаштидан тушиб деди Чингизхон.

– Майли, – дедим мен ҳам.

Яна муштлашишга тушиб кетдик. Атрофдагилар муҳим бир қарорни кутаётгандек жим турарди. Уларга қараб қолибманми, юзимга бехос мушт тушди. Энг ёмон кўрганам – уришаётган пайтингда бурун қонаши. Шундай бўлди. Тутақиб кетдим. Салим эса худди менга раҳми келгандек тикилиб турди-да, нарсаларини йиғиштиришга тушди.

– Йўқ, уришамиз, – дедим мен.

– Майли, ихтиёринг. Лекин бошқа сафар. Бундай ҳолатда муштлашмайман, – деб ўртоқлари ёнига кетди.

Аслида, иккаламиз ҳам ортиқ уришишни истамасдик. Бурун қонашига ҳам эътибор бермай лаш-лушларимни олдим. Болалар аллақачон олдинлаб кетган, Салимни мақташаётгани элас-элас эшитилиб турарди. Лекин бу жангдан мен ҳам хурсанд эдим – автобусдаги алашимга малҳам қўйиб олгандим. Кийимларим чанг-тупроқ, юз-кўзим бир аҳвол кетяпман. Лицейга яқинлашиб қолдим. Ўқув биноси ётоқхонадан хийла узоқ. Аллақачон кеч кирган. Ётоқхона ҳовлисида катта-кичик чироқларнинг айқаш нурлари, дарахтларнинг учтўрт томонга кетган соялари кўзга ташланади. Худди концерт залларидагидек. Болаларнинг аксарияти жанжалдан хабардор, кичик синфдагилар бир-бирини нуқиб менга ишора қилади.

Юз-кўлимни ювишим керак эди. Кран олдида бордим. Бизда артезиан суви оқадиган бундай кранларни тўғридан тўғри «артизон» деб қўя қолишади. Хуллас, ювина бошладим. Кимнингдир келганини пайқадим. Қарасам, Дилдора. Кутиб турибди деб ўйлаб йўл бўшадим.

– Вой, чаккангизга нима қилди, қон-ку!

– Ҳеч нима қилмайди, йиқилиб тушдим.

– Ҳозир, тўхтаб туринг.

Бироздан кейин рўмолча олиб югуриб келди:

– Намлаб босинг, оғриқни олади.

Бунақанги меҳрибончиликни кутмаганим учунми, нима қилишни билмай довдираб қолдим. Рўмолчани олаётиб кўлим унинг нозик бармоқларига тегиб кетди. Ҳаяжондан тутила-тутила «Раҳмат» дейишгагина қудрат топдим ўзимда. Дилдора югуриб хонасига қайтиб кетди.

Ётоққа кирдим: синфдошларим ҳайрат билан жим қараб туришибди. Мен ҳам индамадим.

Шу куни ширин хаёлларга берилиб, шифтга термилиб тун ўтказдим. Нима сабабдан менга рўмолча бериб меҳрибончилик кўрсатди экан, ё уям мени ёқтириб қолдимикан?... Шундай бўлса керак. Эртага рўмолчани қайтариб бериш баҳонаси билан яна гаплашаман...

* * *

– Тур, ҳалиям ётибсанми, ошқовоқ!

Тепамда ола калтагини, ўз таъбири билан айтганда «шайтонкалтаги»ни кўтариб бош тарбиячи Ўткир домла турарди. Ҳали бу таёқнинг зарбини татиб кўрмаган бўлсам-да, у ҳақдаги бир-биридан даҳшатли афсоналарни эшитишга улгургандим. Дик этиб ўрнимдан турдим.

Машқ, ювин-таран, эрталабки нонушта. Яна далага.

Чошгоҳгача дала шабнам ичида чўмилиб ётади.

Пахтанинг ҳар бир нафис толасида заррин қуёшчалар милт-милт этади. Шабнам кўтарилмагунча далага кириш йўқ. Бир соат уёқ-буёқни томоша қиламиз. Ажриқ, янтоқ, совун ўт ва ҳар тусдаги қиёқлар макон қурган қумтепалар томонга қараб кетаман. Нима дейсиз? Қизлар шийпонда, ўчоқбошида. Бўлмаса аллақачон Дилдоранинг олдида борган бўлардим...

Қумтепада ўтирибман. Чумолилар. Айримлари шунчаки уёқдан-буёққа юради, айримлари бисотини – майда дон-дун, чўпларни офтобшувовққа ёяди. Бир томонда қоралари, бир томонда сариқ-қизил тусдагилари. Кичкиналигимда тенгқурлар билан бирга шуларниям уриштирардик. Биттамыз у томон, биттамыз бу томон...

Қуёш аста кўтарилиб, кун қизий бошлади. Пайкалга оралаймиз, терим бошланади. Бир-иккита қиз ўз йигитлари билан четроқда теряпти. Мен ҳам белни маҳкам боғлаб, Дилдоранинг олдида жўнадим.

– Ҳорманг, Дилдора, – дедим яқин келгач.

– Саломат бўлинг.

Ёнидаги икки ўртоғи «Майли, бизга етиб оларсан, кеч колма», дея қулиб-қулиб олдинлаб кетди.

– Тушунган қизлар экан, – дедим нима гап гапиришни билмай.

– Чаккангиз оғримаяптими? – маънос тортиб деди Дилдора.

– Йўқ, раҳмат. Рўмолчангизни қўйганим заҳоти оғриши эсидан чиқиб қолди.

– Сизга, олаверинг. Чаккангиз оғриганда керак бўлади.

– Ие, ҳар куни чаккам оғримайди. Оғриққа қўшилиб эс-хушим ҳам учиб кетмаса бўлди.

Дилдоранинг юзлари лов-лов ёнди, киприклари пир-пир учди. Юпқа лаблари жуфтланиб менга нимадир демоқчи, эътироз билдирмоқчидай бўлди-ю, индамади. Шу пайт қизларни чақириб қолишди. Ўчоқбошида иш бор, шекилли.

Ёлғиз қолдим. Овозим яхши деб айтолмайман-у, лекин хиргойи қилиб тураман. Айниқса, ишлаганда. Чарчаганимни, зерикканимни сезмаслик учун. Ашулани баралла қўйиб пахта тераётгандим, кимдир номимни айтиб чақирди. Ўгирилдим, Салим келаётган эди. Кечаги олишув Салимда анчагина «чизгилар» қолдирган экан, лекин меникиям ундан кам эмас.

– Юр, гаплашадиган гап бор, – ярим дағдаға оҳангида сўз бошлади Чингизхон.

– Сўйла, эшитяпман.

– Бу ер тўғри келмайди, холироқ ерда гаплашамиз.

– Биров эшитиб қолади деб ўйлаяпсанми, сиригнни очавер, бировга айтмайман, – ҳазиллашган бўлдим.

– Тўғри, бу гап орамизда қолиши керак.

Нариги бўлакнинг бир бурчига бордик. Зирк жингиллари орасига яшириниб олиб, гоҳ-гоҳ мўралаб қўяётган читтакни ҳисобга олмаса, ҳеч ким йўқ.

– Мен сени билдим, мард бола экансан, – гап бошлади Салим. – Лекин бугунги ишни атайин қилдингми-йўқми, билмайман.

– Қайси ишни?

– Ана, истаган болангдан сўра, Дилдорани мен яхши кўраман...

– Яхши... – довдираб қолганимни сездирмаслик учун тезда сўзимни давом эттирдим. – Лекин менда айб йўқ, биродар. Дилдоранинг ўзи мени яхши кўради...

– Йўғ-э, ўзи айтдимми?

Салимининг кўзлари пирпирар, ғалати саросимага тушиб қолганди. Ярасига тузни қалинроқ сепишни хоҳлардим:

– Ишонмасанг, ўзидан сўра, севгимиз рамзи бўлсин деб исмимизнинг бош ҳарфини ёзиб рўмолча тикиб берди. Мана истасанг ўзинг кўр, – деб кеча Дилдора берган рўмолчани чўнтагимдан чиқардим.

Салимининг тили анча вақт калимага келмай қолди, ранги ўчди. Кўлимдаги рўмолчага ижирғаниб қаради-да, ҳеч нима демасдан келган йўлига қайтиб кета бошлади.

Мен уни руҳан мағлуб этганимдан ўзимда йўқ хурсанд эдим.

Эртасига Салимни кўрмадим.

Бир ҳафта ўтгач терим тугаб, ўқиш бошланди.

Кейин билсам, Салим ҳужжатларини олиб лицейдан кетибди. У пайтлари оғирроқ шарт-шароитга ўрганмаган, ота-онасининг папалаши натижасида «офтоб кўрмай» ўсган болалар қийинчиликка чидолмай ўқишни ташлаб кетарди. Чунки ётиш-туриш қатъий тартиб асосида, ўқимасанг лицей рўйхатидан осонгина ўчириб ташлашади. Менимча, Салим ундайлардан эмасди. Бошқа бирор сабаби бордир. Лекин ортиқ сўраб-суриштирмадим.

Келаси ҳафта Дилдора ҳам ўқишга келмади. Пахтадан қайтгач гаплашмоқчи бўлгандим, «Сиз билан гаплашадиган гапим йўқ», деди-да, ётоқхонасига кириб кетди. Устимдан бир челак совуқ сув қуйилгандек бўлди. Нима қилишимни билмай сўпайиб туриб қолдим. Гўё бу шармандачиликни ҳамма кўриб тургандай ўзимдан ўзим уялиб кетаман, вужудим ловуллаяди. Охири, аҳмоқ одам суймаганга суйкалади деган хулосага келдим, ётоқхонага кириб ўзимни каравотга отдим. Лекин уйқум келмади, қандайдир номаълум ҳис юрагимга оғир тошдай ботиб турарди.

Уч-тўрт кун Дилдорани кўрмагач ўзимга берган ваъдаларимни унутдим. Қизлар ўзи шунақа бўлади: баъзан яхши муомала қилади – севади деб ўйлайсан, баъзан эса яқинига йўлатмайди. Ўша кунни Дилдоранинг кайфияти йўқроқ эди, шекилли. Шунинг учун гаплашгисиям келмаган бўлса керак... Хуллас, шунга ўхшаш ўй-хаёллар билан ўзимни алдаб олдим.

Энг яқин ўртоғи бирор нарса билса керак деб, Муаттардан Дилдора ҳақида сўрадим. У ҳам аниқ бир гап айтмади, мазаси йўқ, шекилли, деб кўя қолди.

Орадан яна бир ҳафта ўтди. Нима бўлди экан? Муаттардан гап сўрайвериб безор қилдим. Унинг айтишича, Дилдоранинг соғлиғи яхши эмас экан, шунинг учун лицейдан бутунлай кетибди. Ҳозир шаҳарда, қайсидир қариндошиникида яшайпти экан. Сал бўлса ҳам калаванинг учини топгандай эдим, лекин Дилдорани ортидан суриштириб бормадим. «Нимага

келдинг, сен билан гаплашадиган гапим йўқ дегандим-ку!» деса нима қиламан? Яна «Қизлар ўзи шунақа бўлади...» деб минғирлаб қайтиб келавераманми? Йўқ, бунақаси кетмайди. Бир марта ўлиб бўлдим, кейингиси ортиқча.

Шундай қилиб, илк муҳаббатимни унутишга қарор қилдим. Лекин ўзимни овутишнинг чорасини тополмай қийналардим...

Бор-йўқ воқеалар – шу.

Одам баъзан битта тушни такрор-такрор кўриши мумкин. Балки сиздаям шундай бўлгандир, кичкиналикда бир хил ёки давомли тушларни кўриб турардим. Кеча Дилдорани учратган пайтим хира туман ичида қолган, энг қизик жойида узилган тушимнинг давомини кўраман деб ўйлаган эдим. Бироқ...

Мен бир пайтлар орзу қилган, кўнглимни аллалаган туйғулар сароб бўлиб чиқди. Тушида жуда катта бойликка эга бўлиб турганда уйғониб кетган камбағалдай дилимни ожизлик ва алам эгаллаб олди...

– Ўзгариб кетибсиз, – деб гап бошлади Дилдора салом-алиқдан сўнг. – Мендан хафадирсиз-а?

– Йўқ, нимага?

– Сизга хат қолдирган эдим-ку.

– Қанақа хат, мен ҳеч қанақа хатни кўрганим йўқ.

– Муаттар ҳеч нима бермаганмиди?

– Йўқ, ҳеч нима бермади, айтмадиям.

– Яхши қилган экан, ўша воқеалардан кейин бутун ғазабимни, аламимни қоғозга тўкиб солгандим.

– Тушунтириброқ гапиринг, ҳеч нарсага тушунмаяпман.

– Сиз Салимга Дилдора мени яхши кўради, исмимизни ёзиб рўмолча тикиб берди дебсиз. Мен ундай бўлгани йўқ деб қасам ичсам ҳам ишонмади, ўз кўзим билан кўрдим деб туриб олди. Биргина шу ёлғон гап учун ҳамма нарсадан воз кечиб кетди. Муҳаббатидан ҳам, мендан ҳам. Ахир, мен уни севардим...

Шу ерга келганда бутун вужудимга чумоли ўрмалагандай бўлди, юрагимнинг туб-тубида оғриқ турди, кейин бу оғриқ бошдан оёғимгача тарқади, ҳамма ёғим увушиб, кўз олдимни қоронғилик қоплади.

– Ўшанда сиздан ҳам, ўзимдан ҳам нафратланиб кетдим. Салим ўқишни ташлаб кетгач, мен ҳам у ерда ортиқ қолишни истамадим. Бутун хаёлимни банд қилган аламли саволлардан қочишга уриндим.

Салим билан ортиқ кўришмадик. Эшитишимча, ўқишни буткул ташлаб юборибди, Россияга бориб устачилик қилаётган экан.

Дилдорага бирор сўз деб жавоб қайтаролмадим, ўзимнинг дардим ўзимга етарди.

Эрталаб қатъий бир қарорга келдим. Бугун институтга бораман, қабул комиссиясига учраб, ҳужжатларимни қайтариб оламан. Сирли-сеҳрли тушлар ортиқ давом этишини истамайман.





Марям БОЗОРОВА

Ватан үгүн фидо бўлмоқ саодат

УМР ҚАРВОНИ

Умр қарвони шошилмай, секин,
Давом этар ўзин йўлида.
Сўнги бекат қаерда, лекин...
У ҳам сарбон – тақдир қўлида.

Бу қарвонга кимдир юклар нур,
Кимдир эса надомат, ҳасрат.
Сўнг манзилда улар ҳолин кўр,
Бириси – нур, бири – дуд, ҳайҳот!

СЕН КЕЛМАДИНГ


Шамол майин-майин елди,
Сойлар тўлиб, сувлар келди.
Сепин ёйиб баҳор қулди,
Сен келмадинг...

Келди яна қалдирғочлар,
Баргин ёзди қайрағочлар,
Толбаргаклар тақди сочлар,
Сен келмадинг...

Боғлар аро юрдим излаб,
Саболардан сўраб, сўзлаб,
Бўталардек бўзлаб-бўзлаб,
Сен келмадинг...

Сен келганда қишим ҳам ёз,
Ором олар қалбим бироз.
Ҳеч бўлмадинг менга ҳамроз,
Сен келмадинг...

Керак эмас баҳор сенсиз,
Юлдуз тўла осмон тубсиз.
Бўлса ҳамки дунё тенгсиз!
Сен келмадинг...



ЎТИНЧ

Бу сўзни айтмагин, шошмагин, жигар,
Бошимга осмонлар йиқилиб кетар!
Ҳаттоки, бу сўзни эшитса агар,
Самодан юлдузлар тўкилиб кетар!

У сўзни айтмагин, тўхтагин бир зум,
Юрагим чокидан кетар сўкилиб.
Эй фалак, қилмагин сен менга зулм,
Кетмасин юлдузлар кўкдан тўкилиб!

... онангиз тирик де!

ИРМОҚ БЎЛ

Омадлар орқангдан изма-из чопса,
Давралар сўзингдан гавҳарлар топса.
Дўстларинг улуғлик тўнини ёпса,
Мағрурланма, осмон бўлма, тупроқ бўл.

Бахту омад, нақдинг кетса қўлингдан,
Тиканаклар пайдо бўлса йўлингда.
Бута, алаф ўсса ўнгу сўлингда,
Чирмовуқмас, чинор узра япроқ бўл.

Ойсиз тунда оқу қора билинмас,
Юрак дема эл гамида тилинмас...
Савоб ши ҳам ҳавас учун қилинмас,
Адашганга йўл кўрсатар чироқ бўл.

Яхшилиқни ҳар кун қилгин, ҳар соат,
Эзгуликдир Аллоҳ севган ибодат.
Ватан учун фидо бўлмоқ саодат,
Дарёларни тўлдирувчи ирмоқ бўл!



Қозоқбой Йўлдош

ИСТЕЪДОД ВА ИРОДА

ИЛК УЧРАШУВ

Суратдаги тошиқиб кетган қалин қора сочлари бошига сиғмай, туташ қошлар тагидаги кўзларидан ўт чақнаб турган йўл-йўл кўйлакли деҳқонбичим йигитни, шундоққина кўшни туманларда яшаган бўлишимизга қарамай, олдин кўриш у ёқда турсин, эшитмаган ҳам эканман. Лекин алманахнинг илк бетидеги “Жийроним” деган шеърнинг номи ва унда акс этган туйғулар дилимга жуда таниш ҳамда яқин эди. У пайтлар ўзим ҳам худди шу шоир йигит каби тизгин билмас орзулар қанотида учиб, қачон, қайси кўналғада, қай йўсин кўним топишимни билмай юрардим. 1977 йилнинг кўкламида чиққан “Ёшлик” алманахнинг мен кўриб турган 2- сони Мусо Абдураззоқ деган сирдарёлик шоир йигитнинг сурати ва шеърлари билан очилган бўлиб, ундан шу вилоятлик уч нафар ёш ижодкорнинг асарлари ҳам жой олган экан.

Аниқ эсимда, аввало, ўша шеърнинг таъсири, сўнг шу алманахда ғазаллари чиққан жондай жигарим Хайрулла Сулаймоннинг дилбар битиклари баҳона “Ёшлик оҳанглари” номи билан олти қоғозлик тақриз ёздим. Мақола қурмағур уч ой интизор қила-қила, ҳар томондан чўқиланиб, муаллифнинг нима демоқчилигини англаб бўлмайдиган ҳолда “Сирдарё ҳақиқати”нинг 1977 йил 20 август сониде булбулнинг кўзидай бўлиб чиқди. Ундан аниқ тушунса бўладиган нарса уч ёш шоир ва мақола муаллифининг исми фамилияси эди. Нима бўлганда ҳам, мен Абдухолик

Абдураззоқ билан илк бор шундай учрашган ва унинг битиклари тўғрида шу тариқа ёзган эдим.

Кўринадики, кўпчилик ижодкорларнинг кўпчилик мухлислари каби мен ҳам шоир ва публицист, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” Абдухолик Абдураззоқнинг ўзини кўришдан, шахсиятини билишдан олдин шоир сифатида таниганман. Зеро, ижодкорнинг битгани ўзидан олдинроқ юради ва бу табиийдир. Орадан йигирма йиллар ўтгандан кейин ўзини кўрдим. Уни шахс сифатида бир қадар танишим учун эса яна беш-олти йил керак бўлди. Лекин ёзувчининг битиклари ҳеч қандай воситачиларсиз унинг табиатини тушунишимга калит бўлди.

Бугунги одам ижтимоий муносабатлар оғушида яшайди. Ҳақиқий ёзувчи фаол инсон ва ҳақиқатни айтишга масъул оидин сифатида ўз яратиларида ана шу муносабатларни акс эттиришга маҳкум. Бу жиҳат адиблар фикрига салмоқ, қарашларига эътибор, битикларига ижтимоий-маърифий юк бағишлайди. Истеъдодли шоир ва журналист Абдухолик Абдураззоқ шоирнинг публицистикаси публицистнинг шеърлари билан биргаликда келган “**Куздаги кўклам**” китобиде бир ўзбек ойдинининг ҳаёт йўли мисолида миллатнинг кечаси, бугуни ҳамда эртаси ҳақидаги кузатиш ва ўйларларини баён этган. Китобга ўзи, юрти ва юртдошларининг ижтимоий ўрни ҳақида фикрлайдиган одамнинг ўзига хос бир ҳисоботи, босиб ўтилган тириклик йўли ҳақидаги ўйлари



тарзида тартиб берилган. Асарнинг архитектуроникаси шунга мувофиқ қурилгани унинг ўқишли бўлишини таъминлаган.

Китобни истиқолда яшаётган, уни мустаҳкамлаш ҳақда тинимсиз ўйлаётган кишининг дил изҳорлари дейиш мумкин. Муаллиф бугунга қуруқ маддоҳлик қилмагани каби, кечаги кунни ҳам ёппасига инкор қилиш йўлини тутмайди. У эгаманлик туйғусининг бир одам, бир авлод, бир миллат қалбида қандай пайдо бўлиб улғайгани, қай тарзда реалликка айлагани ва у бераётган меваларни ўз ҳаёти мисолида кўрсатишга ҳаракат қилган.

Маълумки, ҳар қандай ёзувчи қачон, ким тўғрисида қалам сурмасин, аслида ўзини ёзади. “Куздаги кўклам” китобида ҳам муаллифнинг болалик, талабалик, йигитлик чоғларида кўрган-кечирганлари бугуннинг фонида жонли тасвирлангани учун кўпчилликка қизиқ ҳамда ўқишли чиққан. Чунки бу битикларда юрт аҳлининг тақдири бир киши ҳаёти мисолида кўрсатилгани каби бир киши қисматига юрт тақдири қандай тамға босгани ҳам акс этади. Китобга кирган барча битиклар муаллифнинг ўзига хос шахсияти ва ёрқин истеъдодидан далолат беради.

ИСТЕЪДОД

Шоир Мусо Абдураззоқ ва публицист Абдуҳолик Абдураззоқни яқиндан таниганим ва бир қадар билганим натижасида у ғоят истеъдодли одам деган тўхтама келдим. Унинг истеъдоди ҳаётининг босқичлари бўлмиш: ўқувчилиги, талабалиги, шоирлиги, журналистлиги, раҳбарлиги, оталиги ва ҳатто... улфатлиги каби кўп жиҳатларда намоён бўлади.

Абдуҳолик мактабни олтин медал билан битирган. Журфакнинг кундузги бўлимига киргунча, ўзбек филологияси факултетининг сиртки, медицина институтининг кундузги, журналистика факултетининг сиртки бўлимларига қайта-қайта ўқишга кирган ва азалий орзусига эришмагунча, яъни шоирлар тайёрлайдиган журналистика факултетининг кундузги бўлимига кирмагунча, уринишлардан чарчамаган.

Унинг шоирлик истеъдоди “Куздаги кўклам” ва “Сиз отамни танийсиз” китобларига кирган шеърларида яққол кўринади. Унинг публицистик иқтидори ҳам шу китоблардан жой олган мақолаларда акс этади. Бундан икки-уч йил олдин таниқли ёзувчи Абдусайд Кўчим “Эл сув ичган дарёлар” отлиғ янги китобига сўзбоши зарурлигини айтиб, кимга ёздирганим тузук, деб сўраб қолди. Мен: “Абдуҳолик акага айтиб кўрсак-чи?” – деб гапнинг чини бироз чўчидим. Сабаби, билардимки, яхши сўзбоши китобнинг даражасини кўтаргани каби, унча чиқмаган сўзбоши уни тушириб юбориши ҳам мумкин. Бунинг устига, вақт масаласи ҳам доимгидай тигиз. А. Абдураззоқ томонидан бир ҳафтага етар-етмас вақт ичида ёзилган сўзбоши Абдусайд Кўчимнинг китобини нурлантириб юборганига ҳаммамиз ҳам қойил қолдик.

Иккинчи воқеа, шу йилнинг февралда ҳазрат Алишер Навоий туғилган кун муносабати билан ўтказилган тантаналарда қатнашиш учун Омон Мухтор, Абдуҳолик Абдураззоқ учовмиз Сирдарёга борганда юз берди. Вилоят театрида ўтказилган тантанали йиғиндан сўнг

А. Абдураззоқ Сайхунобод ва Гулистон туманларида кўчат экиш қандай бораётганлиги билан қизиқди. Бизни ҳам эргаштириб, бу икки тумандаги уч-тўрт қишлоққа, бир неча мактаб ва коллежга, бир қанча одамларнинг уйларига кирди. Сафардан ҳориб-чарчаб, ярим кечаси қайтдик.

Кўнглимдан шу ишларни бирорта муҳбирига топширсан бўларди-ку, деганга ўхшаш ўй ҳам ўтди. Ўша куни сешанба эди. “Ишонч” газетасининг пайшанба сонисида эса Мирзачўлни боғ-роққа айлантириш ва вилоят ҳаётига доир бир қатор долзарб масалалар кўтариб чиқилган икки бетлик жуда қизиқарли мақола чоп этилди. Орада ярим кунгина вақт бор эди, холос. Чуқур таҳлилларга тўла шундай керакли ва қизиқарли мақолани қисқа вақт ичида ёза билиш учун истеъдод керак бўлади одамга...

ИРОДА

Лекин, агар кишида ирода ва қатъият бўлмаса, ҳар қандай истеъдод ишга солинмай қолиб кетавериши ҳам мумкин бўлган шунчаки бир имкониятдир. Абдуҳолик Абдураззоқ имконият сифатида берилган истеъдод оловини ўчирмай, алангалатишга ўзида куч, қатъият ва ирода топа билган шахсдир. Ирода ва қатъият олти ёшга ҳам тўлмай мактабга борган, шу боис номи журналга тиркалмаган болакайнинг яхши ўқиб кетиши ва ўқув йили охирига бориб, журналга ёзилишига сабаб бўлди. Айни шу қатъият ва ирода тўртинчи синфни битирган, лекин ҳали ўн ёшга ҳам кирмаган болакайнинг ўзлари яшаётган Фармонқўрғондан етти чақирим наридаги мактабга гоҳ яёв, гоҳ велосипедда қатнаб сабоқ олишини таъминлади. Худди шу сифатлар олтинчи синфга ўтган ўсмирга ота-она бағридан узилиб чиқиб, Боёвут туманига қарашли “Тараққиёт” қишлоғидаги ётоқмактаб (интернатмактаб)да ётиб ўқишга куч берди.

Абдуҳолик ҳам ҳамма болаларга ўхшаган бола эди. Айни вақтда ҳаммага ўхшамасди ҳам. Чунончи, кўпчилик болалар бир нарсага берилса, болалигига бориб, бутун дунёни унутиб қўярди. Унинг эса болалиқдан вақти қатъий тақсимланганди. Дарс қиладиган вақт келиши билан у ҳамма нарсани, ҳатто, ўйинни ҳам йиғиштириб, дарс тайёрлашга ўтирар, бошқа ҳар қандай юмуш иккинчи даражали ҳисобланар ва кутиб турарди. Болалиқдан шаклланган мана шу интизом ва қатъият Абдуҳоликка бир умр йўлдош ҳамда унинг ҳаётдаги барча зафарларига асосий омил бўлди.

Республиканинг турли жойларидан келган чўлқуварларнинг болаларига мўлжаллаб очилган “Тараққиёт” қишлоғидаги ётоқмактаб шуниси билан эътибор қозонгандики, унга Тошкент олий мактабларини эндигина битирган ёш муаллимлар жўнатиларди. Уларнинг чуқур билими, бошкентда ўқиган ёшларга хос дунёқараш ва ҳаётбахш жўшқинликлари ўқувчилар шахсияти шаклланишига жиддий таъсир кўрсатарди. Абдуҳолик 6-8-синфларни шу ерда ўқиди. Ётоқмактабнинг ёнгинасидаги оддий мактабда, ундан уч синф юқорида бўлажак улкан шоира Ҳалима Худойбердиева ўқирди. Вилоят газеталарида шеърлари чиқиб турадиган бу қиз ўқувчилар орасида жуда машҳур эди. Ётоқмактабда ишлайдиган қўшқандлик шоиртабиат Мирзабек муал-

лим ёш қаламкашлар тўғарагини ташкил этган ва унга Ҳалима ҳам қатнашар, кичкина Абдухолиқ эса, шу тўғаракнинг фаолларидан эди.

А. Абдураззоқ ётоқмактабнинг 8- синфини битирган пайтга келиб, ўзларининг қишлоғи Фармонқўрғонда ўрта мактаб очилди. Йигитчадаги ирода ва қатъият шу билим масканини олтин медал билан битиришга омил бўлди. Суюкли муаллими Олимжон акадан ўтган билимга чанқоқлик, Тошбой ўтинчидан кўчган китобга муҳаббат, онасидан юққан кўркам сўзга ошуфталик каби сифатлар йигит табиатидаги қатъият ва ирода туфайли сайқал топиб борди ҳамда Абдухолиқнинг шахсиятига жозиба, инсоний тақдирга эса маъно бағишлади. У шоир бўлмоқчи эди ва бунинг учун, ўша пайтдаги тушунчасига кўра, албатта, журфакда ўқишим керак деб ўйларди. Ҳали ўсмирлигида “Ленин учкуни” газетасида шеъри чиққанди. Мақолалар ҳам ёзиб турарди. Лекин умри турли қишлоқлардаги турли мактабларга сочилган йигитчанинг мақолалари журфакка киришга етадиган даражада кўп эмасди. Шу боис ўрта мактабни битирган 1967 йилда унинг ҳужжатларини ТошДУнинг журфагига олишмади. Негаки, журфакка ҳужжат топшириш учун олтига мақола керак бўлиб, уники тўрттагина эди. Шу боис Абдухолиқ ўзбек филологияси факултетига ҳужжат топширди. Имтиҳонларнинг иккитасидан “беш”, иккитасидан “тўрт” олсада, тожикистонлик бўлгани учун кундузги бўлимга ўтолмади, сиртқиқа қабул қилинди. Уларнинг қишлоғи Тожикистонга ўтказиб юборилган экан. У диплом эмас, билим олмоқчи эди. Шу боис фақат кундузги бўлимда ўқишга интиларди.

Кейинги йили Тожикистонда ўқимоқчи бўлди. Ҳужжатларини тайёрлаб, Душанбе шахрига борди. У ерда математикадан Москва давлат университетига иккита одам қабул қилиниши тўғрисидаги эълонга тасодифан кўзи тушиб қолди. Мактабни олтин медалга битирган романтик йигитчанинг энди Москвада ўқигиси келиб қолди. МДУга қабул имтиҳонлари 25 июлда тугайди, мабодо, у ерга ўтолмасам ҳам, бошқасига топширишга улгураман деб ҳам ўйлади. Опаси Шарофат унинг энг яқин маслаҳатчиси эди. Душанбедан қишлоғига телефон қилди. Почтадаги камутаторлар Шарофатни уйдан айтиб келишди. Ини Москвага кетсам маъқул бўлармикин, деганга ўхшаш гап қилди. Ундан икки ёшгина катта бўлсада, жуда мулоҳазали опа: “Ўзинг кунини зўрға кўраётган сувчининг ўғли бўлсанг, Москвада қандай ўқийсан, ейиш-ичишинг, кийиминг нима бўлади?” – деди.

Абдухолиқ қатъиятли ва қайсар эди, аммо жўяли гапни тан олишга ўзида куч топди. Шундай қилиб, у ҳужжатни медицина институтига топширди. Медали бўлгани учун битта имтиҳондан ўтиши керак эди. Ўша битта имтиҳон у азалдан энг яхши биладиган, ҳар қандай мураккаб масалаларни кўз очиб-юмгунча ишлаб ташлайдиган физика фанидан экан. Ўзига тушган чиптадаги иккита саволни ҳам яхши биларди, масалани-ку ўйланиб ҳам ўтирмай, бирпасда ечиб қўйди. Абдухолиқ: “Тайёрман!” – дегач, имтиҳон олаётган домлалар унинг олдига келишди. Улардан бирни йигитнинг қўлидаги масала ва мисоллар ишланган қоғозга кўз ташлаб, қувониб кетди:

– Ие, жуда зўр-ку, чиройли ишлабсан. Медалиниг борми? – деди.

– Ҳа! – жавоб берди Абдухолиқ.

Имтиҳончи домла комиссия раисини чақиртирди. Раис келиб, Ернинг Ойга таъсири нимага тенглиги тўғрисида савол берди. Абдухолиқ бироз ўйланиб туриб, агар 90 градусли бурчак остида бўлса, нолга тенг бўлишини айтди. Раис имтиҳон варағига шартта “5” баҳо қўйиб:

– Табриклайман, сиз ўқишга кирдингиз, – деди.

Шу тариқа Абдухолиқ Душанбе мединститути талабасига айланди. Медицина институтларида му- тахассислик фанлари фақат рус тилида ўтилар, биргина тарих фани ўзбекча ўқитиларди. Биринчи семестрни аълочилар сафида битирди. Лекин ичи қизиб кетарди. Ўзбекча сўзлашгиси келарди. Тилни соғинарди. Шеър ёзгиси, ўқигиси, эшитгиси келарди. Иккинчи ярим йилга келиб, ўқишдан совиди. Шунга қарамай, биринчи курсни яхши битирди.

Яхши битирди-ю, курсдошлари таътилга кетиш- ганда, у ҳеч ким билан маслаҳат ҳам қилиб ўтирмай, ҳужжатларини қайтариб олиб, Тошкентга, орзуси бўл- миш журфакка жўнади. Имтиҳонлардан яна иккита “беш” ва иккита “тўрт” олди. Мандат бўлай деб турганда опаси Шарофатнинг ўлими ҳақида хабар келиб қолди. Ҳеч нарсага қарамай, қишлоғига йўл олди. Опасини тупроққа топшириб қайтиб келса, мандат ўтиб бўл- ган экан. Олган баҳоларига қараб, уни сиртқиқа қа- бул қилишди. Ўқишга кирганлиги тўғрисидаги маълумотнома билан Боёвут туман газетасига адабий ходим бўлиб ишга жойлашди.

Шу йилнинг кузида ҳарбий хизматга чақирилди. Бир вақтлар медицина институтида ўқигани учун ик- ки йил давомида Қозоғистон чўллари ва Мурманск ўрмонларида санинструктор бўлиб хизмат қилди. Хиз- матни битириб, тўғри Боёвутга “Ленин йўли” газетаси редакциясига келса, ўзи ишлаган адабий ходимлик ўрни банд, масъул котиблик бўш экан. Ҳарбийда чи- ниққан қатъиятли йигит масъулиятидан кўрқиб ўтир- май, масъул котиб сифатида ишга тушиб кетди.

1972 йилнинг ёзида сиртқидаги ҳужжатларини қай- тариболиб, яна журфакнинг кундузги бўлимига топширди. Ҳужжатини қабул қилаётган дўмбоққина домла: “Ҳой йигит, масъул котиб экансиз, кундуз ўқиб нима қиласиз? Битирганингиздан сўнг масъул котиб бўласизми-йўқми, Худо билади”, – деди. “Мен билим олмоқчиман, домла. Катта мўлжалларим бор. Уларга етишим керак”, – жавоб қилди Абдухолиқ. Йигит яна ўзининг доимий баҳолари: иккита “5”, иккита “4”ни олди. Лекин энди у ҳарбий хизматни ўтаб келган одам сифатида журфакнинг кундузги бўлимига қабул қилинди. Йигитнинг букилмас қатъияти уни, ниҳоят, орзусига етказди. Бу вақтда Абдухолиқнинг тенгдошлари аллақачон институтларни битириб, ишга ҳам жойлашиб бўлишганди.

Журфакда ўқиш билан бирга радиода ишлай бошлади. Битиргач, Сирдарёга кетди. Бу орада ота- дан ажралишган, оила амакилар ёнига, Сирдарё ви- лоятига кўчиб келганди. Боёвут туман газетасида, йил ўтмай, Жиззах вилоят радиосида ишлади. Юрт кезди, чўлқуварларни ўрганди. Ажойиб кунларнинг бирида Республика радиосининг қишлоқ хўжалиги бўлими мудири Ортиқбой Тиловбердиев “Бизга келинг, сизбоп иш бор”, – деб қолди. Боёвутдан Жиззахга қатнаб ишлаётган йигит йўлни Тошкентга бурди.

Мустақиллик арафасида юртимизда Президентлик бошқаруви жорий этилгач, фидойи мутахассисларга эҳтиёж пайдо бўлди. А. Абдураззоқ Президент девонига ишга қақирилди. Сўнг республика прокуратураси қошидаги “Хуқуқ” газетаси ва “Қонун ҳимоясида” журнаliga асос солиб, қатор йиллар бу қўшалок нашрни бошқарди. Кейинчалик республика касаба уюшмалари федерацияси муассислигидаги “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталарига Бош муҳаррир бўлиб ўтди. Мана беш мучал кечди ҳамки, хаёлига адоқсиз режалар, қўлига қалам, руҳига қатъият ва ирода ёр.

ТУЙҒУЛАР ЁЛҚИНИ

Шахсиятидаги ўзига хослик ижодига ҳам кўчгани учун Абдухолик Абдураззоқнинг шеърлари ифода йўсини ва туйғулар самимияти билан кўнгилни ром этади. Уларда муаллифнинг поэтик иқтидори ёрқин намоён бўлган дейиш мумкин. Китобдаги **“Қалбинг яшнатмаса райхоннинг исси, Дардкашлик келмайди сенинг қўлингдан”, “Паришон ҳаётга исёнми чора?! Оловли вужудга чорамни заврон?”** сингари мисралар муаллифнинг оламни шеърини идрок этиш салоҳияти нечоғлик эканидан далолатдир. У шеърларидан бирида: **“Юрагимда соғинч отлиғ дарё оқар”,** – дейди. Соғинчдай мавҳум туйғуни шу қадар маҳорат билан моддийлаштира олиш учун кишида тийрак поэтик назар бўлиши зарур.

Абдухолик Абдураззоқнинг шеърини иқтидори, айниқса, **“Ҳавас қилиб ой тутарди жом, Тўкиларди ундан нур – бода”, “Ойнинг ипак нурларидан Сенга сиртмоқ ясарман. Саодатли бир кунингда шу сиртмоққа осарман”, “Олажомим, айрилиқнинг айрисига осилай”, “Қуллик тирик қолса, Мен ўлдим”** сингари поэтик кашфиётларида тўлиқ намоён бўлган. Абдухолик Абдураззоқ бир шеърда : **“Йилларга йўл билан қайта билмадим, Фақат хотиралар унга қайтарди”,** – дейди. Чиндан ҳам одамзот кечаги куни ва ажодлари билан фақат хотиралар орқалигина боғланади. Хотирасиз киши инсонлик қиёфасидан маҳрум бўлгани каби кечаги кунини ўйламаган кимса эртанги куни қандай бўлиши тўғрисида бош қотиришга ҳам қодир эмас. Демак, келажаги – қоронғу. Шу маънода А. Абдураззоқнинг асарларини кечаги кун юксакликларидан эртанинг контурларини белгилаш йўлидаги қадамлар дейиш мумкин.

Маълумки, миллий шеърятимизда инсон умрини йил фаслларига ўхшатиб аташ тажрибаси бор. Шундан улги олиб бўлса керак, Абдухолик Абдураззоқ ҳам ўз умрининг эллигинчи довонини, шоирона тарзда, кузга, унинг истиқлолдан кейинги яшноқ йилларини эса, куз ўрнига келган кўкламга қиёс қилади ва бир китобини “Куздаги кўклам” деб номлайди. Ўз тириклигини миллат ҳаётидан айри кўрмаган шахснинг тазарру ва бадий иқдорлари миллат аҳли учун ҳам қизиқарлидир. Ушбу китобга кирган битиклар чиндан ҳам инсоний умрининг кузида ижтимоий кўкламга дуч келган одамнинг кўнгил бўстонида очилган чечаклардир. Умид борки, бу чечаклар ифори ўқирманни узоқ вақт тарк этмагай.

Публицистикада икки жиҳат бор: у адабиётга журналистик хусусият, журналистикага эса бадийлик сифати бағишлай олади. Шунинг учун яқингача ҳам

публицистика журналистика билан адабиётга бирдай тегишли саналар эди. Зеро, бадий адабиётга деярли ҳаммиша ижтимоий юк ортилганидан у, табиий равишда, публицистик йўналишга ҳам эга бўлади. Энг қадим замонларда пайдо бўлган эртагу қўшиқлар ҳам шунчаки бадий таъбни қондиришдан кўра, ижодкор инсоннинг дардини бўлишиш ниятида яратилган. Очиқ-ошқора тарғибий йўналишдаги «Қисаси Рабғузий», «Иброҳим Адҳам», «Шоҳ Машраб» каби битиклар-ку аслан публицистикага ёвуқдир. Маърифатчилар, айниқса, жадидларнинг асарлари, аввало, публицистик руҳи билан эътиборни тортарди.

Кейинги йигирма йил ичида азалдан адабиёт билан журналистикани бир-бирига боғлаб турадиган публицистика адабиётдан бир қадар йироқлашиб, унга соф журналистик жанр сифатида қараладиган бўлди. Маълумки, шўро адабиётига синфий тарафкашлик хос эди. Шўро мафкураси ҳар қандай асарнинг очиқ публицистик йўналишда бўлишини талаб этарди. Мафкуравий адабиёт алоҳида бир одамнинг руҳиятини туймоқчи бўлган ўқувчига яланғоч ижтимоий ғояни тикиштирар, бадийдан кўра сиёсий-публицистик руҳнинг кучли бўлиши ана шу талабнинг натижаси эди. Бу ҳол ўқирманни публицистикадан бездириб, одамларни ижтимоий йўналишдаги битикларни ўқимайдиган қилиб қўйганди. Шу тариқа публицистика бадий адабиётдан йироқлашиб, соф журналистик жанрга айланиб борди. Аммо ҳар қандай ҳодисанинг асл баҳосини берадиган ҳакам бўлмиш вақт бугуннинг одами ҳам ижтимоий ёндашувни кўмсаб қолишини кўрсатди ва публицистик битиклар аста-секинлик билан яна бадийлик хусусиятларини касб этиб бормоқда. Негаки, одамнинг асл туйғулари ижтимоий муаммо-муносабатлар оғушида ҳам яққол намоён бўлиши мумкинлиги англаб етилди.

Абдухолик Абдураззоқнинг **«Сиз отамни таний-сиз»** номли китоби бадийлик белгиларига эга бўлган ана шундай янги мақоланависликнинг намунаси бўлди. Гап ушбу асардаги ҳар бир мақола, халқ достонларидаги каби шеър билан бирга келганидагина эмас. Гарчи, бундай тасвирий услубни шакллантириш ўз ҳолича ҳам катта аҳамият касб этади. Бу ўринда асосий гап муаллифнинг ижтимоий ҳодисалар замиридаги эстетик моҳиятни тўғри топа олгани ва бадий таъсирли ифода эта билганидир. А. Абдураззоқ публицистик асарларининг ё боши, ё охири, ёки ўртасида, албатта, шеър келади. Бу ҳол мақолаларга ўзгача жозиба бахш этади. Шеърлар мақолалардаги фикрий тўлғамларга ҳиссий тус бериб, тасвирга ранг киритади. Айрим ҳолатларда шеърини мисралар ҳикмат каби жанрлайди. «Ватан менимдир» мақоласидаги **«Йўллар қурган йўлда қолмас»** мисраси ифодани қақирик эмас, кўнгил изҳорига айлантиради.

«Она ватан, онажон Ватан» мақоласида юртга кўр-кўрона ва мутаасибларча фидойилик ҳали чин муҳаббат эмаслиги, уни чинакамига севиш учун билиш зарурлиги, ватанга манқуртнинг содиқлигидан унинг ўтмиши ва ҳозирини биладиган онгли фуқаронинг севгиси бир неча баравар юксак экани таъсирли йўсинда баён этилади.

Битикларига жозиба бахш этиш учун муаллиф мақолаларда таъсирли образлар, эса қоладиган сифатлашлар қўллайди. «Тилак» мақоласидаги: **«Ёнил-**

ғи-энергия мустақиллигидан, автомобилсозлик, машинасозлик мустақиллигидан фикр, тафаккур мустақиллиги сари улкан эврилиш юз бермоқда» тарзидаги фикр публицистнинг ниятини ёдда қоладиган тарзда ифодалаш намунасидир. Унда миллатнинг иқтисоди, руҳияти ва ижтимоий тафаккурида юз бераётган ўзгаришлар нозик илғаб олинган ҳамда таъсирли акс эттирилган.

Ҳар қандай публицистик асарга қўйиладиган асосий талаб унда муаллиф ниятининг очиқ ва тушунарли акс этишидир. Мақолада муаллифнинг мақсади тўла тушунарли бўлиши, ўзгача талқинга имкон бермаслиги керак. Соф бадий асар ўқувчи томонидан истаганча талқин қилиниши мумкин. Аммо публицист ўқирманга ўз нуқтаи назарини ўтказиши шарт. Зотан, публицистик асар шу ниятда ёзилади. Абдухолик Абдураззоқ кўпгина мақолаларида китобхонга ўз позициясини ўтказишга эришади. Кўпчилик публицистлар «халқнинг тили учидан турган» гапни халқнинг номидан гапиришга уринишади. Ҳолбуки, уларга халқ номидан гапириш ваколати берилган эмас. Абдухолик оғанинг мақоланавис ёзувчи сифатидаги ўзига хослиги шундаки, у ўз кўнглини безовта қилган нарса-ҳодисалар тўғрисида, фақат ўзининг номидан ёзади. Аммо даврининг илғор одами, миллатнинг ойдини сифатида унинг кўнгли халқиники билан пайваста бўлиб кетади.

Шунинг учун ҳам «Мустақиллик одимлари» мақоласида юртимизда қурилаётган йўлларнинг аҳамиятини тасвирлаган, **«Қадим йўлга оёқ чўзса илдизлар, Қалб осмонга бошин тираб йўл излар»** мисралари ўқирман юрагига эгаманлик туйғуларидан тўлиққан шахс кўнглининг чин изҳори ўлароқ таъсир қилади. Бу сатрлардаги поэтик образлар кутилмаган теранлиги билан китобхон шуурини ром қилади. Янги қурилаётган темир йўл худди илдиздай бўлиб томир ёймоқда, лекин у шунчаки ерга эмас, балки «қадим йўлга оёқ чўзмоқ»да, чунки миллат узоқ ўтмишда ҳам ўз йўлига эга бўлиб келган. Ўтмишдаги шоннинг тикланиши муаллиф қалбини осмон қадар юксалтиб, бошини кўкка тираш имконини беради.

Ҳамиша баҳс руҳига эгалик ҳам публицистик асарларга хос жиҳатдир. Публицист доим қандайдир муҳолиф билан тортишаётган йўсинда қалам суради. Бу ижодкорнинг сунъий тарафкашлиги туфайли эмас, балки жанрнинг талабидир. Публицист ҳолис бўлолмайди. У ниманидир ёқлаб, нима ёхуд кимгадир қарши туришга мажбур. Шунинг учун ҳам А. Абдураззоқнинг нафақат ҳар бир мақоласи, балки кўпчилик шеърларида қандайдир оппонент билан баҳслашиш, унинг қарашларини рад этишга уриниш бор. Кўп ўринларда муаллиф ўқувчини ўз фикрига ишонтириб, уни ўзига тарафдор қилиб олади, яъни баҳсни ўз фойдасига ҳал этади.

Чунончи, Абдухолик Абдураззоқ «Ўзбекистонни тинч қўйинг» мақоласида қамровни кенгроқ олиб, четдан туриб юртимизга тош отаётган, тухмат қилаётган муҳолифлар билан баҳсга киришади. Журналистика назариётчиси Д. Рэндаллнинг: «Ёмон журналистика воқеаларни ноҳолислик билан бирон-бир қора ниятни кўзлаб» ёритиши борасидаги қарашига таяниб: **«Дунёнинг ҳамма нуқталарида виждон журналистикаси учун эшиклар кенг очиб қўйилади деб ишо-**

намиз», – дейди. У «виждон журналистикаси» атамаси билан журналистик фаолиятнинг маънавий жиҳати борасида янги тушунчани истеъмолга киритди. Мақола сўнгида келтирилган шеърнинг

*Дунё жуда торайиб қолган,
Ҳеч қаерга сиғмайсан бугун.
Кенгфёллигинг қайга йўқолган?
Юрагингда юракдай тугун.*

сатрлари Ўзбекистоннинг ютуғини кўролмайдиган ноҳоли кимсаларга берилган кескин саволдай янграйди.

Муаллиф «Ният» мақоласини **«Зангор қирларда бир тўп бола варрак учирмоқда. Уларнинг шўхликлари осмонга сиғмайди. Уларнинг қувончи ҳатто осмонни ҳам гуллатиб юборган»** тарзидаги шоирона тасвир билан бошлайди. Бундай сокин ва жозибали муқаддимадан сўнг гапнинг Андижон воқеаларига кўчиши ифода маромининг ўзи билан долғали кўнглисликнинг бутун кўламини ўқувчига сездиради.

«Ҳуқуқий тафаккур кўклами» мақоласида ҳар бир фуқаро ўз эркини ўзи қозонишга ўрганиши лозимлиги йиғилишда сўзга чиқиб, туман катталарини муаммони ҳал қилишга мажбур этган аёл мисолида жуда таъсирли акс эттирилган. «Ҳаёт» мақоласида эса муаллиф ахборот глобаллашган замонда мамлакат чегараларидан ёт ва зарарли ғояларни ўтказмаслик қийинлигини қайд этар экан, **«Кўнгли чегараларини мустаҳкамлаш»**га чақиради. Мақолада у биқикликка даъват этмайди, лекин ўзликни англаш ҳамда қадимий миллий қадриятларга таяниш ёт ғоя ва қадриятлардан сақланишнинг энг самарали йўли эканини таъкидлайди.

А. Абдураззоқнинг публицистик услубига хос асосий жиҳат шундаки, у мақолаларида турли ҳодиса ва ҳолатларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, ўзаро чоғиштириб тасвирлайди. Ҳар қандай одам ва ҳодиса моҳияти солиштирилганда ёрқин очилишига ишонган муаллиф тасвирда шу усулдан унумли фойдаланади.

Китоб бежизга «Сиз отамни танийсиз» деб номланмаган. Маълумки, ўзбекда отанинг мақоми юксак, масъулияти улкан. Бизда отанинг кимлиги ва қандайлиги, кўпинча, бола келажagini белгилайди, тақдирини тайин этади. Муаллиф назарида, отанинг қандайлиги нафақат оиланинг, балки бутун жамиятнинг қиёфасини белгилайди. Тўпламдан жой олган ҳар бир мақолада отанинг бола шахси ва жамият олдидаги бурч ва мажбуриятлари ҳақида мулоҳаза юритилади. Улар шунчаки мулоҳазалар эмас, балки синчков ёзувчининг катта-кичик ҳаётий лавҳалардан чиқарган хулосаларидир.

«Ота ибрати ҳақида сўз» мақоласида оғир касалга йўлиққан ўғлига жонини бахшида қилиб шам каби сўнган йигит ёшидаги Бобур ҳамда ўт ичида қолган уйдаги қизини қутқараман деб ёниб кетган замондошимиз билан ширинлик Абдужаббор ҳожи ва очунга машҳур қамайлик профессор Жуманазар Бекназарлар ўртасида ўхшашлик кўради. Гарчи, кейинги икки шахс фавқулодда қаҳрамонлик қилмаган бўлсаларда, уларнинг чин оталарча одамий тутумлари болалари учун намуна мактаби бўлгани жуда ишонарли кўрсатилади.

Синчков нигоҳга эга муаллиф кичик тафсилдан катта маъно топа олади. Номии китобга чиқарилган мақоласида ёзувчи суҳбатдошига фахр билан: «Сиз отамни танийсиз», – деб айта оладиган одам билан бировга бундай деёлмайдиган фарзанд руҳий ҳолатини солиштириш асносида бугунги ўзбек ҳаётидаги улкан бир муаммо – оилада оталарнинг мавқеи пасайиб, ҳатто, йўқолиб бораётганига эътибор қаратади.

Абдуҳолик Абдураззоқнинг мақолаларида ҳиссийлик кучли. Бу табиий ҳам. Чунки публицист ўқувчини ўз фикрига ишонтириш, позициясига оғдириш учун унинг нафақат тафаккури, балки туйғуларига ҳам таъсир кўрсатиши керак. «Сиз отамни танийсиз» мақоласидан кейин берилган ва муаллифнинг ўз отасига бағишланган шеър ҳиссиётнинг кучли ифодаси бўлганлиги билан ёдда қолади. Шоир шеърда отанинг ўзига эмас, балки у яратган анорзорга мурожаат қилиб, кўнглини бўшатади:

*Эй анорзор, боғбонинг қани?
Излаб келдим атай кўрғани.
Ўксик кўнглим борар ўртаниб,
Эй анорзор, боғбонинг қани?*

Шоир образли фикрлайди. Шу боис ота яратган анорзорда кезиниб, оғочларга қилган: «**Туятишлар, қорақайинлар, Шохи тикон, бағри майинлар**», – мурожаатида ҳам анорга хос энг муҳим жиҳатлар, ҳам отанинг соҳибкорлиги акс этган. Тасвирнинг самимияти шеърий мурожаатнинг айрим ўринларини поэтик муножот даражасига чиқаради:

*Дунё асли мункиллаган чол,
Излари – гул, манзили – завол.
Ҳар бир дарахт – жавобсиз савол,
Оҳ, анорзор, боғбонинг қани?*

Бу сатрлар ифода эмоционаллиги, ҳар бир поэтик образ ва ташбеҳнинг ўринли қўлланилганлиги, ҳар бир тасвирга салмоқли бадиий юк ортилганлиги билан эътиборни тортади. Ҳатто, «эй» ундовининг «оҳ»га айланишида ҳам поэтик маъно борлиги муаллифнинг шоирлик истеъдодини кўрсатади.

«Дивандаги эр» мақоласида жонининг тинчини ўйлаб, эркаклик ори, йигитлик шаънидан кечиб, хотинига боқиманда бўлиб ўтирган, болалар таъминоти ва тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйган кимсалар ҳақида алам билан қалам сурилади. Ўғил болаларда йигитлик, эркаклик, эрлик туйғуларини шакллантириш учун мактабда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, эркак ўқитувчиларни кўпайтириш, ҳарбий хизматни миллий менталитетга мувофиқ ташкил этиш каби муаммолар кўтарилади.

Муаллиф аксар мақолаларида ҳикмат билан сўзлайди. Чунончи, «Прагматиклар даври» мақоласида ёзади: «...**ҳадеб ёзгиравериш кишини мускин ва**

ҳокисоргина эмас, балки аламзада ва баттолга айлантириши ҳеч гап эмас», – дейди. Сўнг ўз фикрини: «**Зеро, мускинлик инсон қонигаги шиддат ва ғайратни қирқади. Аламзада одам феълда эса ўр-қирни билмайдиган бетизгин сел ёки ваҳший ҳайвоннинг телба тўлғаниши яшайди**», – хулосаси билан асослайди. «Яхшилиқ» мақоласидаги «**Яхшилиқни йўлларга эчкил, Биров билмас, биров билади. Яхшилиқни дилларга эчкил, Эрта бир кун мева қилади**» каби сатрларда чўнг ҳаётий ҳикмат таъсирли йўсинда ифода этилади.

«Жаҳон ўзбекча куйламоқда» суҳбат-мақоласида машхур бастакор Анор Назаровнинг шахсияти, кўнгил кечинмалари, руҳий тўлғамлари теран очилган. Айниқса, композиторга бағишлаб ёзилган шеър қаҳрамон руҳиятини ёрқин акс эттирганлиги билан эътирофга лойиқдир:

*Ташқарида ёғаётур қор,
Қаҳ-қаҳ уриб қиш қасирлайди.
«Қайлардасан, азизим, баҳор?»
Тутқич бермай оҳанглар дайди.*

Бу сатрларда қасирлаган қиш қўйнидан кўкламий оҳанг қидирган бастакорнинг кўнгил ҳолати таъсирли ифода этилган. Унинг баҳорий гўзалликни ўз кўнглидан топганлиги «**Кўчалардан топилмай макон, Соҳир ҳислар қалбга қувилар**» мисраларида акс этади.

Гўзаллик ярата оладиган санъаткорнинг таъсирчан ва ҳимоясиз қалби «**Юрагимни ғижимламанг, бас, Йўқотишлар йўқолиб кетсин**» каби инжа сатрларда яққол кўринади. Шеърнинг «**Гулга тўлиб борар ҳамма ёқ, Гуллаб кетар, ҳатто, қаҳратон**» шаклидаги сўнги мисралари ўзида турли темирдаги бир қанча товушни гўзал йўсинда уйғунлаштирган мусиқий-руҳий аккорд бўлиб янраган. Унда яратган мусиқаси билан қаҳратоннида гуллатган бастакор руҳияти ўз ифодасини топган.

«Раҳмат сенга, юрак!» мақоласида келган «Қорхат» шеъридаги «**Қорхат – элчи, биламизки, элчиларга ўлим йўқдир, Изҳори ишқ айлагали бундан бошқа йўлим йўқдир**» ёки «**Қўшиқнинг энг қайноғини, жаранлаган торни севдим**» сатрлари оламнинг гўзаллигини, одамнинг азизлигини туйиб тепаётган юракка хос сифатларни маҳорат ила акс эттириш намуналаридир.

Абдуҳолик Абдураззоқнинг истиқлолни мустаҳкамлаётган замондошлар фаолияти тасвир этилган ҳароратли публицистик мақолалар билан тафаккур мустақиллигига интилаётган бугунги одам кайфияти ва руҳияти ифодаси бўлмиш шеърлар ажиб йўсинда уйғунлаштирилган асарлари, шубҳасиз, адабий ҳаётимиз равнақи ва миллий маънавиятимиз ривожига ўз муносиб ўрнига эга бўлади..





Муҳаббат РАҲМОНБЕРДИ қизи



Кўнглим эриб кетар оташиларингдан

СЕВГИ ТИМСОЛИ

Учрашдик ўша бог, ўша маконда,
Шоддир севгимиздан огоҳ чинорлар.
Қаршилар мовий кўл бизни бир ёнда,
Тарқалиб кетдилар дилдан губорлар.

Порлаган кўзларинг висолдан масрур,
Неча йиллик согинч қарашларингдан.
Бетакрор онлардан дилларда сурур,
Кўнглим эриб кетар оташларингдан.

Бир пайтлар ишқимиз битилган дарахт
Богда савлат тўкиб турибди ҳамон.
Қалблар ҳам бамисли шу дарахтдаин,
Севгимиз асрагай тоабод омон!

ОРЗУЛАР

Не деб атай сизни – умидми, армон,
Сиз томон етаклар хаёллар ҳар он.
Навқирон ёшлигим сизда намоён,
Хазонлар остида қолган орзулар.

Очилмайин сўнган севги бор бунда,
Ёр васлидан жудо ул қаро тунда...
Интиқиб кутганим умидвор кунда,
Хазонлар остида қолган орзулар.

Вафо қилмас экан, асли бу дунё,
Эзгу истакларим бўлди-ку рўё.
Юлдузлардай чақнаб сўндингиз гўё,
Хазонлар остида қолган орзулар.

Яратган қўллагай бир куни албат,
Биз ҳам юксакларга қоқармиз қанот.
Шу дам ҳамроҳ айлар сизни Муҳаббат,
Хазонлар остида қолган орзулар!



ЁМҒИР

Дарахтларга айлангим келар,
Томчиларинг тўкар губорин.
Сен-ла ҳамроҳ шаббода елар,
Бахш этгандай гўёки борин.

Ҳўгонади хотираларим,
Ёмғир, бу кун кўнглимга оқдинг.
Деразадан маъюс термулган
Ул бевафо ёр каби боқдинг.

Қалбимдаги оташни ютиб,
Этсанг холос, қанийди шу он.
Дардларимга бўлсайдинг малҳам,
Ахир адо айлади ҳижрон.

Ёғавергин шивалаб, ёмғир,
Яшнар сен-ла борлиқ табиат.
Томчиларинг оҳанглиридан,
Завққа тўлар бу кун Муҳаббат.

КЎНГЛИМ

Ўзгандан эзгулик кутиб толдингми,
Соҳир лаҳзаларни куйга солдингми?
Омад сароблигин сезиб қолдингми,
Бунчалар эзилдинг, гамгусор кўнглим.

Ранжидинг ганимлар гийбатларидан,
Эзилдинг беадоғ тўхматларидан.
Қачон қутулгайсан гийбатларидан,
Ҳамиша гирёну беқарор кўнглим.

Дунё ўзи шундай яралган асли,
Бизни ҳам кутгайдир омадлар фасли.
Насиб этгай бир кун ёримиз васли
Сабр этсак, келгайдир навбаҳор КЎНГЛИМ!



Фармон ТОШЕВ

ШЕЪР – РУҶИЯТМАНЖАТ МАЕВИРИ

Ёш ижодкор Дилбар Рустамовага

*Ўзгалар сени олқишлаганда, сен ўзингдан на-
фратлан.*

*Сени сен орқали ҳаракат қилмоқчи
бўлганлар олқишлайди.*

**Августин
АВРЕЛИЙ (СОАДАТЛИ)**

Дилбар!

Мустақиллик тенгдоши бўлганинг, кўз ўнгимда
вояга етганинг учун ҳам менга «устоз», деб мурожаат
қилувчи ёшларга сенинг мисолингда кўнглимда тугиб
юрган гапларимни айтишга жазм этдим. Ушбуни яхши
ният, дуо сифатида қабул қилишинг ҳам мумкин.

Очиғи, аслида бу мактубга хотин-қизлар байрами
арафасида телефон орқали «Устоз, узр, ишончингиз-
ни оқлай олмадим...» деган гапинг сабаб бўлди.

Негаки, битта танловда ғолиб чиқиш билан
устоз ишончини оқлаб бўлмайди. Ахир ижодкор му-
кофот олиш учун шеър ёзмайди-ку! Қолаверса, ижо-
дий танлов бу спорт мусобақаси эмас. Бир сен эмас,
танловда иштирок этган 16 нафар қизнинг ҳаммаси
ижодда ҳам, ҳаётий тажрибада ҳам бир қарич ўсди.
Ўзаро мулоқотлар, бир-бирининг машқлари билан та-
нишиш, таниқли ижодкорлар суҳбатидан баҳраманд
бўлиш изсиз кетмайди. Сен эса бундан ташқари шу
орада Дўрмонда семинарда иштирок этишга улгур-
динг.

Тўғри, мукофот насиб этмади. Чунки сендан-да
зўрроқлар бор экан. Сал олдинроқ «Келажак овози»
танловида ҳам худди шу ҳолатда омадинг чопмагани
қўшилиб, албатта, кайфиятингга таъсир этди. Хафа
бўлдинг, йиғладинг, сатрлар битдинг...

*Нимани хоҳлайман, ўзим билмайман,
Сурат бўлиб яшаш нақадар оғир.*

*Аламлар кулса-да, мен бир кулмайман,
Наҳотки, зардобга тўла бу бағир...*

«Маехум туйғулар»

*Нигоҳларим ёниб бораётир сўнг,
Беҳиштий боғлардан келади сабо.
Орзу – кўзларимда қотиб қолган мунг,
Гар, ўрнимни билсанг айтақол, Худо!..*

«Гуноҳ гули»

Мен эса ўша ҳолатда мана бу байтларингни ўқи-
шингни истаган эдим:

*Энг ночор бўлсангиз, яйраб кулинг сиз,
Йиғламанг, бахтлилар бўлади басир.
Энг сўнги имконлар эшигин топинг,
Шундай яшамоғи керак-ку кимдир...*

«Шукрона»

Негаки, йигирма ёшингда мукофот эҳтиёжига
боғланиб қолишингни истамайман. Ҳатто мунгли,
дардли мисраларинг ҳам кимнингдир қалбига таскин
бўлишини истайман. Нуфузли мукофотни олгандан
кейин кибру ҳавога берилиб, ижоддан тўхтаган (минг
афсуски, бундайлар бор) қизларга ўхшаб қолишингни
сира-сира хоҳламайман. Ҳар бир сатр қалбдан чиққач
эмас, балки қалбларга киргачгина шеърга, адабиётга
айланиши шуурингда қоида бўлишини истайман.

Синглим, бир нарсани тушун. Мукофот олол-
маганинг фожиа, омадсизлик эмас. У бардош ва қа-
ноатингни, ақлу фаросатингни, имкониятингни синов-
дан ўтказди. Эсингдами, танловларга тайёргарлик
чоғида мен сени доимо дарсларни қолдирмасликка,
кўпроқ китоб ўқишга даъват этдим. Ваҳоланки, айрим
қизлар ўша пайтда 6-7 ой вақтини майда-чуйда тад-

бирларда кўринишга, 4 та шеърини нашрларда қайта-қайта чоп этишга, ҳатто бир босма табоқ бўлса-да, китобча чиқаришга сарфлашди.

Сен эса... бир поғона ўсдинг. Чунки дарсларни қолдирмадинг, адабиёт давраларида қатнашдинг, китоб ўқидинг. Илминг, тажрибанг кўпайди. Дўрмон семинарида улуг ижодкорлар дуосини олдинг. Мулоқотлар чоғида сени-да ҳайратга соладиган ташбеҳлар яратган тенгдошларингни кўрдинг. Мисраларингга маъни инди:

*Ҳар куни ёнади кўксимда қуёш,
Зирқираб ботади юрагимда кеч.*

«Осмонлар...»

*Кулгулар зарбидан инграйди руҳлар,
Кулгулар захридан кўзларда титроқ.*

«Бугунги кун»

Дарвоқе, илм ҳақида. У ижодкорга оламини, одамини тушунишга ёрдам беради. Адабиётни ушлаб турган нарса ҳиссиёт, ҳаяжон, ботиний туйғугина эмас, балки ҳаётни англаш хулосаларидир. Бу хулосани илмли адибгина айта олади. Мисол учун, «Соя пайдо бўлмағай деворсиз» (Нодира), «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам» (Алишер Навоий).

Мени ташвишга солган нарса шуки, муайян тоифа ёшлар адабиётни илм эмас, балки фақат иқтидор ҳосиласи сифатидагина тушунишяпти. Мумтоз ва ҳозирги адабиёт вакиллари ижодидан ҳеч бўлмаганда ўнтадан шеър ёд билмайдиган, ижодкорликни даъво қилишса-да, бадиий китоб ўқимайдиганлари бор. Эсингдами, Зулфия мукофотиға номзодлар билан суҳбат чоғида қизларнинг бир қисми таниқли ўзбек адиблари ижодидан намуна айта билишмади.

Дағалроқ қилиб айтганда, бундай ёшларнинг сўз захираси қашшоқ. Шу боис машқлари табиат, она ёки улуғлар тўғрисидаги оддий ифодадан нарига ўта олмайди. Ташбеҳ ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Сенда бу борада бироз интилиш борга ўхшайди. Буни эпиграфлардан, назиралардан, умуман, шеърлар руҳидан билиш қийин эмас. «Лолажон»да Муҳаммад Юсуф, «Кўксингизга мўралар ёмғир...»да эса Усмон Азим фикрлари давом эттирилади:

*Деразамни силаб симиллар ёмғир,
Гуноҳлар ҳовучлаб титрайман дир-дир.
Урмимиздан жаннат-дўзахлар ясаб,
Мангулик юртига кетяпмиз бир-бир...*

Лекин, шоира синглим, бу ҳаракатларинг ҳали етарли эмас. Дунё, хусусан, қардош халқлар адабиётини билиш керак. Рус тили орқали хориждан кўплаб мумтоз асарлар кириб келган. Улар кутубхоналарда қалашиб ётибди. Бу асарларни мутолаа қилиш учун ҳафсала, иштиёқ лозим.

Шу йилнинг аввалида, синглим, қизиқ воқеага гувоҳ бўлдим. Тасодифий бўлмагани учун ҳам унга муносабат билдирмоқчиман.

Хуллас, ҳузуримга олийгоҳнинг учинчи курс талабаси келди. Замонавий кийинган. Дафтар сиғмайдиган сумкачаси бор. Уяли телефон ва флешкаси бўйнига осиглиқ. Муомаласи яхши. Ўзини сунъий равишда уятчан қилиб кўрсатаётганини англаш қийин эмас.

У кўлида буклаб олган уч варақли матнни столимга кўйди.

– Домла, «Қобуснома» тўғрисида битта мақола ёзгандим. Раҳбарим газетада чиқаришимни сўради.

Қарасам, матн компьютерда чиқарилгандан сўнг устидан кўрилмаган. Имзо ҳам чекилмаган. Гиж-гиж хато. Бу эътирозларимни ошкор этдим. Ўзини уятчанликка солди.

– Тўғриси айтсам, ҳозир ҳужжатларимни Навоий стипендияси танловига топширдим. Кўпчилик маъқуллади. Фақат мақолам чоп этилмаган экан. Шунинг учун ҳаяжон билан олиб келаверибман, узр, домла...

Қораламани эринмасдан ўқидим. Китобдаги аннотацияни кўчирган. Домласининг имзосини ҳам кўйган. Мавзу: «Қобуснома»нинг маърифий аҳамияти». Лекин уч саҳифали мақолада асардаги бирорта воқеа ёки жумла таҳлил қилинмаган.

Энсам қотди.

– Китобни ўқиганмисиз?

– Ҳа, икки марта ўқиб чиқдим.

– Қайси нашриётда чоп этилган экан?

– Тўғриси, шунисига эътибор қилмабман.

– Ҳеч бўлмаса рангига эътибор қилдингизми?

– Ҳа, менимча, коречневий эди. Муқоваси сал эскирган экан...

– Муаллиф ким экан?

– Халқ оғзаки ижоди намунаси, худди «Авесто»га ўхшаган асар.

Ана энди менинг аҳволимни тушунаверинг. Кўзимга қараб айтаяпти гапларини. Очиғи, ўзимни тутиб тура олмадим.

– Синглим, сиз ахир китобни ўқиш у ёқда турсин, кўрмагансиз ҳам. Навоий стипендиясига даъвогар уни ёддан билмоғи керак. Бу жавобингиздан Кайковус гўрида тикка турадию!

Сездим, важоҳатимдан ҳушёр тортиди, чиндан ҳам уялди.

Бир домламиз бор, ҳамма керакли бадиий адабиётларнинг қисқача мазмуни ва аҳамиятини ёзиб чиққан. Буни ўша киши берди. Ўша домлада жуда кўп китобларнинг аннотациячи бор. Минг сўмдан сотиб оламиз.

Раҳмим келди. Домлагаям, қаршимдаги талаба қизга ҳам. Кейин шарт кўйдим.

– Яхши ният қилибсиз, йўлингиздан қайтармайман. Фақат «Қобуснома»ни ўқиб, менга мазмунини айтиб берасиз. Майли, мақолани ўзим ёзаман...

У қайтиб келмади. Чунки «эзма» муҳаррирдан хафа бўлиб кетганди. Дилбар, тенгдошларингнинг муайян қисмида ана шу қусур мавжудлигини мени ташвишга солди.

Демоқчиманки, бадиий асар ўқишга бундай муносабат кўникмага айланиб қолмаяптими? Эсимда, талабалик давримизда деярли ҳар ҳафтада битта янги асар устида баҳслашардик. Ҳатто бўшроқ курсдошларимиз ҳам уялгандан ҳеч бўлмаганда ўша асарнинг бир қисмини ўқиб чиқарди.

Мунтазам китоб ўқимаган ижодкорни кечириб бўлмайди. Чунки бадиий асар маънавий озуқа, мавзу беради, бадиий маҳоратни ўргатади, фикрлашга ундайди, миянинг тархини очади.

Ишонмаганларга ушбу киноядан кейин битта яхши бадий асар ўқишни маслаҳат бераман. Эртасига у албатта янги шеър ёки ҳикоя ёзади, нимадир ижод қилади. Улуғ адибларнинг тажрибаси бу. Ўзимда ҳам ҳар гал шундай бўлади. Абдулла Орипов Дантенинг «Илоҳий комедия»сини ўқиб, таржима қилгач, кўп ўтмай ўқувчиларга «Жаннатга йўл» достонини тақдим этганди.

Айтгандай, таниқли адиб Иброҳим Ғофуров «Ҳаё – халоскор» асарида китобни қандай ўқиш ва тушуниш кераклиги тўғрисида жуда оммабоп ибратлар берган. Уни дарслик қилиб олсанг, ютқазмайсан.

Шуни унутмагинки, таржима ижодкорнинг тафаккурини бойитади, қаламини чархлайди. Бунинг учун албатта тил билмоқ керак. Узоққа бориб нима қиламиз, Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповнинг жаҳон адабиёти хазинасидан мумтоз асарларни таржима қилишга журъат ва вақт топгани барчамиз учун ибратдир. Зотан, Самарқанд чет тиллар институтидаги айрим талабалар жаҳон адабиётини ўзбекчага, ўзбек адиблари асарларини эса бошқа тилларга ўгиришда тенгдошларига намуна кўрсатишяпти.

Дилбар!

Яна ижодинга қайтсак. Ҳаётдан доимо маъни қидирмоқ керак. Ижодкор бу маънини бошқалардан теранроқ англаши ва бошқаларга бошқачароқ тушунтириши керак. Ҳар қалай, сенда бундай гаплар бор ва шеърдан шеърга кўпайтириб бораяпсан. «Қалбимни дарёга отиб юбордим», «Бўғзингдаги жонингда йиғлаб турса сўз», «Армонлардек улкан овунчлар менда», «Соғинч алласига овуниб кутдим», «Қоғозлар юзимга қараб йиғлайди», «Ишққа андазамас боғда юрганлар», «Мен – дарё, юраги сувга тўлмаган», «Мен сенсиз дунёда совқотиб кетдим», «Эгнимда ҳижрондан тўқилган кўйлак», «Кўнглим – хазонларга йиқилган дайди», «Нафрат товонларим ёрилган кундир».

Шу ўринда такрор бўлса-да, яна бир гапни айтиб ўтсам. Бадий ижодда устоз-шогирдлик ўзига хос. Негаки, бировга шеър, ҳикоя ёзишни ўргатиб бўлмайди. Ёзиш учун иқтидор керак. Устоздан ҳаётини тажриба, ижод моҳиятини, бадий маҳоратни ўрганиш мумкин.

Ўшанда ҳам унинг ўғитлари эмас, балки асарлари, шахсий ибратидан баҳраманд бўлиш керак. Ана шу қондани унутма.

Дилбар! Шеър – кўнгил мулки, одамлар шеърларинг орқали сенинг қалбингни англашади. Чунки асарда муаллифнинг турмуш тарзи, фазилатлари, нуқтаи назари ифода бўлиши табиий. Шу сабабли шеърда ортиқча зарда, ўта тушкунлик кайфияти, таъна-маломат кабилардан воз кечмоқ керак. Шоирнинг дарди ўқувчи дилига таскин берсин, ҳар бир мисра ёки хулоса яшаш учун сабоқ бўлсин.

Бу гапларни бежиз айтмаяпман. Характерингдаги шошқалоқлик, кескирлик ёзганларинга кўчаяпти. Биринчи китобинг – «Хурлик нафаси»да бадий маҳоратдан кўра зарда, аламзадалик устунлик қилган. Зеро, Алишер Навоий ҳазратлари «ҳар не ростни» сўзлаш дуруст эмаслигини таъкидла деганлар.

Умуман, кейинги ижодингда жуда кўп қусурларни тузатишга ҳаракат қилаяпсан. Бунинг ўзинг ҳам сезгандирсан. «Гуноҳсиз дунё» тўпламингда арзигулик шеърлар кўп. Ана шу меҳнатни, изланишни давом эттириш зарур.

Очиғи, сизларнинг авлодга ҳавасим келади. Юртбошимиз ташаббуси билан иқтидорни намойиш этиш учун ёшларга катта шароитлар яратилмоқда. Иқтидорли ижодкорларнинг китоблари, тўпламлари чиқарилаёпти. Дўрмон семинари эса алоҳида мактаб вазифасини ўтаяпти. Тагин ижодкор ёшлар учун ўнлаб нашрлар чиқиб турибди. Танловлар кўп.

Бир сўз билан айтганда, шоира бўлишинг, элга танилишинг, иқтидорингни намойиш этишинг учун барча шароит муҳайё. Гап меҳнатда, изланишда, эринмасдан ўқишда. Бу йўлда сенга парвоз тилайман.

Ўзинг ёзган ушбу сатрларга амал қилиб юришингга тилақдошман:

*Кўзларим қаърида гуллаган тупроқ,
Мажнунтолранг дунё аро зир чопдим.
Елкам фариштасин бир силаб қўйиб,
О, мен осмонимни қирлардан топдим.*






Зилола ЙҮЛДОШЕВА

СОҒИНЧ

Ҳикоя



Анвар онасининг тарбиясини олиб ўсди. Доим иш билан банд отасидан бирон нима сўраса “ойингга айт”, деган жавобни эшитарди. Оилада ёлғиз фарзанд бўлишига қарамай онаси уни эркалатиб қўймади. Анварга эса бу жуда алам қиларди. “Нега бошқа болалар доим оталарининг қаттиққўллигидан нолишади, меҳрибон оналарини мақташади. Нега менинг онам ундай эмас?” Бу саволларга жавоб топилмас эди. Онасининг ўзидан сўрашга эса... йўқ, буни ҳатто хаёлига ҳам келтира олмайди.

Мактабни битирганидан кейин Анвар онасининг талаби билан ўқишга қаттиқ тайёргарлик кўрди. Омади келдими ёки ўқиганлари самара бердими, ўқишга кириб олди.

– Ўғлим, мана, юзимизни ерга қаратмадинг, – мамнун кулимсиради Моҳира опа. Аммо шу заҳоти жиддий тортди. – Бу яхши. Аммо билиб қўй, ўқишга кириш қанчалик қийин бўлса, ўқиш бундан-да қийин. Бор кучинг билан ўқи. Нима ёрдам керак бўлса сўра. Ва яна билиб қўйки, бирон қизга ўралашиб қолма. Эҳтиёт бўл, қадамнингни ўйлаб бос. Биронтасига ўралашиб қолсан, охири вой. Мен огоҳлангирдим, кейин мендан хафа бўлиб, ўпкалаб юрма. Тушундингми?

– Тушундим.

Анвар ўқишдагилар билан тез тил топишиб кетди. Онаси айтгандек бор кучи билан ўқиди. Кунлар ҳафталарга, ҳафталар ойларга, ойлар эса йилларга уланди.

Ана шундай одатдаги кунларнинг бирида Анвар ҳаётида кутилмаганда катта ўзгариш рўй берди. У севиб қолди! Ўзидан бир босқич қуйида ўқийдиган Наргизани. Қизни кунига бир марта кўрса ёки юрак ютиб бир оғиз гаплашса ўзини еттинчи осмонда ҳис этарди гўё. “Аммо у-чи?” Анварни шу савол қийнади. Онасининг гаплари эса эсидан ҳам чиқиб кетганди. Йўқ, охири бўлмади. Жавобсиз севгидан рад бўлса-да жавобли севгини афзал деб билиб, Наргизага туйғуларини ошкор этди. Наргиза эса... буни қабул қилди. Анвар ерда эмас, осмонда учиб юрарди. У ўзгарганди, маъносиз кунларига маъно кириб келгандек эди назарида.

Анвар охири босқичда. Бир неча ойдан сўнг ўқиш тугайди. Аммо йигит буни сира истамайди, чунки унда Наргизани ҳар куни кўриш имкониятидан маҳрум бўлади.

Тўсатдан Анварнинг отаси оғирлашиб қолди. Анвар шошиб қолди, онаси ҳам.

– Болам, – деди отаси Анварни олдига чақириб – тўйингни кўриб кетсам армоним қолмасди. Шунча йил фақат сени деб ишладим. Тарбия беришни эса онангга топширдим. Мана, онангнинг тарбиясини олиб шу даражагача етиб келдинг. У сен ўйлаганчалик бағри тош эмас. Онанг сени мендан-да кўпроқ яхши кўради.

– Агар шунчалик яхши кўрар эканлар, нега бунчалик... – Анвар бошқа гапиролмади.

– У сенинг бахтли бўлишингни истайди. Агар кўнглингда бирон қиз бўлса айт, бўлмаса онанг ҳаракатини қилсин.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди: Наргиза!

– Бор, гаплашиб кела қол, – деди отаси унга жилмайиб қараб.

Тушдан кейин Анварни онаси чақирди.

– Отангнинг аҳволини кўриб турибсан. Сенинг тўйингни кўриш унга армон бўлиб қолишини истамайман. Сен ҳам буни истамассан?

– Йўқ, албатта, – деди Анвар ердан кўзини узмаган ҳолда.

– Ундай бўлса мен ҳаракатимни қилай. Бир-иккита қиз кўриб қўйганман. Кўрсатаман, қарайсан, гаплашсан, ёққанини танлайсан.

– Бунга ҳожат йўқ. Ўзим бир қизни... ҳалиги кўз остимга олиб қўйгандим...

– У ўзи қанақа қиз?

– У жуда яхши қиз, – деди Анвар шоша-пиша.

– Буни сенга ўзи айтдимми? – пичинг қилди Моҳира опа.

– Уни анчадан бери танийман...

– Анчадан бери танирмиш! Ўша қиз билан бир умр яшай олишингга ишонасанми? Ўзинг бахтли бўлишингга, уни бахтли қилишингга-чи? – деди Моҳира опа ўғлига қаттиқ тикилиб.

– ...

– Хўш, нега индамайсан, мен сендан жавоб кутяпман.

– Ҳа, ишонаман!

Бу Анварнинг қатъий жавоби эди. Онаси унга бироз қараб тургач, аста ўрнидан турди.

* * *

Тўй ҳаракати бошланди. Югур-югур, чоп-чоп. Ота ҳам хурсанд. Айниқса Анвар... У гўёки дунёдаги энг бахтли одамдай. Юзидан табассум аримайди. Бир гапириб, ўн кулади. Онаси эса... Кўзига онаси дунёдаги энг меҳрибон онадай кўриниб кетди. Уни бориб қучоқлаб олгиси, раҳматлар айтгиси келди. Аммо бундай қила олмади. Имкон ҳам бўлмади. Имкон бўлганда ҳам у бундай қилолмасди.

Тўй ҳам ўтди. Анвар энди ишли, оилали инсонга, ўзича катта бир одамга айланиб қолгандек, бир неча ёшга улғайгандек эди. Онаси Наргизага ёмон гапиришидан кўрқарди. Бахтига бундай бўлмади. Моҳира опа Наргизага самимий муносабатда бўларди, фақат нотўғри иш қилиб қўйсагина энгил танбеҳ берарди. Лекин Анварга ҳамон ёш болага қарагандай қарарди: ишдан кеч қолса сўраб-суриштирар, бирон ўтириш бўлиб қолса ҳам, кимникида, қаерда деб аниғини билиб, бирга борадиган дўстларининг ҳам телефон рақамларини олиб қолганидан кейин, шундаям маълум вақтга жўнатарди. Анвар маошини онасига олиб келиб берар, рўзғор учун керак пулни сўраб олар, бунақа пайтлари ўзини Наргизанинг олдида ноқулай ҳис этарди. “Ахир энди ёш боламасман-ку. Нега ишлаб топган пулимниям улардан сўраб оламан? Нега ўзимча рўзғор қилолмайман, совғалар ололмайман? Наҳотки улғайганимни сезмаётган бўлсалар?” Анвар ёлғиз қолган пайтлари шундай ўйлар гирдобиди қоларди.

Тўйдан уч ойга яқин вақт ўтиб ота вафот этди. Ўшанда онасининг эзилганлари... Анвар онасини ҳеч қачон бундай аҳволда кўрмаган эди. Ичи ачиб кетди.

Орадан бир йил ўтди. Бир куни Наргиза кечаси билан алаҳлаб, ухлолмай чиқди. Тонгда эса рангида ранг йўқ бир аҳволда уйғонди. Анвар хавотирга тушди:

– Нима бўлди, тинчликми?

– Билмадим нимагадир... мазам бўлмаяпти, ғалати бўлиб кетяпман.

– Иситманг ҳам борга ўхшайди, қизиб ётибсан, – деди Анвар кўлини хотининг пешонасига, юзларига кўйиб.

– Шамоллаган бўлсам керак, ўтиб кетади. Мен бориб нонушта тайёрлай. Сиз тезроқ бўла қолинг, ишга кеч қоласиз.

Наргиза ошхонага шошди. Анвар ўзича “Бугун ишга бормаيمان. Наргизанинг ёнида бўламан”, деган қарорга келди. Юз-кўлини ювиб ошхонага ўтди. Чой дамлаётган Наргиза уни шоширди:

– Тезроқ бўла қолинг, ишга кеч қоласиз.

– Бугун ишга бормаيمان.

– Вой, нега?

– Шунчаки бугун хотинимнинг олдида бўлиб, унга қарашмоқчиман.

Наргизанинг кўзлари қувончдан порлаб кетди, лабида табассум пайдо бўлди. Анвар учун шунинг ўзи етарли эди.

– Лекин ойижоним нима деркинлар... – деб қолди Наргиза шивирлаб.

– У ёғини ўйлама. Чақир ойимларни. Мен ўзим айтаман.

Учовлон биргаликда нонушта қилишди. Анварнинг бемалол ўтирганини кўриб онаси деди:

– Ишга кеч қолмагин тағин.

– Бугун ишга бормаيمان, – деди Анвар секин.

– Ие, нега, тинчликми? Ишинг тинчми?

– Ҳа, шунчаки... келинингизнинг озроқ мазаси бўлмаяпти, шунга...

– Касал келин бўлса, сен нега ишдан қоласан? Ё сениям бирон жойинг оғрияптими?

– Йўғ-е...

– Оғримаётган бўлса ишинга бор, – деди онаси қатъий овозда.

– Лекин...

– Лекин-пекини йўқ, бўлди. Омин, – деб кафтларини юзига сийпади Моҳира опа. – Ишинга яхши бориб кел.

Анвар жаҳл билан онасига қаради, сўнг хотинига кўз ташлаб кўйди-да, ўрнидан турди. У ҳар қанча ўзини босишга уринса ҳам барибир асабийлашаётганди. Онасининг муомаласи... айниқса хотинининг олдида бунақа муомала қилганлигини ҳеч ҳам ҳазм қила олмас эди.

Анвар хайрлашмасдан ҳам, доимгидек онасининг дуосини олмасдан ҳам ишга кетди. “Нега менга бунақа қиладилар, шу тўғрими? Бирон марта ҳам ишдан қолмаганман, шу сафар бормасам нима бўларди? Бирон кун, ҳатто чарчаган пайтларимда ҳам онам қўймасдан юборардилар шу ишга. Наҳотки ҳалиям мени ёш бола деб ўйласалар...”

Анвар шу хаёллар билан, кайфияти расво ҳолда ишга келди. Бошлиқ тушга яқин ҳаммани мажлисга чақириб қолди. “Уфф...шу етмай турганди ўзи. Нима гапи бор экан?” Анвар оғриниб, малол келгандек ўрнидан туриб, мажлислар зали томон йўл олди.

Мажлислар залида барча ходимлар йиғилишган, ҳамманинг кўзи бошлиқда. Қаттиққўл раҳбар бироз ҳорғин, хафароқдек кўринди Анварнинг кўзига. “Буниям уйида онаси тинч қўймаса керак”, хаёлидан ўтказди у.

– Шунча йилдан бери бирга ишляпмиз. Сизлар мени, мен сизларни озми-кўпми биламиз. Ҳозирги айтмоқчи бўлган гапимни тўғри тушунасизлар деган умиддаман. Хуллас, ходимлар сонини ўттиз фоизга қисқартиришимизга тўғри келаяпти.

Ҳамма типирчилаб қолди. Кўпчиликнинг кўзлари олазарак, бир-бирига, хўжайинга умидвор боқади. Анвар ҳам ишдан бўшаганлар рўйхатига тушиб қолмаганмиканман деган хавотирда. Ҳар қалай, иши яхши. Маоши ҳам.

– Мана, шу бугуннинг ўзида анчагина ходимларимиз ишга бесабаб келишмаган. Яна уч-тўрт киши эса бир ярим соатга қадар кечикиб келган. Менимча, қисқартиришни ана шундай интизомсиз ходимлардан бошлаш мақсадга мувофиқ, – дея гапида давом этди раҳбар.

Анвар энгил тортди.

* * *

Орадан йиллар ўтди. Бундай олиб қараса ҳаммаси яхшидек кўринади, аммо... аммо уйда ҳамон чақалоқ йиғиси эшитилмасди. Бормаган жойлари қолмади. Анвар Наргизанинг, Наргиза эса Анварнинг кўзига қаролмасди. Анвар кейинги пайтлари иложи борича



онасининг олдида ёлғиз қолмасликка ҳаракат қиларди: бола ҳақида гап очилиб қолишидан кўрқарди. Анвар ота бўлишни қанчалик хоҳламасин, севикли хотинидан айрилгиси келмасди, шунинг учун яна кутишга тайёр эди. Аммо билардики, онасининг сабри тугаб бораяпти.

Наргиза онасини кўргани кетган куни Анвар кўрққан воқеа содир бўлди: онаси бола ҳақида гап очди!

– Мана, Анвар, шунча йилдирки, бефарзандсан. Мен индамадим, кутдим. Аммо менинг ҳам, сенинг ҳам ёшинг ўтиб бораяпти. Сен тенгилар икки-учталаб болали бўлиб бўлишди. Ўзингниям, Наргизаниям қийнамасдан ажраша қол.

Анвар ток ургандек сапчиб кетди, онасига “ялт” этиб қаради:

– Бу нима деганингиз? Мен ажрашмайман, ҳеч қачон, қерак бўлса яна беш йил, ўн йил кутаман, аммо ажрашмайман!

– Аммо Наргиза бунга рози.

Эсанкираб қолган Анвар онасига ишонқирамай қаради:

– Уни ҳам сиз мажбурлагандирсиз эҳтимол, худди мени мажбурлагандек.

– Мен сени ҳам, уни ҳам мажбурлаганим йўқ. Сизларнинг бахтингизни ўйлаб гапиряпман. Ҳаммасига вақт даво. Кўникасан... унутасан... Бўлди, ўзингни босиб ол-да, ҳаракатингни қил.

Моҳира опа, ўрнидан турди ва индамасдан хонадан чиқди.

Анвар эса... Унинг аҳволига қараб бўлмасди.

Орадан олти ой ўтиб улар расман ажрашишди.

Кунлар ўта бошлади, бир хил... маъносиз-мазмунсиз...

Анвар учун ҳаммаси тугагандек эди. Қачондир яна Наргизани учратиб қолса қандай аҳволга тушишини ўйласа юраги орқага тортиб кетарди.

Онаси уйланиш ҳақида гап очди. Анвар қаршилиқ билдирганига қарамай уни уйлантириб қўйди.

Хотини Мадинага кўнгли йўқ Анвар энди ишга эрта кетиб, кеч қайтадиган бўлди. Уйда худди бегона аёл юргандек эди назарида.

Бир куни ишдан кеч қайтган Анварни онаси яна тергаб, уришди. У ҳеч нарса демади, дея олмади, бунини хоҳламади ҳам. Хонасига ўтгач, бироздан сўнг ортидан Мадина кирди. Бир соатча у ҳам, хотини ҳам гапирмади, жим ўтиришди. Охири Анвар унда умуман кўнгли йўқлигини, онаси мажбурлагани учун ажрашиб, яна уйланишганини айтди. Мадина бунини сезганини айтди. Шу билан суҳбат тугади.

Эртасига ишхонада ўтириш бўлди. Шу пайтгача оғзига бир грамм ҳам ароқ олмаган Анвар шу куни роса кўп ичди. Жуда тез маст бўлиб қолди, ҳатто уйга қандай етиб келгани ҳам, онаси нималар дегани ҳам эсида йўқ. Фақат эрталаб боши ғувиллаб оғрирди. Нонушта қилаётганларида эса онасининг икки кўзи унда эканлигини сезд. Аммо ўзини билмаганга олди.

– Хўш, ўғил бола, кеча нималар қилиб юргандинг ярим кечагача? Бўкиб ичганингдан уйинггаям келолмай қопсан-ку, бировлар ташаб кетди. Бу нима қилиқ? Ичадиган одатинг йўқ эди-ку!

– Кечиринг. Айтгандим-ку ўтириш бўлади деб. Ошириб юборибман, узр. Бошқа қайтарилмайди.

– Шу биринчиси ва охиригиси бўлсин, тушундингми?

Анвар “хўп” дегандек бошини қимирлатди ва юзига фотиҳа тортиб, онасининг дуоси-ю бир дунё насихатларини олиб илк марта Мадина билан хайрлашиб ишига жўнади.

Шу зайлда кунлар, ойлар ўта бошлади. Бир куни Мадинанинг эрталабдан мазаси бўлмади қолди. Ошхонага сув ичиш учун кирган Анвар Мадинанинг деворга беҳол суяниб турганини кўриб кўрқиб кетди ва онасини чақирди. Уни шифохонага олиб кетишди.

Дўхтирлар хушxabар айтишди: Мадина ҳомиладор экан! Бунини эшитиб Анвар қарахт бўлиб қолгандек эди. Нима қилишни ҳам, нима дейишни ҳам билмасди. Наҳотки у ота бўлса?! Наҳотки қўлида митти чақалоқни кўтариб катта қилса? Шуларни ўйлаган йигитнинг юраги орқиқиб кетди. Бу бахтни унга ҳадя этган Мадина кўзига фариштадек кўринди. Анвар беихтиёр ёнида турган онасини маҳкам қучоқлаб олди, кўзларидан ёш томди.

Анвар кун сайин қорни катталашиб бораётган Мадинага жуда меҳрибон бўлиб қолганди. Ишда ҳам хотини, туғилажак боласи хаёлидан кетмасди. Бундан ўзи ҳам хайратда эди. Ёш болаларнинг ўйинчоқларини ёки кийимларини кўрса бас, лабида беихтиёр табассум пайдо бўларди. Қиз бўлармикан ёки ўғил бўлармикан? Анвар бўш қолди дегунча ўзига шу саволни берарди.

Ниҳоят ўғилли бўлган Анварнинг қувончи чексиз эди, ўзини дунёдаги энг бахтли инсон ҳис қиларди. Чақалоққа Азиз деб исм қўйишди.

Икки йилдан сўнг оилада қизалоқ дунёга келди.

Невараси уч ёшга етганида Моҳира опа буйрак касалига чалиниб қолди. Вафоти олдидан Анварни олдига чақирди ва оппоқ, қуруқшаб кетган лабларини зўрға қимирлатиб гапирди:

– Ўғлим, биламан, сенга нисбатан қаттиққўл бўлдим, кўнглингга қараб ўтирмадим, шу пайтгача фақат ўзимнинг айтганимни қилдирдим, эркаламадим. Аммо буларнинг барини сенинг келажагингни, бахтингни ўйлаб қилдим. Орзуларингга етишишингни, менинг ҳам, отангинг ҳам орзуларини рўёбга чиқаришингни хоҳладим. Ўткинчи бир ҳавас, қизиқиш деб ёмон йўлга кириб кетишингдан кўрқдим. Мен сен ўйлаганчалик бағритош эмасман. Мендан айб ўтган бўлса кечир. Наргизада кўнглинг борлигини билсам ҳам у билан ажраштирдим. Бунда фақат ўзимнинг неварали бўлишимни ўйлаб эмас, сенинг ҳам оталик ҳиссини туйишингни хоҳладим. Менга ўхшаб биттагина фарзанд билан юрагингни ҳовучлаб ўтишингни истамадим. Агар йиллар ўтиб ҳам фарзандли бўлолмаганингда, эҳтимол бошида сезмасдинг, аммо кейин барибир ортингда қоладиган зурёдинг бўлишини хоҳлардинг. Аммо унда кеч бўларди. Мен бунини хоҳламадим. Ҳам сени, ҳам Наргизани ўйлаб шу ишни қилдим. Вақт ҳаммасига даво, уни ҳали унутасан ҳам, кўникасан ҳам дедим. Мана энди отасан. Орзуларингга етдим. Мендан рози бўл, болам.

Она вафот этди. Бу қутилмаган ҳодиса бўлди. Анвар эсанкираб қолди. У қачондир онаси уни ташлаб кетишини хаёлига ҳам келтирмас эди.

Анвар онасини қўмсарди, соғинарди. Уйда онаси йўқлигини ҳис қилгани сайин ғалати бўлиб кетарди. Бунга кўникиши жуда-жуда қийин бўларди. Бир куни иш юза-

сидан узоқда турадиган бир дўстининг уйга бориши керак бўлиб қолди. Борди, ишини битирди. Қайтаётганида хиёбон йўлагидан келаётган она-болани кўриб қолди. Сал нарида бир эркак. Аёл қиқирлаб кулаётган боласини кўтариб, юзидан тинмай ўпарди.

Анвар ўзининг ширин-шакар болаларини эслади. Тезликда уйга қайтгиси келди. Бироқ боласини ўпаётган бахтиёр аёлни таниб, донг қотиб қолди. Адашиши мумкин эмас, бу Наргиза эди! Болачасини ерга қўйган аёл ҳам уни кўрди шекилли, шу томонга тикилиб қаради. Ҳа, мана, Анвар кўрққан ўша он етиб келди. Собик эр-хотин юзма-юз келишганди. Анварнинг назарида Наргиза ўзгармаган, аввалгидек гўзал эди. Аммо Анвар бир нарсани аниқ сезди: юраги дупирлаб уриб кетмади, қалби алам-ғусса аралаш қувончга тўлмади. Ҳатто собик

рафикасига айтиш учун бир оғиз гап тополмай қолди. Шундагина Анвар энди кўп нарсалар унут бўлганини тушунди. Энди унинг қалбида Наргизага нисбатан ҳурматдан ўзга ҳеч қандай туйғу қолмаганди. Онаси тўғри айтганини билди. Ҳаммасига вақт даво экан. Вақт ўтиши билан кўникасан ҳам, унутасан ҳам экан.

Анварнинг кўз олдида онаси, Мадина ва болалари жонланди. У бир сўз демади ва бош силкиб салом берган бўлди-да, аёлнинг ёнидан ўтиб кетди. Фақат уйига яқинлашаркан, юрагининг дупирлаб уришини, соғиниш ҳиссини туйди. Лабларида табассум пайдо бўлган Анвар қадамини тезлатди...

Зилола Йўлдошева 1994 йили Сирдарё вилоятида туғилган. Айни пайтда касб-хунар коллежи ўқувчиси.



Дилноза ТИЛЛАБОЕВА

Сув келар тошиб-тошиб

АНҲОР

*Ирғишлаб шошиб-шошиб,
 Сув келар тошиб-тошиб.
 Ирмоқларни тўлдириб,
 Келар тоғлардан ошиб.*

*Қирдаги лолалар ҳам,
 Ям-яшил далалар ҳам.
 Сувдан баҳра олади,
 Шўх-шодон болалар ҳам.*

“2” БАҲО

*Бир куни жажжжи Анвар,
 Опасидан сўради:
 – Она “2” нинг думи
 Қай томонда бўлади?
 Коптогини кўтариб,
 – Шошиляпман, – дер Зилол,*



*– Кундалик дафтаримни
 Очиб ўзинг кўрақол.*

ЁМҒИРДАН КЕЙИН

*Осмон ёришиб,
 Кетди бир пасда.
 Барглардан тушар,
 Томчилар аста.*

*Камалакни мен,
 Кўрдим шу замон.
 Етти хил рангда,
 Товланар осмон.*

КУШЧА

*Осмонни булут қоплаб,
 Ёмғир куйди-ку шаррос.*



*Ёмғир ичра самодан,
 Яшин чақнар гулдурос.*

*Чапак чалар беҳосдан,
 Чугуллаб қуш боласи.
 Энди унинг олдидан,
 Бугун жилмас онаси.*

СЎНГГИ ПУШАЙМОН

*Уч асрни кўрган тошбақа,
 Бир кун оғир қайғуга толибди.
 «Одамларга не савоб қилдим?»
 Ўз умрини чўтга солибди.*

*Ҳисобдан топмай ниҳоя,
 Сўнг бош қашиб, афсус этибди.
 – Бир танаммас, ўй-ю фикрим ҳам
 Косам ичра қолиб кетибди.*



Асомиддин АЛИМАРДОНОВ,
Учтепа туманидаги 238-мактаб ўқувчиси



“АЛПОМИШ”НИ КИМ ЁЗГАН?

Ҳар йили ўқув йили якунланиши билан қишлоққа йўл оламан. Сурхоннинг олис бир қишлоғида бўвим ва буваларим яшашади. Тўртта томони ҳам пурвиқор тоғлар билан ўралган бу қишлоқда саноклигина оила-лар яшайди. Одамлар чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишади. Менга бу кишиларнинг очиқ юзли ва ширинсуханлилиги ёқади.

Таътилдаги энг севимли машғулоти китоб ўқиш. Бу йил машҳур “Алпомиш” достонини ўқидим. Гарчи достоннинг баъзи бир ўринларини тушуниш бироз қийин бўлган бўлса-да, бироқ ундаги воқеалар менда катта таассурот қолдирди. Мутолаа жараёнида кўп нарса ўргандим. Мисол учун, Бойбўри укаси Бойсаридан закот сўрагани учун акасидан аразлаб Қалмоқ юртига кетиб қолади. Шу ерда “закот” нима? У кимдан, нима учун сўралади? Закот учун нималар берилади? Шу ва шунга ўхшаш саволлар туғилди. Бу саволларнинг жавобини бобомдан сўраб билиб олдим. Натижада, мусулмон сифатида билишимиз лозим бўлган айрим маълумотларга эга бўлдим.

Достондаги яна бир воқеа мени ҳайрон қолдирди. Яъни, қирқ кулоч зиндонга ташланган Алпомишни қутқариш учун дўсти Қоражон келади. Зиндонга арқон ташлайди. Алпомиш арқонга осилиб чиқаётиб зиндоннинг ярмига келганда ўйлаб қолади: “Бу қалмоқ бир куни сени зиндондан чиқариб олганман”, деб миннат қилиши мумкин. Алпомиш оёғини тираб туриб олади. Натижада арқон узилиб кетиб у яна зиндонга қайтиб тушади.

– Кўрдингма, – деди бобом тиззасига уриб, – мана шу жерда ҳақиқий жигитнинг иши айтилган.

– Ахир у қайсарлик қилиб яна зиндонда қолиб кетди-ку! – дедим.

– Гап жигитнинг орида! “Миннатли ош тотимас”, деган кўҳналар. Мард, танти боволаримиз ана шундой бўфон-да!

Достонни ўқиш жараёнида мени ўйлантирган яна бир жиҳат: достоннинг шеърий тарзда ёзилгани.

*От чопганда гумбирлайди тоғнинг дараси,
Ботирларни ингратар найза яраси.
Келган бўлса Қўнғирот элнинг тўраси,
Қирқ кунлик йўл Боботоғнинг ораси...
Боботоғдан пойга қилиб ўздирса,
Қўшқанотнинг қанотини суздирса...
Қирқ қадамдан тилло пулни урганга
Мен тегаман шу қарағай мерганга...*

Бундай чиройли қофияларни ким ёзган? Ўқитувчимиз “Алпомиш” достони, умуман, ҳамма достонлар, эртақлар халқ оғзаки ижоди, деган эди. “Буларнинг муаллифи халқ”, деганди. Лекин мен ҳар доим бир нарсани ўйлайман: одамлар бирлашиб шундай достонлар ёзганми? Ёки бир киши ёзиб, исм-шарифини қўймагану натижада буни биз халқники деб кетганмизми? Бундан ташқари қанчадан-қанча “Халқ кўшиқлари” бор. Гарчи мен бу кўшиқларнинг маъносини теран тушунмасам-да, бироқ улардаги чиройли қофия ва ўхшатишларни манамен деган шоирлар ҳам ёзолмаса керак.

Хуллас, “Алпомиш” достонини ўқиб, бир нарсага амин бўлдим: бу достонни ҳар бир ўқувчи албатта ўқиши керак. Зеро, достоннинг кириш қисмида айтилганидек, бу мутолаа жараёнида ўтмишда ота-боболаримиз қанчалик мард ва жасур, ориятли бўлганлигини билиб оламиз.



Нурилла ЧОРИ



ҚИЗҒАЛДОҚ

Ҳикоя

шу кўзлари чўғ узоқ сафардаги йигит!

Сағирларини дам-бадам илинган ит қошиб, эшак тепиб туриши етмаганидай тошга туртиниб, кесакка суришиб улғайди. Ўғли ўғил бўлиб, қизи қиз бўлди. Энди Турдихол кампирнинг эрига эркалик қила олмай, бошқалар оғзида эрмак бўлиб ўтган йиллари унут, яралари бут.

Қизғалдоқлик йигитнинг бари Турдихолнинг қизига ошиқ, беқарорлариям кам эмас. Улар ўзларича талашиб-муштлашиб юрди. Қизи қурмағур қизғалдоқликман деб кўксига уриб юрган кўпларга кўнгил бермай сарсон-саргардон этди. Ҳатто қош қоқиш нари турсин, бир бора қиёям боқмади. Эшик қоқувчилар, остона ҳатлаб қизни сўровчилар кўпайди.

Оҳорсиз кўйлагу рўмол орасида Тўлғоной қиз тўлган ойдан-да сулув! Уша ушрўйнинг онаси Турдихол аҳли Қизғалдоқнинг бировига сингил, бошқасига жиян, яна бирига чеча бўлишини кун ўтиб мана, энди билади. Желлагини судраб бўсағасини ҳатлаган хотин борки, «шу қизгина бегона бўлмасин» деб келдим дейди. Турдихол қизгинанинг ҳали «бир товоқ унни элаб уддасидан чиқолмас»лигини айтиб жавобини берса, «Сени одам билиб келувдим! Ўзимга тенг кўриб адашибман! Аттанг! Турган туришинга қара, димоғинга тушган қуртдан ўргилай!» деб эшикни тарақа-туруқ ёпиб, кўнқиллаб кетганлар кўпайди. Келиб-кетарлар одам топилмаса, сояси билан сўзлашиб, тўймайди.

Турдихол шу пичир-пичирлардан кўрққанидан мард кетди. Йўғ-а, мард кетмади, мўрт кетди. «Жесирга совчи аёл бўлади. Қизгинани сўраб келгувчи эр бўладида, энди!». Тилидан чиққани ёқасига етмай остонасида Эшпўлат даллол кўринди. Қизғалдоқда ким от сотар, ким мол сотар, ким дулдул, ким хўтик олар бўлса, шу Эшпул даллол нарх бичади. Барака олиб, барака сочади. Сотгувчи ҳам шу, олгувчи ҳам шу Эшпул!

* * *

Эшпул чойни иссиқ-иссиқ хўплади. «Шаштинг бир эрча бор, чеча!», деб Турдихолни кўйлагига сиғдирмай, кўпларга парвоз эттирди. Аёл қушдай бўлади. Қушдайгина бўлмайди, аёл асли зоти қуш бўлади. Учса кўнар жойини билмай қолади.

Парвоз қушга ярашаркан. Аёл асло учмасин экан. – Чеча, чойни ким дамлаган?



Турдихолнинг эри аскарликка кетди-ю, қайтмади. Ўлик-тиригидан дарак йўқ. Есир боши билан кўзининг оқу қораси бир ўғил, бир қизини элга қўшаман, деб ёшини яшамай, ялмоғизнинг сингилсидай қариди-қолди. Бу орада очик боши не бир маломатларга қолиб, тақдирининг иссиқ-совуғи юзига чанг солиб, изғирин шамоллари сочини юлди. Елкасидан қамчи еб, товони ёрилди. Аммо кимсанинг эшигидан мўраламади, бировнинг ўнгирини ушламадиям.

Қизғалдоқ – кенг дара. Қишлоқнинг калулоғи Турдихол, емаги маккажўхори, нўхат бўлди. Оғзи зоғараю ёвғон ошга етиб турди. Қизини номуси, ўғлини ори билди. Тунларни узундан-узоқ эртақ айтиб тонгларга улади. Эртақларида юраги ёлдор ботир йигит мусофир юртада адашиб, ўз тупроғига қайта олмай дарбадар кезди, кексаймади. Битта, ўнта, мингта эртақ айтди. Барчасида –



– Ким дамларди, Тўлғоной-да.
– Эҳ-ҳе, Тўлғоной синглимиз чой дамлайдиган бўл-
дими, а?
– Оғажон, сиз Тўлғонойнинг чой дамлаганига ишон-
майсиз, мен хамир қоришига. Билмайман, Қизғалдоқнинг
кўзига шу ойқизимдан, сулувимдан бошқа кўринмай
қолган. Дуч келгани, эшигимга соя солиб эрмаклагандай
бир сўрайди.
– Эҳ, нима деяпсиз унда, чеча?!
– Бирор нима деганимча йўқ.
– Демайсиз! Тўлғонойни бошқаларга бериб қўя-
диган Оллони бандасимас!
– Эи-и-й. Бу нима деганингиз бўлди?
– Тўлғонойни ўзим келин қиламан!
– Шошилмаяпсизми? Бола-да!
– Эл сўраяптими, болалиги қолмабди, чеча!
– Қизгинани кўнгли дегандай...
– Эй, кўнгли ҳам гап бўлибдими, – Эшпул оғзига
келган гапни ичига ютиб гўлдираб қўйди. Йигитга қизнинг
кўнглини олиш «энангни...» деганидан осон-ку!
Топган гапига ич-ичидан қувонди. Қувончи ичига
сиғмай яна илжайиб Турдихол кампирга қулоқ тутди.
– Энди, айтаман-да...
– Биздиям эшитинг унда, чеча. Тўлғонойнинг отаси
икки томир ошган акамиз бўларди. Буни биласиз!
– Билмай ўлибманми.
– Билсангиз, султон суягини хўрламас, деб осто-
нангизга келиб айб қилибмиз-да!
– Ундай... ундайлар деманг-а...
– Демасак, гапингизга қаранг-да. Ҳали бола дей-
сиз, ҳали кўнгли дейсиз. Кўнгли ўлгур кўтир бўлмаса,
чимилдикдаям бинойидай топишиб кетади. Ё акам
билан Назабулоқ этагида қизғалдоқ терибмидингиз?!
Мана – келинингиз, эҳ-ҳйи, қудагайингиз, менга аталга-
нида энасининг қорнида бўлган. «Остона супур-сидир»
қилинган. Ё у замонлар ўтиб, бизники гуноҳ бўлдимми?!
Эшпулнинг гапи Турдихолнинг кўкайига ботди. Кам-
пирнинг қайсар томири тортди. Даллолнинг гапи-да оғ-
зида қолди.
– Қайним-ов! Аёл бошим билан бирор нарса дея ол-
майман. Менгаям, Тўлғонойгаям Сафар эга! У опасини
кимга берса, қизим шунинг ўнгиридан туттади.
Эшпул мум тишлади... Икковининг ҳам қулоғи динг!
Тиллари ўз ўрасига чўккан! Кўзлари дастурхон гардиши-
даги қора мағизга қизил ип билан уқувсизларча тикилган
гулга қадалган! Бу ўнғайсиз ҳолат рўзи маҳшар қадар
борадигандай! Гуё Исрофилнинг сурини кутишаяпти!
Кирлигидан ёғ босиб тусини, тусига қараб тикил-
ган гулини фарқлаш қийин бўлиб қолган қалпоғини ўнг
қўлига олиб, сўлига «қарс-қарс» урмоқчи бўлди-ю, че-
кинди. Қўшқўллаб ғижимлади. «Беайб Парвардигор. Су-
яксиз тил бошга бало», деб ғўнқиллаб даллолнинг тили
чиқди.
– Чеча, ундай бўлса, Сафарбойни чақирмайсизми?
– Уни Абрай оқирақ ҳайровга олиб кетган. Ҳафта-
ўн кунда келиб қолар. Сабр қилсангиз, Сафарнинг жа-
вобиниям оларсиз. Худойимни даргайида ўн кун ўтмай
қолмас.
– Ҳимм, шундай денг! – дея чуқур нафас олб кутил-
маганда тиззасига қарсиллатиб дўпписини уриб...
– Чеча, сиздай хотин ҳар маҳалда бир туғилса ке-
рак. Буям элни обрўси. Ҳали мўйига устара тегмаган ули-
ни шунча иззат қилиш. Энди, бу оқил хотинди иши-да!
Бўларманнинг боласи еттисида бош бўлар, бўлмағурнинг
боласи етмишидаям ёш, деган бурунгилар. Сафарбойям
суриқдай йигит бўлибди-да. Кеча қоронғу олиш пайт Жин-

жакли бозоридан қайтиб келаётсам, Бойиркўлни сойда
бир тўда йигит курашиб ётибди. Бирпас туёқдам қилиб,
олишни кузатдим. Сафарбойга тирашадигани топилма-
ди. Бизниям томирдан даврагир чиқаркан-ку, деб хурсанд
бўлганимдан тишимгача терлаб кетди. Рўзгорингизга Са-
фарбойни бош билганингиз дуруст. Мен бекорга шаштин-
гиз ҳам, гап-сўзингиз ҳам бир эрча бор, деб айтмадим.
Қизғалдоқ катта эл, кўриб-билиб юрибмиз.

– Оғажон, оғринманг, оғринмасангиз-чи! Сиз нима
десангиз шу-да. Мен нимаям дердим. Султонман деяп-
сиз-ку! Илоё султон бошингиз омон бўлсин. Султон
оғамдан айланай.

– Тўйни қачон бошлаймиз?
– Энди, Сафарбойни олдидан бир ўтайлик...
– Сизнинг берганингизми, чеча!

Уларнинг гурунги устидан жимлик ғолиб келди. Тур-
дихол кампир бошини шу жимлик эгди. Қайта-қайта бош
ирғади...

– Ҳа, қаддинги урғурни чечаси!
Тўлғоной чойнақдан ҳол сўрар бўлиб эшик тир-
қишидан мўралади. Онасининг кўзи Эшпулнинг оғзига.
Қиз томоқ қирди. Яна-яна томоқ қириб, товуш берди.
Эшик тирқишидан сўз қанот ёзди: «Ҳу-ув қизгина, ўзим
бораман».

Қорақумғон шақир-шуқур қайнар, қопқоғи ўйнар,
хушрўй қиз кул титарди. Турдихол кампирнинг ёноқ-
ларига кулги югуриб, ёшидан ёшариб чойнақ тутди.
«Қизгина, чойни дамла! Ҳайитлигини ейин, сенгинани
сотдим, елкамдан ошириб отдим». Тўлғонойнинг мушт-
дек жуссасига минглаб қумурсқалар ўрмалади. Тилидан
отилмиш сўроқ тишларининг орасидан чиқмади. Кўзлари
«Кимга, кимга?» дея сўзлади. Онаси: «Ўз қонинг ўзингга
бўлди, қизим! Қошу қабоғим бўласан. Ҳу-ув пешонамда
турасан. Шу қариндошга, қариндошнинг улга бердим!».
Турдихол кампирни таний олмаётган қизи онасининг
жинжигидан пилаёган Эшпул даллолдан ижирғаниб, ер
сингалаганча мўлтираб овоз берди.

– Қондош бўлса-да, ёндош эмас, номуссиз, деб қар-
гардингиз-ку, эна!

– Олло кечиримли бўлганида, бандасига йўл бўл-
син, болам! Кечиримлини Эгамнинг ўзи суяди, суяйди.

– Эна, кечиримли бўлинг, майли! Қизғалдоқда Ма-
ши масхарадан бошқа тенгим йўқми?

– Мамашукурбойни масхара дегани уялмайсанми,
ҳадемай эринг бўлади. Оғзим бор деб гапираверасан-
ми, – дейишга деди-ю, масхарани Муҳаммадшукурбой
дейишга кампирнинг фаросати етмади.

Кампирни остонада «тегмайман-тегмайман» деган
ҳирқироқ овозлар қувиб етса-да, парво қилмай ичкари-
лади.

– Чеча, нима гап?

– Тўлғоной-да...

– Ҳим-м-м... Тегмасмишми... Ҳеч бир маҳалда қиз
тегаман деганми ўзи? Қиз тегмайман деб тегади, йигит
оламан деб олади. Азалдан йўриғи шундай.

Турдихол хаёл оғушида. Ўз бахти – болаларининг
толедидан сармаст. Ҳовлиси бир этак қоракўз қий-чувига
тўлса. Тўй-тўйларга уланса, ўғлиям Қизғалдоқда бир
одам тенгига ўтса. Гулдай қизни келин қилса, ул келин
Турдихолнинг кўнглидан яралса. Армон не билмаса. Бахт
дегани бўлса, гул етимларининг пешонасида кўрса.

* * *

Эшпул мол сотадиган одамнинг қўлини силкилаб-
силкилаб дилидагини ошкор қилди. Бозорга кирган се-
миз кўчқорнинг қуйруғидан чангаллаб, «Тўйбоп экан-

да!», дея сир берди. Қулоғи оғирга қичкириб, олтига мункайиб, эшаклига гердайиб айтди. «Тўлғонойни келин қилдим!», деб Қизғалдоққа жар солди.

Сафари қариган қиш кунда Қизғалдоқни иккига бўлиб ўтган дамариқда Абрай оқироқ бошчи ҳайровчилардан олдин лойқа сув келди. Сув ҳапқири Сафарбой ҳовлиқиб ҳам қайтди. Қулоғи битиб, боши қотди. Аммо норизолик қилиб оғиз жуфтлай олмади. Онасини койишга тили бормай Эшпул даллолни, Маши масхарани бўралатиб сўкиб, юрагининг черини ёзди. Элни «Эшпул Турдихол кампирнинг қизини келин қилибди», деган овоза тутди.

Неча алплар Тўлғонойга дираялмай тўлин ой билан сирлашиб келаётганди. Уларнинг барчаси кўксини зах ерга, Турдихол эса қизини Маши масхарага берди. Машининг мучали маймунлиги боисми, болалигидан дарахтга тирмашиб юрарди. Элнинг оғзига шамол ўйнатиб Раззоқ миршаб тўйига масхара олиб келди. Масхаралар Қизғалдоқ дарасига дор қурди. Дорда сакраб-сакраб умбалоқ ошиб чопди. Най чалиб, илон ўйнатди. Елкасига маймун миндириб ахли Қизғалдоқ липасидаги бир тангасидан тортиб сариқ чақасигача шилиб олди. Шу кундан буён Машибой дом-дараксиз...

Кейин кўп бора бодом гуллади, тўкилди, ёнғоқ пишди, қарға олиб қочди. Яна-яна бодом гуллади, тўкилди. Ёнғоқ қарғанинг оғзида кетди. Йўлбарсдан қочган қуён юрт кезиб, эл оралади. Думини ўйнатиб дикка-дикка сакраган қуён қисир чиқди. Ер ориқлаб ит семирди. Кўзини ёғ босган ит ғариб эгасини туянинг устида қопди. Дашт одамлари қатрлаган қавирға бўлиб қолган ушоқ жонлиғини ўрага бутидан судраб ташлади – оғизлар оқлиққа етмай қолди. Эшпўлнинг эса куни туғди...

Бир қарасанг ҳамса-халойиқнинг эчки-улоғини Жинжакли бозорига қувиб кетаверади. Эртасига Найзабулоқда эшикма-эшик юриб «Хув биродар! Молингни ҳаром қотирмай менга бер, пуллаб бераман», деб қора мол теради. Сўнг куни Қорабўриққа карвонини бошлаб кетади. Молни тонг отгунча кўтарганига сотади. Эгасига терисининг ҳақиниям бергиси келмай бўза симиради. Бир қўлида соч толасидай кесилган аччиқ пиёз, иккинчиси иссиқ кабоб билан банд. Оғзини катта очиб омонат тишлари билан ёғли этни сихдан суғирди. Эгилган бошини бироз кўтариб терак бўйи балангликка юзланди-ю «до-о... , до-о... , до-о... , р-р-р... »лаб қотти-қолди. Даллолнинг нима деяётганини унинг кўзлари тикилган томонга қарамаган киши билмасди.

Кўкиб ётган жун бозори-ю чангиб ётган ун бозори оралиғида дорбозларнинг дори бўй кўрсатиб тўрибди. «До-о... , до-о... , до-о... , р-р-р... »лагани билан Эшпўл унга қараб чопмади. Юрак олдириб қўйган. Авваллари ҳовлиқиб борар, дуч келган масхарадан пушти камари – эркактой ўғли Машибойни сўрарди. Энди бўлса узоқдан ўғри мушукдай пойлайди. Масхаранинг кўзларига тикилади, ўзида бир ажиб туйғу туймаси сира бормайди. Бора олмайди. Қайси бир йили, адашмасам тўнғиз йилида Жинжакли бозорида ўйин кўрсатаётган дорбозу масхаралар олдига бориб даллол ўғлини суриштиради. Масхара бўлса «Ота-отажон! Мана мен ўғлингизман, танимадингизми?» деб даврага олиб чиқади. Ва бешолтита тухумни осмонга отиб алмаштира бошлайди. Тухум эса битта бўлиб қолади. Томошатаблар ҳам, Эшпўл ҳам ҳайрону лол. Масхара катта ва кенг ямоқдор чалварининг тиззасигача келадиган киссасини тескари қилиб осилтириб, эгнидаги камзулининг ҳам шу аҳволга туширади. Одамлар масхарани кўзбўямачилиқда айблаб бошлаганида Эшпўлнинг елкасига зарб билан бир

уради-ю кетидан бешта тухум туширади. Шу-шу даллол масхаралардан кўрқади. Олдига бормай зимдан термулади.

Чолларга эргашиб бозорга келган болакайлар уларга шерик катталар қуршовидаги дор тагидаги оломонга даллол келиб қўшилганида уста дорбоз Масхарани бир шапалоқ туширди-да, дорга чиқа бошлади. Аламзада масхара сохта йиғлаб ортидан дор устунига тирмашди. Дорбоз лангар таёғини олиб дорнинг нариги бошига югуриб ўтди. Масхара эса дор устунларининг айри жойига ўтириб олиб унга рағбат бераётган болаларга юзланди: икки ёноғи қип-қизил олма ранг, қалин лаблари пишганидан ёрилгудек гилос тус, бурни мисоли бемаза бодринг, юқори ва қуйи қовоқлари ғўр олма, кўзларида бир соғинч, бир мунг уфуриб турибди. Уни бўлса қалбаки киприк лашкари тўсиш билан оввора.

Пушти паноҳ – Эшпўл таниди-билди. Ўз зурриёди ер қолиб, кўкда кимсанинг кўнглини овляпти. Отанинг меҳри ийиб тикилиб қолганида уста дорбоз дордан икки бора умбалоқ ошиб масхаранинг олдига пайдо бўлиб, лангар таёғини тутқазиб, ўзи қўлларини лангар қилиб ортага қайтди.

Машибой бир-икки-уч қадам ташлади. Лайлак туриш қилиб қанот қоқди. Бир неча бор чумчуқ сакраш қилиб ўйнади. Даллол атрофидагиларига «ху-у дорбоз менинг ўғлим» деб гуррайди. Орзиқиб қутилган, Тангридан тиланган дийдор кўзларидан қалқиб тошди. Одимларини тезлаштираётган масхара югурмоқчи бўлди-ю, арқонни эшак қилиб миниб қолди. Дор арқонини қўш қўллаб маҳкам ушлаганча чинқирди. Киприк қоққунча ёнғоқ шохига осилган ўғри қарғадай осилди-қолди. Ёқасидан заранг ерга бир тухум тушиб ёрилиб кетди. Томошатаб болалардан бир «У алдабди. Ютиб юборган моятга қўйнида экан-ку!» дея қичқирди. Худди у масхаранинг бор фариби энги орқали қўйнига тухум ўтказганини кўргандай.

Дор томошаси шу тариқа тарқаган. Эшпўл Қорабўриқ бозоридан отга мина олмаган ўғлини хуржунининг бир кўнжигача тош солиб, иккинчисига Машибойни оёғини тиратиб, киндигини эгарга маҳкам босиб келганини тун қўйнида даллолнинг завжасидан бошқа ҳеч ким кўрмаган. Бу тақир тарихни Қизғалдоқда Эшпўл, мусичайи безалол аёли ва Маши масхарадан бошқа билмайди-билаолмайди.

Тўлғоной термулган кўзларни куйдирадиган, ойни суқлантирадиган келинчак бўлди. Ой ва юлдузларни булут қамал қилган кеча зимистон бўлди. Тонгга бормай Турдихол кампир уввос тортиб йиғлади. Йиғи оламни тутиб, осмон ҳам унга эргашди. Иккови ўпқасини босолмай, қора ерни азонга қўймай шитта лой қилди.

Турдихолнинг ҳоли танг. Тилини ютган. Не қиларини, не деярини билмай ҳайрон қотган. Нимаям десин, қизғалдоқлик қолиб, Қизғалдоққа қишламоқ учун кўнган қора қарғалар-да бир тунда ўн тўрт кунлик ойни хижолат қиладиган гул қизини «Тўлғоной бузук, Тўлғон бузук»қа чиқариб, қағиллаб «бузук-бузук», дея қанот қоқиб кетган.

Сафарбой ер муштлаб наъра тортиб ётибди. Аламдан ўкирганини эшитган кекса тоғларнинг оппоқ сочлари тўкилиб кетди. Олам гумбурлаб чақмоқ чақди. Тўлғоной этини юлиб, ўзини отиб, қон ютиб, кун кўрмай ўтказиб борлиқни кўкартириб юборди. Кампир ҳолига дунёям кулди. Яшнади, ёшарди.

Эшигидан ит мўраламай қўйган, эл ўзини олиб қочган кунларнинг бирида бўсағани Бухор мулла босди.

– Турдихол, тузукмисан?

– Мулла ака, Эгамнинг ўзи манглайимни шўр эмас, суваламни балчиқдан олганими, деб ўтирибман-да.

– Эсипастлик қилма. Ҳали бир кунлар келар, хува ана шунда ношукурлигинингдан музтар бўлиб қоласан!

– Яратганнинг ёруғ куни, бахт қуши бўлса, одам қуриб шериги шайтон жесирни бошига қўнармиди?!

– Тилиннга эрк бермай, Тўлғонойингни чақир, ўзинг ҳам бери кел!

Қарға кўрганини чўқиганидай, Бухор махсум ҳам билганича ўқиб, «суфлаб-суфлаб» дамсув ичириб, аччиқ-аччиқ танбеҳ бериб тадбир қилишини айтди.

Кампирнинг патагига курт тушиб, жинжаклик Мохов фолчига чопди. Фолчи дойрасини чертиб-чертиб кун ботарда кул тутганга чиқазиб, давоси кулранг товук эканидан сўзлади ва фақат момо чироқни Манғит қушноқ ўтказишини тайин этди.

Тўлғонойнинг пешонаси товук қони рангини олди. Сўнг уни жандага солди, олов билан савалаб қоқа бошлади. Қизнинг кўзига қушноқ қўлидаги олов қизғалдоқ бўлиб кўринди. Хаёлини онасининг тонги йироқ тунларда айтган эртаги ўғирлади.

Қадим-қадимда бўри баковул, тулки ясовул, қарға қақимчи, чумчуқ қақимчи бўлган пайтда илону чаён ҳам тек эмас экан. У пайтлардаям камбағални туянинг устида ит қопаркан, ғарибнинг пойини пойлаб чаладиганлар бўлар экан. Эй, нимасини айттайин, онангни қози ўйнаса, додингни кимга айтасан, деган замон экан-да. Кичик бир юрт Хоқоннинг мулки экан. Мол-мулкка муккасидан кетган Хоқон атрофидаги эллар орасида низо чиқариб, устига от ҳайдар, бағрига тиг санчар экан. Тиг санчишни қўймас, мол-дунёга тўймас Хоқон саройи хотин-халажга, қиз-жувонга лиқ тўла экан. Ўша зўр хизматига шай хуфиялар сон-саноғи йўқ экан. Улар эл оралаб, юрт кезиб, қаердаки хусндор қиз бўлса, Хоқонга хабарини етказар экан.

Кунлардан бирида шумқадамлар кўзи бир бечора чолу кампирнинг қизига тушибди. Хоқон хуфиялари ўзини совчи деб айтиб, овчиликка қилганида навкарларсиз юрмаскан. Қизни олиб кетишга келганида чол уларни ўтовига чорлаб, нон-намак тутиб, ўз ўтмишидан дoston кўйлабди. Йигитлик чоғида Хоқоннинг отасига навкарлик қилиб, бир жангда ўнг қўли қилич зарбидан узилиб, сонига найза санчилиб, яна қайсидир юрт ошганида юзи қўйганини айтиб, ёши ўтгач жангу жадалларга ярамай қолиб, олаҳуржунни бўйнига олиб, қиз кўрганини ва ёлғиз зурриёти шу эканини айтибди. Хуфиялар қизини ул зотга муносиб билгани ва навкарлар келганига мамнунлик билдириб, қизи билан хайр-хўшлаш учун бир тун сўраб ялиниб-ёлворибди. Кекса навкарнинг юзидан ўта олмаган йигитлар саҳарда келишини тайин қилиб, жўнаб кетишибди.

Чол «Куним битган, паймонам тўлган кўринади. Сен қизингни олиб қоч ё яшир», деса, кампирни хўнг-хўнг йиғлаб, уни ўтмишда кўп кишиларнинг ёстигини қуриганликда айблаб, «Худойимнинг омонатини қаердаям асраш мумкин?!», деб зор қақшаб, Хоқоннинг қўли узунлиги, қўлидан тиғи узунлигини айтиб, ўз пешонасидан домонгир бўлибди.

Ота-онасининг дардидан воқиф қиз оидин тун қўйнида кўклам туҳфа этган оқ чечакларни оралаб, чангқовузни «биёв-биёв-биёв»латиб чала бошлабди. Тиззаларига уриб турган оқ чечакларга ҳаваси кетиб,

дилини чангқовузга жўр этиб чертавериб-чертавериб, ўзини буткул унутибди. Гулгунчадек лаблари қонаб, оқ чечак косасига томиб, беҳол йиқилибди.

Кўклам тонгининг шабадаси далада ястаниб ётган чечакларни қизартириб юборибди. Қон либосини кийган оқ чечакларни чолу кампир қизғалдоқ қизим деб қучиб овоз чиқаргани, аза очгани олис-олис ўлкаларгаям етибди.

Хоқон юртида «Қизғалдоқ бўлиб яшаётган қиз элда тенг-тенги билан бўлмагунча қайтмас эмиш... Қизлигини соғинган қизғалдоқ эса ҳар баҳор қир-адирларга чиқиб, кишиларга мўлтираб туришиям шундан экан...», деган узук-юлуқ гаплар томир отиб оғиздан-оғизга, қулоқдан-кўнглига ўтаверибди...

Тўлғонойнинг хаёлини сонияга ўғирлаган эртақ аста-асталик билан бутун ақлу хушини банд этиб олди. Ойнинг тўлин бўлишини, қизғалдоқнинг қийғос очилишини кутди. Кундузи онасига ҳам кўринмайдиган, тунда эса чангқовуз чертиб тентирайдиган одат чиқазиб, «Қизғалдоқман!», деб даъвоям қила бошлади. Кампир қизини жин чалган билиб, фол кўрдириб, кулранг товук қони энмаганига йўйиб, кўк улоқнинг ҳам бошини олдириб юрган кунларнинг оидин тунда Тўлғоной қизғалдоқлар орасида чангқовуз чала-чала ғойиб бўлиб қолди. У ойга йўл олдимми, қаро ерга қоришдимми, унисини Қизғалдоқ одамлари билмайди.

Турдихол кампирнинг «Ой-куни тўлиб туғилмаган Тўлғоной қизим-ай, билармидинг дунёнинг ўзи шарманда эканлигини? Қорнимга жой бўлган ойқизим, илон эл бўлган, чаён сиққан дунё торлик қилган қизим-ай! Эй дунё, тор қорнимча йўқсан!» деган иддаоларига ҳамма кўникиб кетди. Эл энди биров-ярим дунёдан норизо бўлса, «Турдихол кампир бўлиб кет-ей», дея эрмак қилар одат чиқарди...

Турдихол – бу дунёдан ҳам қари кампир аёздан кўкламни, кўкламдан қизғалдоқни, қизғалдоқдан қизини илҳақ кутади. Оидин тунда чангқовуз чертиб, «Қизғалдоқ бўламан!», деб йиғлайди. Сафарбойнинг бир этак неваралари кампирнинг кўзидан Қизғалдоқни яшириб сарсон. Улар томлар устида, деворлар бўғотида ўсган азалги оқ чечакларни олиб қочса, «қизғалдоқни босма-ей! Ўз бағрини тиглаган қиздир у!», «қизғалдоқни юлма, қон йиғлаган қиздир у!», «Қизғалдоқ гул қизим-ку!», дея Тўлғонойни йўқлай-йўқлай тили ич-ичига тортиб кетади.

Кампирни «ана кетди-мана кетди»лаб болалари «чопҳа-чоп»га тушиб қолади. Мулла Махсум кампирнинг кафтига кафтини қўйиб калима қайтариб ўтиради. Кампир не маҳалга бориб, яна «Тўлғоной келдимми?!», дея туради. Болалари ўпкасини босиб олади – ўз юмуши билан андармон бўлиб кетади.

Тол туш Қизғалдоқнинг осмонидаги қуёш тик келиб, соя бермай қўйган палла. Кеча тили тортиб кетган Турдихол кампир тўрт оёқлаб том олдига ўрмалаб борди. Умидвор бўлиб олис-олисларга қаради-ю, икки одим нариниям илғай олмади. «Қизғалдоқ, Қизғалдоқ, Тўлғоной, Тўлғон-ҳов», дея товуш берди. Товушини кампирнинг ўзиям эшитмайди, дунёдан умидиниям узолмайди. Ўзи турган тақир ердан эмаклаганча қўллари билан пайпаслаб қизғалдоқ излайди...





Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
ЎзМУ доценти

КЎНГИЛНИ ФАСЛНИ ЎЗГАРАДИК-АА ХАЗОН БИЛМАС

Инсон ҳали ўзлигини англаб етмаган гўдаклик, болалик чоғларида, оламни ўзига хос рангин тасвирларда тасаввур қилади. Бу ақл билан эмас, кўнгил билан дунёни идрок қилишнинг илк қадамларидир. Бора-бора гоҳ тушуниб, гоҳ тушунмай атроф- мухитдан, табиатдан андоза ола бошлаймиз. Йилнинг тўрт фаслига қиёсан инсон умрини фаслларга менгзаш бежизга эмас. Ҳазрат Алишер Навоий девонларини эслайлик. Ибтидонинг интиҳоси борлигида равшан. Фасллар келар, ўрин алмашар, ҳаёт чархпалаги шу зайл давомий. Кўнгил фасли-чи? Кўнгил қарийдимми? Одам кўнгил ройишлари унинг ёшига қанчалик боғлиқ? Кўнгилнинг сарҳади борми?. Кўнгил кўчаси нима? Шу маънода ҳар ким ўзига кўплаб саволлар бериши мумкин. Лекин бу сўроқларга тўлиқ жавоб берилмаган, ҳаммага маъқули топилмаса ҳам керак. Шунинг учун кўнгилда. Юрак, қалб, дил сўзларини керакли ўринда кўнгилга синоним сифатида ишлатиш мумкин. Аммо, юқоридаги саволларни қуйганда фақат энг мос келадигани кўнгил экан. Кўнгил бепонелигига энг яхши далил: Тангри бутун оламга сиғмас экану инсон кўнглига сиғар экан. Мавлоно Жалолиддин Румий бежизга қуйидаги сатрларни битмаган:

*Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил,
Кўз бўлурму ҳақни кўрмас булса ул...*

Ёки улуғ А. Навоийнинг “Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай, Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай” дея гуманистик руҳда инсон кўнглининг беқиёс даражадалигини, кўнгилнинг Каъбаданда улуғлиги таъкидлайдиким, шоирнинг ўзи “Каъбаким банданинг саждагоҳидир, кўнгилким Аллоҳнинг жилвагоҳидир” сатрларида жавобини ҳам беради.

Фоний дунёга, ялтироқ жилваларига алданмайдиган кўнгил кўзи билан қараш, инсонни инсонийлиги ботиний дунёсининг бойлиги билан ўлчанишини ўқдирувчи- нақадар пурмаъно мисралар.

Кўриш кўзи бўлган, борлиқ коинотни сиғдирган кўнгил фаслларининг ўлчови борми? Яхши мусиқадан ҳаволанадиган, гўзал шеърдан сурур туяди-

ган, латиф, жонбахш нигоҳдан мумдек эриб, бир ғазабли қарашдан тўфон кўпадиган кўнгил фаслларининг чегараси қайда. Мен кўнгилни қўёшга интилаётган гулга ўхшатаман. Бу гул ширин каломдан баҳор насимини сезгандек тебранса, аччиқ сўздан куз изғиринидан сескангандек озорланиши мумкин. Ҳаёт қуюнларида эгилиб- буқилсада илдизи билан кўпорилиб кетмайди. Мана шу илдиз бақувват бўлиши учун у озикланиб туриши керак. Кўнгилнинг энг яхши озиғи бадий юксак савиядаги китобу содиқ дўстларнинг самимий суҳбати, дийдоридир. Инсон ўз кўнглини мана шу икки манбаа асосида нурлантириб борса, хазон билмас гулдек чаман бўлиб яшнагай. Ҳар ким эрталаб кўчага ораста бўлиб чиқишга ҳаракат қилади. Одамларнинг бир-бирига ёқимли кўринишига не етсин. Қанийди ҳаммамиз ойнага қараб ташқи кўринишимизни рисоладек қилганимиз баробарида қайга боришимиздан қатъи назар тилимизни, дилимизни поклаб борсак. Кун давомида бирор қалбга кир қўндирмасак ва бундан беадат завқлар туйсак. Инсонлар ўзаро ҳурматда, севгида яшаши муқаддас китобларда такрор-такрор ўқдирилади. Улуғ мутафаккирларимиз бу борада кўп ибратли фикрларни айтиб кетганлар. Шоирлар ўтли сатрларини битганлар. Машҳур тасаввуф шоири Юнус Эмронинг “севинг, севилинг дунё қолмас инсона” сўзларини эслайлик. Мана шундай ҳаётимизни гўзал қилиш ўз қўлимизда. Бунинг учун кўнгилни тез-тез ғуборлардан тозалаб турмоқ даркор. Яна бир бор айтаман қалбимиз суҳбату шеър билан покланади. Қалбни поклаб олгач нени истасак ўзимиздан топамиз. Ана шунда ҳазрат Жалолиддин Румийнинг қуйидаги сатрлари моҳиятига етамиз.

*Нарса йуққим, хорижи олам эрур,
Ҳар не истарсен, ўзингда жам эрур.*

Мавлоно бу билан инсон неки истаса кўнглидан топишини ўқдириши бекорга эмас. Инсоннинг муқаррамлигида қалб ҳолати, соф кўнгил малоҳати билан ўлчанади. Одамзот ҳаммани алдаши мумкиндир, ле-

кин ўзини алдолмайди. Борлиқдан яшириниши, бош олиб тоғу тошларга чиқиб кетиши ёки бир умр кимсасиз ёрларда яшаши мумкиндир, аммо ўзлигидан қочолмайди. Қаерда бўлмасин қайтар жойи кўнгил. Сирожиддин Саййид топиб айтгандек:

*Дил букун, бошдин оёғим дил букун,
Ҳар қарору ҳар қароғим дил букун.*

*Дилдан ўзга қолмади манзил манга,
Энг яқин ҳам энг йироғим дил букун.*

Дилимизни ҳамиша гўзалликка ошни илиб бор-сак кўнгил фасли доимо баҳордек мусоффоликка

бурканади. Хазон билмас фаслга эврилади. Бу эса ўзликни сақлаб қолиш, миллатнинг маънавияти юксалишига қувват бўлиш, авлодлар келажагига пойдевор қўйишдир.

Кўнглимиз заволсиз боғдек булиб гуркираб туриши ўз кўлимизда экан, руҳониятимизни қанча покласак бу боғимиз шунча яшнагай ва бу боғдан аввало ўзимиз сўнг атрофимиздагилар баҳраманд бўлгай. Ўзгаларга шодлик улашиш, бахтнинг бир қирраси шудир балким. Келинг азизлар ҳаётимизнинг мазмуни, моҳияти дунёга қайдай қарашимизга боғлиқ экан бунинг омили бўлган кўнгилмизни қаритмайлик.



Гулноза ИСОМИДИНОВА

Фақат кулиб юринг, Онажон

ОНАЖОНИМ

*Тунлари бошимда парвонам,
Сиз менинг таянчим, дардкашим.
Бу дунёда меҳрибон, мунис
Сиздан ўзга йўқдир ҳеч кишим.*

*Сочларимни силайсиз тунлар,
Кўзларингиз бунча паришон.
Кўнглингизга бўлайин малҳам,
Фақат кулиб юринг онажон.*

ТАБИАТ

*Табиатнинг сеҳри кўп,
Бизга берар меҳри кўп.
Уни асраш бурчимиз,
То етгунча кучимиз.*

*Савлатли тоғларимиз,
Ям-яшил боғларимиз,*



БИРИНЧИ УЧРАШУВ




*Бу юртга чирой берар,
Ва биздан меҳр сўрар.*

*Табиат ҳам онамиз,
Унга меҳр берамиз.
Бағрида уйнаб-кулиб,
Муносиб фарзанд бўлиб.*

СОҒИНЧ

*Тушларимга кириб чиқасиз,
Кундузлари юраман ҳайрон.
Фақат сизни, сизни бир умр,
Соғинаман азиз дадажон.*

*Қалбларимда яшайди ўкинч,
Дилимдан ғам кетмас ҳеч қачон.
То тирикман ёруғ дунёда,
Соғинаман сизни дадажон.*



Хуррам РАЙИМ

Сабр қилган топар халоват

* * *

Сабаб бўлиб турфа синоат,
Ўйга толар тун кўлагаси.
Оғир юкдан эгилиб қомат,
Майишади тунлар елкаси.

Чуқур-чуқур олади нафас,
Карвонларнинг бошида гирот.
Юриш керак олдинга халос,
Ортга қайтиш мумкинмас, уят.

Шиддат билан ўтади замон,
Тирмашади баланд чўққига.
Кўрар не бор тақдирда инсон,
Тушган бўлса нима чекига.

ЯШНАБ КЕТАР

Хаёлларинг гулга буркайсан,
Шудринглардан ясаб кўзмунчоқ,
Билиб атай ўзинг тергайсан,
Орзулардан ясаб беланчак.
Шукр дейсан шунисига ҳам,
Бахтдан сўзлар очилган чоғи.
Чекинади шу фурсатда гам,
Яшнаб кетар кўнгиллар боғи.

* * *

Кўп топмадим, оз топдим бироқ,
Нолимадим тақдиримдан ҳеч.



Бўлсам ҳамки кичик шамчироқ,
Тун бағрини тилдим шамчироқ,
Тун бағрини тилдим эрта-кеч.
Гоҳо шахтли, гоҳо шахтсизман,
Ғанимларга эмадим бўйин.
Бахтлиманми ёки бахтсизман,
Бунисини айтишим қийин.
Дур-жавоҳир, турфа хил бисот,
Тўсолмади йўлимни зинҳор.
Қалбимдаги жароҳат қат-қат,
“Дўстлар” “билмай” етказган озор.


* * *

Азоб учун туғилмаган одамзот,
Сабр қилган топар хузур-ҳаловат.
Барбод бўлар бир кун келиб қабоҳат,
Нафс балоси гор бўлгулик қилмасин.

Зўр кўлида эзилмасин камқувват,
Қайнаб-тошсин ҳар юракда муҳаббат.
Йўқолмасин ўртадаги оқибат,
Лек бировга хор бўлгулик қилмасин.

Имонлилар чиқмасин ҳеч ёмонга,
Тош отмасин виждонсизлар замонга.
Ўт кетмасин зинҳор боғу чаманга,
Дунё бизга дор бўлгулик қиомасин.

Дунё бизга тор бўлгулик қилмасин.





Наргиза АСАД

ДОМЛА УЧУН ТУЗОҚ

Ҳажвия

Аудитория талабалар билан тўла, кимдир консект тўлдириш, кимдир қўл телефони билан гаплашиш, яна кимлардир уч-тўртта бўлиб хангомалашиш билан банд.

Кириш учун қўнғироқ чалинганига ўн дақиқадан ошяптики, ҳали Аслоний деганларидан дарак йўқ. Жойимга ўтириб, дарсни такрорлаш, имтиҳонлар вақтида янада баҳоларни ошириш илинжида дафтаримга кўз югуртира бошладим. Шу маҳал, эшикнинг “тақ-қ” этиб ёпилганидан талабаларнинг хуши учди. Қарасак, қўлларини чўнтагига солганча, Аслоний кириб келяпти. У стол олдига келиб бир зум кичкина кўзлари билан талабаларга қирғий қараш қилди-да, сўнг гуруҳдошимиз Шерзодга деди:

– Хўш, ҳаммаси жойидами? (ҳамма талабалар демоқчи бўлди чоғи).

– Ҳаммаси есть, домла, – деди Шерзод ҳам беўхшов тиржайиб.

Аслоний жавобдан қониқди шекилли, узун бир хомуза тортгач, сабоқни бошлади. Қани, ёзишга улгурларинг, дея тўнғиллаб қўйди у китобга қараб маъруза қиларкан. Яна ўша-ўша нақ қирқ дақиқа қўлимиз толиб, консект ёздик, қолган йигирма дақиқада унинг ўзи нималарнидир дафтарига қайд этиб ўтирди. Бу орада авжланган талабаларнинг “пичир-пичир”, “қиқир-қиқир”ини Аслоний домла одатига кўра стол устига “тақ-қ” эттириб кафт билан уриб гўёки тинчлантирган бўларди. Ниҳоят у қўлларини чўнтагига тикиб, талабалар оралаб юрди:

– Хўш, ўтилган мавзу бўйича ким бизга гапириб беради? Ҳмм... демак, ҳеч ким талабгор эмас, шундайми?

Аслоний домла дарғазаб ҳолда журнал варақлашга тушди.

– Мен гапирмоқчиман, – аранг сас берди Муқаддас.

– Давай, бошла.

У ўтилган дарсни қўшимча маълумотлар асоси-

да айтиб берди. Биз эса уни ўқитувчидан эшитгандек, чанқоқлик билан тингладик. Кейин мен ва бошқалар ҳам чиқиб баҳоландик. Шундан сўнг танаффусга қўнғироқ чалинди. Аслоний хонага қанчалик бемалол, хотиржам кириб келган бўлса, энди аксинча тезлик билан олди-орқасига қарамай “зип” этганча чиқиб кетди. Ортидан бир гуруҳ бўлиб эргашган биз талабаларни гуруҳбошимиз эшик олдида тўхтатди.

– Ўзим гаплашдим, овора бўлиб юрманглар.

У иршайиб, бармоқларини санок сони қилиб кўрсатди.

– Вой, бунча қиммат, – дея чинқирди кимдир. Яна кимдир минғирлаган қўйи чўнтак кавлашга тушди.

– Э, қўйиб берса бўлди-да. Биз учун ҳеч сарсон бўлиб юрманг, ўзимиз эплаймиз, – дедик дугонам иккимиз Шерзодга, сўнг кафедра томон илдамладик.

Борсак, Аслоний домла кафедрада талабаларни қабул қилмасликларини айтишди. Бир аудиторияга борганимизда у ердан ҳам ҳозиргина чиқиб кетганини айтишди. Шу билан уч-тўрт кун Аслоний бизга қорасини кўрсатмади. Кўрса ҳам кўрмаганга йўйиб, олдимиздан “шип” этиб ўтиб кетадиган бўлиб қолди. Қарасак, сессия деганлари яқунланаяпти ҳамки, биз ҳали ҳам Аслоний билан гўё қувлашмачоқ ўйнаб юрибмиз. Охири, бир кун унинг йўлини тўсдик.

– Домла, баҳойимизни қўйиб берсангиз қўйиб беринг, бўлмаса, арз қиламиз, – дедик дангал.

– Ким қўймайман деяпти? – Аслоний ўзини бепарволикка солди. – Нима, Шерзод билан гаплашмадингларми?

– Йўқ, сиз домлаимизсиз, биз сиз билан гаплашамиз;

Аслоний бир оз ўйланиб турди-да, кейин, имо қилди:

– Қани, юринглар-чи.

Биз бинонинг бурчагидаги хоналардан бирига бо-риб Аслоний билан рўпарама-рўпара ўтирдик.

– Хўш, нимани гапирасизлар, – деди у кесатик оҳангда.

– Нимани ёздирган бўлсангиз шуни-да, – дедим мен.

– Сиз савол беринг, биз жавоб берамиз, – деди дугонам ҳам.

Шундан кейин Аслоний домла эзмаланиб савол бера бошлади. Биз ҳам бўш келмадик. Сўнг чарчади-ми ёки ўзи ўйлаган натижа чиқмаслигига кўзи етдими, ҳарқалай:

– Ўзи сизларга неччи баҳо керак? – деди тажанганиб.

– Албатта беш-да, – дедик бир овоздан.

– Йўқ, тортмаяпти, бешга тортмаяпти, – деди салмоқланиб Аслоний.

– Нимага энди, ахир ҳамма дарсингизга қатнашган бўлсак, конпектларимиз тўлиқ, баҳоларимиз етарлича бўлса, – деди дугонам бироз қизишиб.

– Гап ундамас. Бу фанни ҳеч ким бешга билмайди, бу шунақа мураккаб фан, буни тушуниш қийин, – деди домла файласуфона бош чайқаб.

– Бизга талабалар даражасида баҳо қўйинг-да...

Домла ҳануз минғирлашдан қолмади.

– Тортмаяпти, барибир тортмаяпти...

Мен энди унинг ўзини тарозига солиб ўтиришига тоқат қилолмай шарт ўрнимдан турдим.

– Майли, домла, бўлмаса мен ҳозир чиқиб бирортасидан қарз олиб келай. Тушунарсиз, талаба зоти ўзи шунақа-ку, бир-биридан олди-берди қилиб яшайди.

Аслоний менга синовчан кўз ташлади:

– Яхши, ўзларингдан қолар гап йўқ. Борақол, фақат бошқаларга айтиб юрма, яна талабалар ичида ҳар хил гап тарқалиб юрмасин.

– Йўғ-е, домла, ўйламанманг, ахир устоз Мансур Эргашовичдан сўрасам йўқ демас, улар талаба халқини жуда яхши тушунадилар-ку, тўғри эмасми? – дедим эшикни ташқарига очарканман.

Проректоримизнинг исми шарифини эшитиб Аслонийнинг ранг-қути ўчди. Пешона чаккалари бўртиб, қизириб, ўрнидан секин, лекин важоҳат билан тураркан:

– Нима-а! – дея чинқириб юборди. Сўнг бўшашибгина синов дафтарчаларимизга қўл чўзди. – Қани, қизлар, бера қолинглар. Мансур Эргашовични безовта қилишга ҳеч ҳожат йўқ.



www.pr.uz сайтидан олинган